ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

*Жуманова Р.Ф.*

# СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

**ўқув қўлланма**

Тошкент – 2005

## АННОТАЦИЯ

Ушбу қўлланма ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида мулкчиликнинг турли шакллари асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга оширишнинг муҳим воситаси солиқ ҳисобланади. Шундай экан солиқ тўловчиларни солиқ тўғрисидаги билим даражасини ошириш, бўлажак иқтисодчи мутахассисларга солиқларни шакллантириш ва уларга тўғри ҳисоблаш йўлларини ўргатиш ушбу ўқув қўлланмада ўз аксини топган. У иқтисодиёт факультетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун мўлжалланган.

**Муаллиф:** **ўқит. Жуманова Р.Ф.**

**Масъул муҳаррир:** **и.ф.н. Мажидов Н.М.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий Кенгашининг 2004 йил 29 декабр мажлиси қарорига асосан напрга тавсия этилган (4-сонли баённома)

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида босқичма-босқич мустақил солиқлар тизими барпо этилди.

Жамиятимизда давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳадаги эркинлаштириш сиёсати солиқлар тизимини ҳар томонлама эркинлаштиришга шароит яратмоқда.

Солиқ муносабатлари молия муносабатларининг таркибий қисми бўлиб молия, бюджет, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳуқуқи каби фанлари билан чамбарчас боғлиқ. "Солиқ ва солиққа тортиш" фанининг ўзига хос хусусияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий характерга эга бўлган пул муносабатларини ўргатади. Ушбу курснинг ўқитилиши талабаларга солиқ муносабатлари тўғрисида билим ва тушунчалар беришни мақсад қилиб қўяди.

Ушбу қўлланмада солиқларнинг назарий қоидалари, унинг моҳияти, принципи, усуллари, иқтисодиётда қўлланиладиган солиқларнинг турлари, шунингдек бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уларни такомиллаштириш йўллари каби солиқ борасидаги асосий тушунчаларни ёритиб беришга асосий эътибор қаратилган.

# I БОБ. СОЛИҚЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Солиқлар ва унинг ривожланишидаги асосий концепциялар

Солиқлар – иқтисодий муносабатларнинг энг қадимий шакли ҳисобланиб, унинг вужудга келиши жамиятнинг эҳтиёжи билан боғлиқ. Солиқлар - давлат томонидан белгиланган тартибда, ставкада хўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахслардан ундириладиган мажбурий тўловдир. Солиқлар турли хил тўловлар кўринишида бўлиб, аҳоли даромадидан давлат ёки подшолар фойдасига йиғилган. Улар турли ажратмалар, закотлар, бадаллар, божлар ва тўловлар кўринишида пул ва натура шаклида бўлган. Одамлар солиқларга ҳар доим икки томонлама ёндошишган: бири-қандай солиқ жорий этиш ва уни қандай қилиб йиғишни ўйласа, иккинчиси эса - қандай қилиб уни тўлаш ёки ундан қандай қочишни ўйлайди.

Солиқ тизими давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб ривожланиб келмоқда. Солиқлар жамиятда иқтисодий муносабатларнинг зарурий бўғини, давлат даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади. Давлат солиқ механизмидан фойдаланиб, жамиятга, ижтимоий ишлаб чиқаришга, унинг динамикасига, структурасига ва фан-техника тараққиёти ҳолатига иқтисодий таъсир кўрсатади.

Давлат тузилмаси шаклининг ўзгариши ҳар доим солиқ тизимининг ўзгаришига олиб келади. Тарихдан маълумки, юқори солиқлар ғазнага тушадиган умумий миқдорни камайтиради, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши йиғимлар суммасини кўпайтиради. Иккала ҳолатда ҳам самара давлатнинг аниқ солиқ сиёсати ҳамда вужудга келган шароитлар натижаси ҳисобланган.

Рус ёзувчиси Николай Тургенев ўзининг "Солиқ назариясининг тажрибалари" (1818) китобида: "... номақбул солиқ тизими тарихдан кўриниб турибдики, нидерландлар Испаниядан, швейцарлар Австриядан, фрисландлар Даниядан ва ниҳоятда казаклар Польшадан мустақил бўлиб чиқиб кетишига сабаб бўлган"- деб ёзади. Бу билан у солиқ ва молиядаги номақулликлар, солиқларнинг халқдан нотўғри йиғилиши турли хил революция ва тўнтаришларга олиб келади, дейди.

Солиқлар қадим-қадимдан инсон тараққиёти цивилизациясининг илк бошидан шаклланган. Солиққа тортишнинг ривожланиш шакли ва методларини 3 та йирик босқичга бўлиш мумкин:

1-бошланғич босқичда солиқларни йиғишда давлат ўзининг молиявий аппаратига эга бўлмаган. Давлат ўзига керак бўлган маблағнинг умумий миқдорини аниқлаб берган, солиқни йиғиш эса шаҳар ёки жамоага топширилган.

2-босқичда (16-19 аср) давлат муассасалари таркиб топа бошлайди. Шу жумладан, молиявий муассасалар ҳам, давлат функциясининг бир қисмини ўзининг бўйнига олади, яъни солиққа тортиш квотасини белгилайди, солиқларни йиғиш жараёнини кузатади.

3-замонавий босқичда давлат солиқларни белгилаш, солиққа тортиш каби функцияларини ўз қўлига олади. Маҳаллий бошқарув органлари давлатнинг ёрдамчиси ролини бажаради.

Солиққа тортишнинг ибтидоий (бошланғич) шакли қурбонликлар билан бошланган. Бу қурбонликлар ўзининг хоҳиши билан бўлмаган, балки ҳар бир диннинг буюк китобларида ердан, молидан ва дарахтдан олган хосилидан маълум бир қисми қурбонлик қилиниши керак (мачитга, черковга) дейилган.

Қадимги Грецияда эрамиздан аввалги 7-6-асрда давлатни асосини қураётган ваколатли арбоблар даромадга солиқ жорий этишган. Бу эса даромаднинг 1:10 ёки 1:20 ҳажмида киритилган. Акциз йиғимлари (шаҳар дарвозасида) ҳам бўлган. Бу маблағлар ёлланган армияни сақлашга, шаҳар атрофини мустаҳкамлашга, черковлар қурилишига, водопровод, йўл қурилишига, байрамларни ўтказишга, камбағалларга пул ва озиқ-овқат тарқатишга харажат қилинган.

Ўша даврда Афинада солиқ солишга қарши чоралар кўрилган. Масалан, у ерда эркин одам солиқ тўламаслиги билан ажралиб туради. Эркин фуқаролар солик тўлашни ўзлари учун камситиш деб билганлар. Афиналиклар ўзларининг хоҳишлари билан қурбонлик қилишга тайёр эдилар. Улар урушда муваффақиятсизликка учраган душмандан солиқ ундиришни ҳуш кўрардилар. Агар йирик харажатлар кутиладиган бўлса, жамоатчилик йиғилишида даромаддан фонз ажратмаларини белгилашарди.

Римда тинчлик даврида солиқлар бўлмаган. Шаҳарни бошқаришдаги харажатлар минимал бўлган, сайланган магистратлар ўзларини маблағларини қўйиб вазифаларини бажарардилар ва бу улар учун фахрли эди. Асосий харажатлардан бири бу биноларни қуриш бўлган, бу харажатни эса ерни ижарага беришдан олган фойда ҳисобига қопланарди. Уруш даврида Рим фуқаролари моддий шароитига қараб солиққа тортилган. Солиқ хажмини (ценз) ни амалдор цензорлар ҳар 5 йилда белгилардилар. Рим фуқаролари

цензорларга оилавий аҳволи ва моддий- мулкий шароити тўғрисида қасам ичишарди. Бундан кўриниб турибдики, даромадлар тўғрисидаги декларацияга ўша пайтдаёқ асос солинган. Рим давлати ўсиб борарди: янги-янги шаҳар-колониялар босиб олинди. Колониялар ҳам коммунал маҳаллий солиқлар ҳам давлат солиқларини тўлашган. Ташқаридаги провинциялари- Испания, Македония, Сицилияларда молиявий муассасалар- органлар бўлмаганлиги сабабли солиқларни ўзлари ундиришна олмаган. Рим администрацияси даллолларнинг ёрдамига мурожаат қилган, аммо уларнинг устидан назорат олиб боролмаган. Аниқ, катъий қонун-қоидалар бўлмаганлигидан провинцияларда солиққа тортиш тизими ёмон аҳволга тушиб қолган: коррупция, мансабини суиъстемол қилиш каби иллатлар оддий холат бўлиб қолди.

Цезарь даврида (эр.ав.100-44) молиявий хўжаликда ўзгаришлар бўлган. Хар бир жамоатчиликка аниқ ва катъий солиқ суммаси белгиланиб, уларнинг ўзларига тақсимлаш ҳам, йиғиб олиш ҳам юклатилган. Солиқлар микдори насайтирилган. Кўпгина шаҳарлар солиқ имтиёзларини олдилар, айрим Цезарга қарши курашганларга эса жазо сифатида солиқларни кўтаришган.

Византияда 7 асрда 21 тўғри солиқ ундирилган. Ҳаддан ташқари солиқ юкининг оғирлиги Византия давлати қудратининг заифлашувига олиб келди.

Макроиктисодий назарияда солиқлар.

17-18 асрларда Англияда янги солиқ лойиҳаларини амалиётга тадбиқ этиш чоралари самарали бўлган. Бу соҳада бир қатор классик мактабининг иктисодчилари ўзларининг турли хил қарашлари ва ғояларини илгари суришган.

Инглиз иктисодчиси У. Петти ўзининг "Солиқлар ва йиғимлар ҳақида трактатида" (1662) : солиққа тортиладиган бойликларни қандай баҳолаш мумкин?-деган саволни илгари сурган.

Т.Гоббс "Левиафан" (1652) трактатида солиқлар- умумий жаҳон сотиб олинадиган баҳо деб таъкидлайди. Давлат хукуматини одамларини яшаши учун жамият аъзолари умумий фонд яъни давлат ғазнаси ёки фискни ташкил этадилар

Француз ёзувчиси Ш. Монтескье (1689-1755) хеч қайси давлат саволлари солиқчалик донолиkни ва тўғри яъни маъқул томонини кўриб чиқишни талаб этмайди: фуқаролардан қайси қисмини олиб қайсисини қолдириш. Бу саволларда иккилантирадиган ечим бор: "Давлат даромадлари халқ нима бера олиши билан эмас, балки нима бериши кераклиги билан ўлчанади... Агар халққа фақат зўрға яшаб туришига етадиган қилиб қолдирса, арзимаган

диспропорция ёмон оқибатларга олиб келади"- дейди. Янги солиқларни белгилашда давлат ҳар доим ўзининг бойликларини ҳамда алоҳида шахсларнинг бойликларини қиёсий ўлчаши керак. Ш. Монтескье қуйидаги саволни илгари суради: давлат ўзининг фуқароларини талон -тарож қилиш ҳисобига бойиши керакми ёки фуқароларнинг моддий турмуш даражаси яхшилангандан кейин уни бойитишини кутиши керакми?

Инглиз иқтисодчиси ва файласуфи Д.Юм "Солиқлар ҳақида" эссесида қуйидагича фикр юритади: агар истеъмолга солиқ ўрнатилса ишчилар ўзларининг истеъмолларини қисқартиришга мажбур бўладилар ёки меҳнат ҳакларини оширилишини талаб қилишлари керак- унда солиқ юки бойларнинг устига тушади. Агар солиқлар мўътадил бўлса ва секин-асталик билан киритилса, ишчилар кўпроқ ва яхшироқ ишлашга ҳаракат қиладилар, лекин уларнинг яшаш даражаси аввалгидай- иш ҳақига ҳеч қандай уста-масиз қолади. Бу ҳолат мамлакатнинг умумий иқтисодий ўсишига олиб келади. Шу ғоя асосида XVIII асрда "фискал шартномаси" шаклланди.

Ф. Аквинский (1226-1274) Солиқларга "Солиқ - бу очиқдан-очиқ халқни талаш" - деб қарайди.

Солиқлар давлат молиясини шакллантирувчи манба сифатида, ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини ундириб олувчи солиқлар қадим-қадимдан машҳурдир. Солиққа тортиш иқтисодий маданият элементи сифатида ҳамма давлатлар тизими учун хосдир. Кўпчилик солиққа тортишни инсоният цивилизациясининг ажралмас қисми феномени сифатида гапирадилар.

Швейцария иқтисодчиси С. Фишернинг фикрича солиқлар –бу жамият тараққиёти учун тўловдир.

Инглиз иқтисодчиси С. Паркинсон: «Солиқлар –жуда узоқ тарихга эгаки, унинг биринчи шакли қайсидир маҳаллий оқсоқол савдогарлар ва саёҳатчилардан тўлов ундириш учун дарё кирғоғини, икки дарё қўшиладиган жойига ёки тоғ довонини тўсишдан бошлаган»,-деб изоҳлайди.

Вольтер: «солиқ тўлаш – мулкнинг маълум бир қисмини бериб, қолганини асраб қолиш учундир», - деб қайд этади.

Солиқ назариясида дастлаб солиқлар фақат фискал инструмент сифатида хукмронлик қилган. Инглиз иқтисодчиси Д. Рикардонинг 1819 йилда Жамият палатасида машҳур бўлган чиқишида қуйидаги фразани келтиради: «Энг яхши солиқ – бу энг паст солиқдир».

XVIII аср ўрталарида солиққа тортиш назарияси ташкил этила бошлади. Унинг асосчиси бўлиб шотланд иқтисодчиси ва файласуфи

А.Смитдир. У ўзининг "Миллатлар бойлиги сабаблари ва табиатини тадкик этиш" 1776 й китобида: "Ҳар бир солиқ тўловчи солиқ тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиши керак. Тўлов муддати, тўлов усули, тўлов суммаси аник бўлиши шарт. Агар бунинг акси бўлса, яъни солиқ тўлашда ноаниқлик бўлса, солиқ тўловчи солиқ ундирувчига қарам бўлиб қолади. Солик ундирувчи хоҳласа тўловчини зарарига қилиб ундириши мумкин, хоҳласа пора ёки совға эвазига камайтириши мумкин.

Соликдаги ноаниқлик муттаҳамликни, мансабдан фойдаланишни ривожлантиради.

Ҳар бир солиқ шундай ундирилиши керакки, у тўловчи учун қулай бўлиши керак.

Ҳар бир солиқ шундай ўйлаб топилиши керакки, у халқ чўнтагидан ушлаб қолинадигани давлат ғазнасига тушадиганидан камроқ бўлиши керак. Солиқни халк чўнтагидан ушлаб қолиш давлат ғазнасига тушадиганидан кўпроқ бўлиши қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

1) Солиқни йиғиш учун кўп солиқчиларни жалб қилиши. Солиқчиларга қўшимча ойлик бериш билан солиқ ҳажми ошади.

2) Шахсларни солиқ тўлашга мажбурлаш билан аҳолини ўзини ишини очишга, ишлашга бўлган имкониятларга тўсқинлик қилади. Бу билан солиқчилар осонлик билан амалга оширилиши мумкин бўлган фондларни йўқотишлари мумкин.

3) мусодара, яъни солиқ тўлашдан қочмоқчи бўлган одамлар моллари мусодара қилинади ёки бошқа жазоларга тортилади. Бу эса уларни хонавайрон килади. Жамият ўзининг сармоясини қўйиш ҳисобига келадиган фойдадан халос бўлади. Ноўрин солиқлар контрабанданинг пайдо бўлишига олиб келади".

XIX аср ярмида Швейцария иқтисодчиси Ж. Сисмонди солиқ-назариясини «теория наслаждения» дейди. «Солиқ- қурбонлик ва шу вақтнинг ўзида неъматдир, давлат хизматлари шу қурбонлик ҳисобига фойда келтиради. Фуқаролар солиқларга ўзлари учун давлат томонидан кўрсатиладиган ҳимояси деб қарашлари керак».

XX аср бошларида Италия иқтисодчиси Ф.Нитти миллий бозор ривожланишига давлатнинг таъсирида солиқларни ролига аниқ таъриф берган. «Бўлинмайдиган хизматлар мавжуд, масалан, булар ички хотиржамлик ва ташқи хавфсизлик, адолатлилик, ижтимоий гигиена, худудни қўриқлаш. Бундай шароитда божлар қўлланилмайди, бўлинадиган махсус хизматларининг умумий харажатлари солиқлар томонидан қопланади. Солиқлар фуқаролар дав-

лат ва маҳаллий орган коллектив эҳтиёжларини қондириш учун бериладиган бойликларнинг бир қисми».

Кейинчалик бир мунча кечроқ иқтисодчи олимлар томонидан солиққа тортиш амалиётида солиқлар – бу фақатгина фискал қуроли бўлибгина қолмай, давлат иқтисодий-сиёсатининг кучли воситаси, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг қуроли эканлигини асослаб беришди. XX асрнинг иккинчи ярмида давлатлар талабни рағбатлантириш, иқтисодий ўсиш суръатини ошириш, тадбиркорларни инвестицияга чақириш учун пасайтирилди.

## 1.2. Соликларнинг иктисодий моҳияти ва зарурлиги

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганида, ишлар бажарганида ёки бозорларда олди-сотди қилганда ҳам пул тўловлари мавжуд. Лекин улар солиқ бўла олмайди. Солиқ муносабати бўлиши учун давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига 'маблағ тўплаш жараёнини амалга оширади.

Масалан, коммунал хўжалиги фуқаролардан совуқ сув ёки иссиқ сувдан фойдаланаётганлиги учун ҳақ олса у солиқ эмас, балки шу сувни келтиришдаги хизмат ҳақи ҳисобланади. Бу ҳақ коммунал корхона мулкидир. Ҳуқуқий шахслар ва ишбилармонлар тўғридан-тўғри ер усти ва ер остидан сув олганда сув ресурслардан фойдаланиш солиғини тўлайдилар, чунки солиқ суммаси давлат бюджетига тушиб давлат мулкига айланади.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд:

1) Мажбурийлик. Солиқ ва йиғимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қўяди.

2) Солиқларнинг давлат мулкига айланиши. Солиқлар албатта хазинага- давлат бюджетига ва давлатнинг бошқа пул фондларига тушади. Борди-ю, тўлов бошқа ихтиёрий фондлар - “Умид”, “Экосан”, “Камолот”, “Нуроний” жамғармаларига тушса, унда солиқ муносабати бўлмайди.

3) Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда блади.

4) Эквивалентсизлик белгиси. Тўланган солиқлар мамлакат миқёсида ҳаммага бир хил миқдорда қайтиб келади. Лекин давлатга тўланган солиқ миқдори тўловчининг шахсан ўзига тўлиқ қайтиб

келмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир. Масалан, солиқ тўловчи бу йили давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан ҳеч фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларнинг тўлаган солиқ ва йиғимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (мудофаа, хавфсизликни таъминлаш, тартиб интизомни ўрнатиш ва бошқа ижтимоий-зарурий хизматлар) орқали ўзларига қайтиб келади. Демак, солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан олганда ҳамма солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кўрсатган ижтимоий хизматлари учун тўланадиган ҳақдир.

Солиқларнинг объектив зарурлигини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин:

1) биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги;

2) иккинчидан, бозор иқтисодиётининг қонун$_7$ қоидалари.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги вазифалари пайдо булади. Буларга бизнинг республикамизда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини (саноатда, қишлоқ хўжалигида, молия тизимида) ташкил қилиш киради. Давлат кучли ижтимоий сиёсат тадбирларини амалга ошириш учун пенсионерлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни кўпроқ манба билан таъминлаш зарурлигини англаб чекланган товарлар баҳосидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплайди ва уларга бошқа харажатларни давлат ҳисобидан амалга оширади, маҳаллаларда кам таъминланганларга моддий ёрдамлар ташкил этилади. Шу билан бирга Ўзбекистон давлати жамият аъзолари осойишталигини сақлаш мақсадида ўзининг мудофаа қобилиятини сақлаб ва мустаҳкамлаб туришга, техника ва ўқ -дориларга ҳам маблағлар сарфлайди. қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигин сақлаш, мамлакатда тартиб интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбур. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни ҳам объектив зарур қилиб қхяди.

Давлатнинг бажараётган функция ва вазифаларини маблағлар билан таъминлашни давлат бюджети харажатлари мисолидан ҳам кўриш мумкин:

Бюджет харажатлари (млн. сум.)

| | 2001 | % | 2002 | % | 2003 | % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | 1210346 | 100 | 1900542 | 100 | 2492507 | 100 |
| Шу жумладан: 1.Ижтимоий маданий тадбирларга | 481900 | 40 | 765442 | 40.2 | 935649 | 38.3 |
| 2.Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга | 102800 | 8.5 | 142449.5 | 7.5 | 195508 | 7.8 |
| 3.Иқтисодий соҳаларга | 105375 | 8.7 | 165142 | 8.6 | 289157 | 11.6 |
| 4.Марказлашган инвестицияга | 216200 | 16.2 | 273000 | 14.3 | 313000 | 12.6 |
| 5.Давлат ва суд идоралари бошқарувига | 22000 | 1.8 | 38604.6 | 2.3 | 43557 | 1.7 |
| 6.Маҳаллий бошқарувга | 6431 | 0.5 | 10303 | 0.5 | 12750 | 0.5 |
| 7.Вазирлар Маҳкамасининг резерви | 15000 | 1.2 | 21000 | 1.1 | 33900 | 1.4 |
| 8.Бошка резервлар, харажатлар | 280281 | 23.1 | 484601 | 25.5 | 650984 | 26.1 |
| Махсус фондлардан харажатлар - жами | 395242 | - | 630229.8 | - | 728328 | - |
| Бюджет камомади | 57518 | - | 122115 | - | 183506.9 | - |

## 1.3. Солиққа тортиш тамойиллари

Баъзи иқтисодчилар солиқ тўловчиларнинг даромадини бюджетга олишнинг чегараси борлиги ва солиқ оғирлигини кўпайтириб юбормаслик ҳақида ёзиб ўтганлар. Давлат миллий ишлаб чиқаришни ўсиши ёки пасайишига солиқ ставкаларини ўзгартириш ва бюджет харажатлари орқали таъсир кўрсатади.

Америка иқтисодчиси Артур Лаффер солиқларни камайтириш натижасида иқтисодиётнинг ўсишини исботлаб берган. Бу тарихда Лаффер эгри чизиғи деб аталади.




Агар солиқ ставкаси 0 бўлса, давлат ҳеч қандай солиқ тушумига эга бўлмайди. Агар ставка 100 бўлса, давлат учун тушум яна шунга тенг бўлади, чунки ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамма даромади бюджетга олиб қўйилади. Ишлаб чиқаришга ҳеч қандай қизиқиш қолмайди. Солиқ ставкасининг бошқа ҳамма ҳолатларида давлат у ёки бу миқдорда даромадга эга бўлади. Солиқ ставкаси $r_0$ тенг бўлганда солиқ тушумлари максимал даражага етади ($R_0=r_{max}$). Хулоса шуки, солиқ фоизи ставкасининг маълум даражага етиши ($R_0$) солиқ тушумларини кўпайтиради, унинг янада оширилиши аксинча солиқ тушумларини камайтиради. Иқтисодий субъектларининг солиқ ставкаси динамикасига таъсири бир ондаёқ сезилмайди, балки қандайдир вақтдан кейингина сезилади. Лаффер эгри чизиғи давлат даромадларининг ўсиши солиқ ставкаларининг камайишига объектив боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Адам Смит 1776 йилдаёқ "Миллатларнинг бойлиги" асарида солиққа тортиш иқтисодиётнинг равнақига олиб келиши мумкин бўлган қуйидаги 4 оддий тамойилни баён қилган:

1. Солиққа тортишнинг **адолатлилик** тамойили. Адолат тамойилларига мувофиқ солиқлар жамият томонидан оқилона ва адолатли деб тан олинган умумий объектив қоидаларга биноан белгиланиши лозим.

Горизонтал ва вертикал адолат тушунчалари мавжуд бўлиб горизонтал адолат тамойили даромад олишнинг турли шароитларида

солиқ тўловчиларга нисбатан солиққа тортишнинг тахминан тенг шартларини қўллашни кўзда тутади.

Вертикал адолат деганда, хўжалик юритишнинг бир мунча оғир шароитларида ишлаётган субъектлар учун солиққа тортишнинг бир қадар юмшоқроқ шартларини, енгил даромад олиш имкониятига эга бўлган субъектлар учун эса оғирроқ шартларини қўллашни тушунилади.

2. Солиққа тортишнинг **мақбуллиги** - тўловнинг муддатлари, тури ва миқдори ҳар бир кишига, яъни ҳам солиқ тўловчиларига ҳам солиқ олувчиларга тушунарли бўлиши лозим.

3. Солиққа тортишнинг **қулайлиги** – солиқ тўловчилари учун энг қулай бўлган муддатларда ва шаклда ундирилиши лозим.

4. Солиққа тортишнинг **арзонлиги** –солиқларни ундиришга доир харажатларнинг энг кам миқдорда бўлишни кераклигини англатади.

Кейинчалик Жон Стюарт, Б. Иозеф, Э. Штигельц ва бошқалар ўз асарларида асосан юқоридагиларга ўхшаш тамойилларни айтиб ўтишган. Кёльн солиқ ҳуқуқи институти доктори, профессори Йохим Ланг солиққа тортишнинг классик ва замонавий тамойилларини ўрганиб чиқиб ва уларнинг ижобий ва заиф томонларини таққослаб, солиққа тортишнинг 5 тамойилини ишлаб чиқди ва солиққа тортиш ҳақидаги Кодекс лойиҳасига киритди. Улар қуйидагилар:

1. Тенглик ва самарадорлик- иқтисодий фаолият объектларининг тенг миқдорда солиққа тортишини ва улар учун солиқ юкининг тенг тақсимланишини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида барча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тенг ҳуқуқли бўлгани учун уларга солиқ солишини ва солиқлар юки ҳам тенг бўлиши лозим. Бир шахсни солиққа тортишдан озод қилинишни бюджет даромадларининг тақчиллиги шароитида солиқ юкини бозор муносабатининг бошқа иштирокчилари зиммасига юклайди. Бу ҳолат ижобий натижага олиб бормайди.

2. Солиққа тортишнинг аниқлиги ва мақбуллиги- солиқдан қарзларга нисбатан талаблар ҳуқуқий давлатчилик муносабатлари нуқтаи назаридан аниқ белгилаб қўйилиши керак.

3. Солиққа тортишнинг арзонлиги – солиқ қонунлари иложи борича содда ифодаланган бўлиши, солиқларни ундириш қоидалари нисбатан арзонлиги билан фарқланиб туриши керак. Қонунчилик материалларини тайёрлаш, солиқларни ҳисоблаш, боқимандаларни ундиришнинг ташкил этилиши учун меҳнат ва моддий харажатлар жуда кам сарфланган бўлиши зарур.

4.Солиққа тортишнинг хазина (фискал) самарадорлиги ва эгилувчанлиги-самарадорлиги билан ажралиб туриш ва иқтисодий вазиятларнинг згаришига конуний чораларсиз тгри жавоб бериши лозим. Бу ўринда Йохим Ланг солиққа тортишнинг хазина самарадолигини иқтисодий юксалишига солиқлар юкининг оғирлиги номувофиқ бўлиши билан боғлиқ эканлигини огохлантириб қўяди. У солиқ юкининг оғир бўлиши иқтисодий ўсиш учун зарардир деб таъкидлайди. Фақат Германия ва Италия сингари иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатлар иқтисодий юксалишига тўсқинлик қиладиган солиқлар тизимига амал қилишлари мумкин.

5.Солиққа тортишнинг ижтимоий адолатлилиги - ижтимоий давлатларда заруур бўлган қайта тақсимлашнинг амалга оширилишини ва ижтимоий ғоялари, жумладан, атроф муҳитни муҳофаза этиш, соғлиқни сақлаш ва оила манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ёрдам бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодексида эса солиққа тортиш тамойиллари ўрнига солиқ қонунчилиги тамойиллари деб аталиб, унинг 5 тамойили (4-модда) белгилаб берилган:

1. Ҳар бир шахс Кодексда белгиланган солиқ ва тўловларни тўлашга мажбурдир, яъни солиқ тўлаш қонун билан мажбур қилиб қўйилади.

2. Ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш мулкчилик шаклидан қатъий назар, жисмоний шахслар эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъий назар қонун олдида тенгдир.

3. Белгиланган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон ҳудудида товарлар ёки пул маблағларини эркин ҳаракатини бевосита ёки билвосита чекламайди ёки солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятини чеклашга ёки тўсқинлик қилишга йўл қўймайди.

4. Манбаларидан қатъий назар, ҳамма даромадлар мажбурий равишда солиққа тортилади.

5. Белгиланган солиқ имтиёзлари ижтимоий адолат тамойилига мос келиши шарт.

## 1.4. Солиқларнинг функциялари

Солиқларнинг функцияси — солиқлар моҳиятининг амалда намоён бўлишидир. Функция- давлат даромадларини қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш қуроли сифатида ушбу иқтисодий категориянинг ижтимоий йиналишини қандай амалга оширилишини кўрсатади.

Солиқларнинг функциялари қуйидагилардан иборат:
1. Фискал функция.
2. Назорат функция.
3. Тақсимлаш функцияси.
4. Иқтисодий тартибга солувчилик фукцияси.

**Фискал** функциянинг моҳияти шундан иборатки, солиқлар ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади, ҳозирги вазиятда эса бутун бозор хўжалиги тизими ишлаб туриши учун моддий имконият вужудга келтирилади. Солиқлар орқали корхоналар ва фуқаролар даромадининг бир қисмини давлат аппаратини, мамлакат мудофаасини, хизмат кратини соҳасининг умуман ўз даромадлари манбаига эга бўлмаган қисмини ёки лозим даражада ривожланишини таъминлаш учун ўзининг маблағи етишмайдиган тармоқларини (фундаментал фан, театрлар, музейлар, кўплаб ўқув юртлари) сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш жараёни рўй беради.

**Назорат** функцияси солиқ тушумларининг миқдорини акс эттириш ва давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини солиштириш имкониятига эга бўлади. Назорат функциясида ҳар бир солиқ каналининг самарадорлиги баҳоланади, солиқ тизимига ва бюджет сиёсатига ўзгартириш киритиш зарурати туғилади. Назорат функциясининг амалга оширилиши солиқ интизомига боғлиқдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, солиқ тўловчилар солиқларини қонунчиликка асосан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашлари керак.

Солиқларнинг навбатдаги функцияси **қайта тақсимлаш** вазифасини бажаришидир. Давлат солиқлар ёрдамида корхоналар ва тадбиркорлар фойдаси, аҳоли даромадининг бир қисмини қайта тақсимлайди, бунда олинган солиқ ишлаб чиқаришга ва ижтимоий тармоқларга кўмаклашувчи соҳаларини, яъни инфраструктурани ривожлантиришга, харажатлар узоқ муддат ўтганидан кейин қопланадиган маблағ ва фондталаб тармоқларини инвестициялашга йўналтирилади. Бюджетдан каттагина маблағ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга сарфланади, чунки бу тармоқ оқсаб қолгудек бўлса, бутун иқтисодиётнинг ҳолатига ва аҳоли турмушига оғриқли таъсир кўрсатади.

Солиқ тизимининг қайта тақсимлаш функцияси яққол кўриниб турган ижтимоий аҳамиятга эгадир. Тегишли тарзда тузилган солиқ тизими бозор иқтисодиётига ижтимоий йўналиш беришга имкон туғдиради. Масалан, Германия, Швеция ва бир қатор мамлакатларда худди шундай қилинган. Умумжаҳон

тажрибасида солиққа тортишнинг прогрессив ставкалари жорий этилганини, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар солиқлардан тўла ёки қисман озод қилинганлигини кўрамиз.

Солиқларнинг яна бир муҳим функцияси иқтисодий тартибга солувчи функциядир. Давлат солиқлар орқали ишлаб чиқариш шароитларини, товарлар ва хизматларнинг сотилишини изга солиб боради, иқтисодий фаолият учун муайян солиқ иқлими яратади.
Давлат тартибга солишни икки хил йўналишда амалга оширади:

- бозор, товар-пул муносабатларини тартибга солиш. Бунда давлат "ўйин қоидасини" аниқлаб беради, яъни қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқади, бозорда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар, иш берувчилар ва ёлланган ишчилар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи қонун -қоидалар ишлаб чиқади, товар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорлар ўртасида, банклар фаолияти, товар ва фонд биржаси, меҳнат биржаси, савдо уйлари муносабатларини тартибга солувчи давлат органларининг қонунлари, инструкциялар ва фармонлар ҳамда ярмарка, кўргазма ва аукционларни ўтказиш тартибини, қимматли қоғозлар муомаласини қоидаларини ишлаб чиқади. Бу давлатнинг бозорни тартибга солиши йўналиши бевосита солиқлар билан боғлиқ эмас.

- иқтисодиёт ривожланишини тартибга солиш йўналиши. Бу ерда давлат инсонларнинг қизиқишларига, тадбиркорларнинг фаолиятларини, мақсадларини керакли томонга, яъни жамият учун фойда келтирадиган йўналишда олиб боришлари учун молиявий-иқтисодий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти ривожланишини молиявий-иқтисодий усуллар билан, яъни солиқ тизимини қўллаш йўли билан, ссуда капитали ва фоиз ставкаси, бюджетдан ажратиладиган капитал қўйилмалар ва дотациялар билан тартибга солиб туради. Иқтисодий усуллар тизимида марказий ўринни солиқлар эгаллайди.

Солиқлар ставкаларини ва турларини ўзгартириш, имтиёзлар ва жарималар, солиққа тортиш шартларини ўзгартириш билан, солиқларнинг бирини жорий этиб, бирини бекор этиб давлат айрим тармоқ ва ишлаб чиқаришни ривожланишини тезлаштиради, жамиятнинг долзарб муаммоларини ҳал этади.

Солиқларнинг **тартибга солувчилик функцияси** з навбатида 2 та функцияга эга: а) рағбатлантирувчи;

б) рағбатлантирмайдиган.

Солиқларнинг рағбатлантирувчилик функцияси имтиёзлар, солиқдан озод этилиши, преференциялар орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига асосан қуйидаги имтиёзлар мавжуд:
- объектни солиққа тортилмайдиган минимуми;
- алоҳида солиқ тўловчиларни соликдан озод этилиши;
- солиқ ставкаларининг пасайтирилиши;
- мақсадли солиқ имтиёзлари;
- солиқ кредити.

Корхона фойдасини солиққа тортишдаги имтиёзлари рағбатлантиришга қаратилган:
- ишлаб чиқаришга кетган харажатларни молиялаштириш;
- кичик корхоналарни, тадбиркорликка;
- инвалид ва пенсионерларни бандлиги;
- ижтимоий -маданий ва табиатни муҳофаза қилишга, ҳайрия фондларига йиналтириш.

**Преференция** - инвестиция ва инновация харажатларини молиялаштириш учун белгиланган инвестицион солиқ кредити.

**Солиқ кредити** – ҳар қандай кредит каби қайтиб беришлик ва тўловлик шарти билан солиқ идораси ўртасида шартномаси асосида расмийлаштирилади.

**Мақсадли солиқ имтиёзи** инвестицион солиқ кредитидан фарқли ўлароқ, кейинчалик солиқ суммасининг маҳаллий бюджетга тушириш шарти билан исталган корхонага берилади.

Рақобатли бозорлар хўжалик юритишда тенг бўлмаган шароит бўлиши сабабли мустақил равишда, ташқаридан аралашувчи ресурсларнинг самарали тақсимланишини, ишлаб чиқариш салоҳиятини бир текис жойлаштиришни таъминлашга, фан ва техникани узоқ муддатли ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўналишларини ишлаб чиқишга қодир эмас. Бозор механизмлари ҳаракатини солиққа тортиш ёрдамида тўғрилаб туриш ана шу муаммоларни ҳал этишга имкон беради. Бинобарин, товар ишлаб чиқариш ёки уни истеъмол қилиш қандайдир учинчи- ишлаб чиқаришда ёки истеъмолда қатнашмаган томоннинг ўрнини тўлдириб бўлмайдиган харажатларга тушишига олиб келган ҳолатлар ҳам маълум. Агар нефть ҳайдаш заводи ҳавони булғаса, у ҳолда аҳоли ташқи харажатларга тушади, бунинг учун эса ҳеч қандай товон пули тўланмайди.

Давлат махсулот бирлигига тўғри келадиган ташқи харажатга ўхшаш алоҳида солиқ жорий этар экан, хукумат номидан қонда бузган фирма зиммасига шундай харажатларни юклайди, акс ҳолда фирма бу пулни тежаб қолган бўларди.




Солиқларнинг корхона харажатларига таъсири:
P - товар нархи; Q - товар миқдори;
S - корхона харажатлари ; S1 - реал харажатлар;
D - товарга талаб; T -товарга солиқ.

Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган T га тенг бўлган алоҳида солиқ фирма харажатларини ошириб юборади шамда S таклифларини S1га эгри қилиб қўяди. Натижада Q1 маҳсулотнинг мувозанатли миқдори шу қадар қисқарадики, Q2 маҳсулотнинг мақбул миқдори билан тенглашиб қолади. Шундай қилиб, мазкур маҳсулотга ҳаддан ташқари ресурс ажратишга ўрин қолмайди.

**Такрорлаш учун саволлар**

1. Солиқ тушунчаси нима?
2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти нима?
3. Солиқларнинг обьектив зарурлиги нималардан келиб чиқади?
4. Солиқларнинг қандай функциялари бор?
5. ЯИМни тақсимлашда солиқлар қандай роль ўйнайди?
6. Солиқларнинг иқтисодий тартибга солувчи функцияси иқтисодиётнинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида қандай имтиёзлар крсатиб тилган?

# II БОБ. СОЛИҚ СОЛИШНИНГ МАКРО ВА МИКРОИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

## 2.1. Мамлакат бюджетининг моҳияти

Халқ манфаатларига жавоб берадиган мустақил иқтисодий сиёсат-ҳар қандай давлатнинг мустақил ривожланишини асосий шартидир. Айнан шундай сиёсатни олиб бориш давлатни ривожланишини белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади. Унинг ўзаги -

жамиятни ҳар бир аъзоси манфаатларини таъминлашни кўзлаган бозор иқтисодиётини барпо қилишдир. Бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ туб ўзгаришлар, ўтказилаётган ислоҳотларнинг узоқ муддатли ва мураккаб жараёнлиги туфайли иқтисодиётни барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўришни талаб қилади. Бунда молиявий муносабатларга муҳим ўрин берилади.

**Молиявий сиёсат** - бу давлатнинг иқтисодий сиёсатини таркибий қисми бўлиб, молиявий ресурсларини (манбаларини) жалб этиш, уларни тақсимлаш, нига солиш ва фойдаланишга давлат орқали йўналтирилган барча чора - тадбирлар йиғиндисидир. Молия сиёсатини муҳим вазифаси деб у ёки бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат режасини ёки чора - тадбирларини амалга ошириш учун тегишли молия ресурслар билан таъминлашнинни тушунилади.

2 Ижтимоий –иқтисодий формацияда мавжуд бўлган молиявий муносабатларнинг йиғиндиси ёки давлатни молиявий муассасалари тизими молиявий тизимни ташкил қилади.

Молиявий тизимнинг муҳим элементи - давлат молиясидир. Иқтисодий моҳияти бўйича давлат молияси ижтимоий маҳсулотни ҳамда давлат ихтиёрига тушадиган молиявий ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ ижтимоий бойликнинг қисми ва уларни ижтимоий таъминот, мудофаа ва бошқарув эҳтиёжлари учун тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида юзага келадиган пул муносабатларидир.

Ушбу соҳада пул муносабатларининг субъектлари бўлиб давлат, корхона, бирлашма, ташкилот, муассаса ва фуқаролар ҳисобланади.

3 **Давлат бюджети** - молиявий тизимнинг асосини ташкил этиб, у бир томондан давлатнинг молиявий ресурсларини ҳал қилувчи қисмини жамласа, бошқа томондан барча молиявий бўғинлар ва институтлар билан алоқани мувофиқлаштиришни амалга оширади. Бюджет давлатнинг иқтисодиётга, такрор ишлаб чиқаришга, хўжалик ҳаётига таъсир қилувчи восита бўлиб ҳисобланади, давлат истеъмолининг молиявий асоси сифатида юзага чиқади, давлат томонидан ижтимоий харажатларини амалга ошириш учун фойдаланилади.

Бюджет сўзи инглиз тилидан келиб чиқиб “ғазна” деган маънони англатади. Бюджет XVII асрнинг иккинчи ярмида Франциядаги буржуа революциясидан кейин ўрнатилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида бюджет Европа мамлакатларида тарқалган ва XX асрдан деярли ҳамма мамлакатларда бюджет категориясидан

фойдаланилади. Бюджет сўзи газна маъносини билдирар экан, у давлатнинг қўлида марказлаштирилган пул фондларининг ташкил этилиши ва давлатнинг сиёсатини амалга ошириш билан боғлик пул муносабатларини билдиради. Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Давлатнинг вазифаларини бажариш учун ҳозирги вақтда ЯИМнинг 30%дан ортиғи давлат бюджетида жамғарилади ва йил давомида сарфланади.

Давлат бюджети молия категорияси сифатида қуйидаги функцияни бажаради:

1. Миллий даромадни қайта тақсимлаш.
2. Иқтисодиётни бошқариш.
3. Ижтимоий функцияси.
4. Назорат функцияси.

Жамиятда бир неча хил молия режалари тузилади. Тижорат корхоналарида бизнес режа, нотижорат корхоналарида смета, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган даромад ва харажатлар давлат бюджети деб аталади. Давлат бюджети баланс шаклида тузилади, унинг даромад ва харажатлари бир йилга тузилиб чоракларга бўлиб чиқилади. Давлатнинг бир йилга молия режаси ёки давлат бюджети Молия Вазирлиги томонидан хисоб-китоб қилинади. Олий Мажлис кенгашида тасдиқланади ва қонун кучига эга бўлади. Тасдиқлангандан кейин Молия вазирлиги ва солиқ қўмитаси бюджет ижросини бажаради.

Дунёда 3 хил давлат тузилиши мавжуд. Давлат тузилиши давлатнинг асосий қонунида белгиланади. Давлат тузилиши худудларини бўлиниши ва ҳокимиятларининг вазифаларига боғлиқ.

1) Федератив давлатлар:
АҚШ, Германия, Россия Федерацияси ва бошқалар.
Федератив давлатларининг бюджет тизими 3 турдаги бюджетларни ўз ичига олади: Федерация бюджети, федерация аъзоларининг бюджетлари, маҳаллий бюджетлар.

2) Унитар давлатлар, яъни яхлит бўлинмас давлатлар: Италия, Франция, Ўзбекистон.
Марказий бюджет, маҳаллий бюджет.

3) Конфедератив давлатлар: Канада, Швеция.
Конфедерация ҳокимияти бюджети, конфедератив аъзолари бюджети, маҳаллий органлар бюджетларидан иборат.

Бюджет бўғинлари ўртасида даромад ва харажатларни тақсимланиши.




Бюджетнинг асосий вазифаси миллий даромадни давлатни яшашини моддий шароитларини ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга қайта тақсимлайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети амал қилишнинг ташкилий шакли бўлиб бюджет тизими хизмат қилади ва давлатнинг иқтисодий сиёсатини ҳаётга тадбиқ қилишни бош қуроллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси бюджети ягона, бу бюджет тизимининг ҳамма бўғинларини бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини англатади. Бюджетнинг ягоналиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг ягоналиги билан белгиланади. Бюджет тизими республиканинг ҳамма ҳудудида давлат даромадларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларини бир хиллигига асосланади.

Ўзбекистон республикаси бюджет тизимининг етакчи бўғини - умумреспублика бюджетидир. У умумдавлат ресурсларини бир қисмини бевосита давлат ҳокимиятининг олий ижроия идораси - Ўзбекистон республикаси ҳукумати ихтиёрига умумдавлат хусусиятига эга бўлган ва умумжамият эҳтиёжларини ифодаловчи тадбирларини молиялаштириш учун марказлаштиришини таъминлайди.

Умумреспублика бюджети орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри орасида миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисми- маҳаллий бюджетдир. У давлат ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий идорасининг фаолиятини амалга ошириш учун муайян молиявий замин яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими давлат томонидан марказлашган тартибда тадбирлар амалга оширилаётганда маҳаллий эҳтиёжларни тўла ҳисобга олиш ва тўғри ўлчашга имкон беради. Маҳаллий ҳокимият идоралари маҳаллий бюджет даромадини кўпайтириш ва ресурсларни тежамли фойдаланиш бўйича доимо қайғурадилар, чунки жойлардаги иқтисодиётни ва маданиятни ўсиш суръатлари бевосита маҳаллий хўжалик захираларини жалб қилиш, маблағларни тежамли сарфлаш бўйича ишларни ташкил қилинганлиги билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида умуман Ўзбекистон Давлат бюджетини муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради.

Маҳаллий бюджетдан турар-жой коммунал хўжалик ва ободонлаштириш, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари (мактаб, касалхона, мактабгача болалар муассасалари ва бошқалар), ижтимоий таъминот бйича тадбирлар ва ҳоказолар молиялаштирилади.

Давлат бюджетининг моҳияти, авваламбор унинг тақсимлаш ва назорат қилиш вазифаси орқали намоён бўлади. Бюджетнинг даромад ва харажат қисми мустақил тоифа ҳисобланади ва уларни ҳар бири махсус белгиларга эга. Даромадлар давлат фаолиятини молиявий замини бўлиб хизмат қилса, харажат эса умумдавлат эҳтиёжларини қаноатлантирувчи бўлиб хизмат қилади. Бюджет даромадлари солиқли ва солиқсиз тўловлар орқали амалга оширилиб, иқтисодий қонунлар асосида тартибга солинади.

Бюджет харажатлари турларининг кўпчилиги муайян белгилари бўйича туркумланади; такрор ишлаб чиқариш жараёнидан уларни роли, ижтимоий мўлжалланганлиги, ишлаб чиқариш тармоқлари ва фаолият турлари, мақсадга мўлжалланганлиги бўйича гуруҳланишига қараб давлат бюджети харажатлари 4та гурухга ажратилади:

1. иқтисодиётга;
2. ижтимоий соҳа;
3. мудофаа;
4. бошқарув.

Давлатнинг бажараётган функция ва вазифаларини маблағлар билан таъминлашни давлат бюджети харажатлари мисолидан кўриш мумкин.

Бюджет харажатлари (млн. сўм.)

| | 2001 йил % | 2002 йил, % | 2003 йил % | 2004 йил,% |
|---|---|---|---|---|
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Шу жумладан: 1.Ижтимоий-маданий тадбирларга | 40 | 40,2 | 38,3 | 37,8 |
| 2.Ахолини ижтимоий химоялашга | 8,5 | 7,5 | 7,8 | 7,3 |
| 3. Иқтисодий соҳага | 8,7 | 8,6 | 11,6 | 12,6 |
| 4. Марказлашган инвестицияга | 16,2 | 14,3 | 12,6 | 10,9 |
| 5. Давлат ва суд идоралари бошкарувига | 1,8 | 2,3 | 1,7 | 1,5 |
| 6.Махаллий бошкарувга | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |
| 7. Вазирлар маҳкамасининг резерви | 1,2 | 1,1 | 1,4 | 1,1 |
| 8.Бошка резервлар, харажатлар | 23,1 | 25,5 | 26,1 | 22,8 |
| Махсус фондлардан харажатлар | 395242 | - | - | - |
| Бюджет тақчиллиги | 57518 | - | - | - |

Маълумотларнинг кўрсатишича ҳамма солиқлар бюджетга тўлиқ тўланганда ҳам давлатнинг кўп қиррали ва ижтимоий зарурий тадбирларини молиялаштиришга маблағлари етмайди. Бюджет даромадларининг харажатларига етмаган кисми (камомад) давлатнинг қимматли қоғозлари, Марказий банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан қопланади.

## 2.2. Солик юкининг тақсимланиши

Солиққа тортишнинг оқилона тузилмасини яратиш солиқларнинг ҳаракат соҳасини баҳолаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳаракат соҳаси ҳақиқатда солиқлар юкини зиммасида кўтарадиган хўжалик юритиш субъектларига (шахслар ёки корхоналарга) тааллуқли бўлади.

Шартли равишда олинган битта мисол келтирайлик. Олма бозоридаги талаб ва таклиф хажмларининг боғлиқлиги тўғригида маълумотлар бор.

| 1 кг нархи, сўм | бозор талаби, кг | бозор таклифи 1, кг | бозор таклифи 2, кг St |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 12 | 600 | 1400 | 1000 |
| 11 | 800 | 1200 | 800 |
| 10 | 1000 | 1000 | 600 |
| 9 | 1200 | 800 | 400 |
| 8 | 1300 | 600 | 200 |

Товар нархи қанча юқори бўлса, уни сотиб олишга тайёр харидорлар шунча кам ва уни етиштирувчилар эса кўпрок таклиф этадилар.



Бозор мувозанати (А нуқтаси) талаб (Д) ва таклиф (S ) эгри чизиқлари кесишган нуқтада тўхтайди. Талаб ва таклифнинг тенг келишини таъминлайдиган бир хил нарх бизнинг мисолимизда бир килограмм учун 10 сўмни ташкил этади. Сотиладиган олманинг мувозанатли хажми 1000 килограммга тенг.

Давлат олманинг сотилишига билвосита солиқ белгилаган, деб тахмин қилайлик. Етиштирувчи сотилган ҳар килограмм олма учун 2 сўм солиқ тўлаши керак. Мувозанат баҳоси ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми қай тарзда ўзгаради? Мазкур ҳолатда талабнинг эгри чизигига ҳеч нима бўлмайди: олма етиштирувчи солиқ тўлайдими —йўқми - харидорга барибир. У фақат товарнинг нархига қараб иш кўради. Бинобарин, бозор таклифининг эгри чизиғи ўз хусусиятини ўзгартиради. Етиштирувчи сотган ҳар килограмм олмаси учун 2 сўм кам олгани сабабли таклифнинг эгри чизиғи чапга қараб силжийди (4-устун ва S1 эгри чизиғи). 10 сўмлик нарх етиштирувчига (солиқ чиқариб ташлангач) ҳар килограммига 8 сўмдан соф тушум беради. Солиқ солинмасидан аввал ҳар килограмм учун 8 сўм нарх бозорга фақат 600кг олма олиб чиқилганида фойдали бўлишини таъминлар эди. Бинобарин, янги вазиятда нарх 10 сўм бўлганда таклифнинг катталиги 600 кг ни ташкил этади. Айнан шу йўл билан нархларнинг, бошқа вариантлардаги таклифнинг катталигини ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин (4-устун). Мувозанатнинг янги баҳоси (мувозанат нуқтаси В)

10 сўмдан 11 сўмга кўтарилади, олмаларни сотишдаги мувозанат ҳажми эса 1000 кг дан 800 кг га қадар камаяди.

Солиқни ким тўлайди? Уни етиштирувчи ҳам, истеъмолчи ҳам тўлайди. Етиштирувчи янги вазиятда ҳар кг олма учун 10 сўм ўрнига 9 сўм олади (11 сумдан солик микдори айириб ташланади), харидор эса 1кг олма учун 10 сум ўрнига 11 сўм тўлайди. Бунда маҳсулот етиштириш ва истеъмол ҳажмлари 200 кг қисқарди. Солиқ тушумларининг умумий миқдори 1600 сўмга тенг. Сотилган 800кг олманинг ҳар кг га 2 сўмдан ( ВЕGС). Бунда сотувчилар хам, харидорлар хам 800 сўмдан ютқазадилар (BEFH ва CHFG тўғри тўртбурчаклари). Бизнинг мисолимизда солиқ юки улар ўртасида баравар тақсимланади.

Бизга аниқ бўлдики, солиқ юки ҳам ишлаб чикарувчилар, ҳам истеъмолчилар зиммасига тушади. Бироқ йўқотиш ҳажми одатда бир хил бўлмайди (юқорида келтирилган ҳисоб-китоблар фақат бизнинг шартли мисолимизга хос). Солиқ юкининг хусусияти бозор талаби ва бозор таклифининг эгилувчанлигига боғлиқ.

Талабнинг эгилувчанлиги харидорнинг таклиф қилинаётган товарни сотиш шартларига боғлиқ равишда (нархига қараб) сотиб олишга тайёрлиги даражасини кўрсатади. Харидорлар келишувга қанчалик кўп интилсалар, талаб шунчалик эгилувчан бўлади. Талаб эгилувчан бўлмаса, сотувчилар солиқ юкини харидорлар зиммасига осонгина ўтказиб юборадилар.

Талабнинг нарх эгилувчанлиги асосий омилларига қуйидагилар киради:

1. Ўрнини босувчи товарларнинг мавжудлиги. Агар бозорда бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар қанча кўп бўлса, талаб ҳам шунча эгилувчан бўлади: харидорда қиммат товарларнинг ўрнига арзонроғини сотиб олиш имконияти туғилади. Лекин бозорда бир-бирининг ўрнини босадиган неъматлар мавжуд бўлмаса, харидор белгилаб қўйган нархга кўнишга мажбур. Бундай ҳолатда талаб эгилувчан бўлмайди.

2. Товарга кетган харажатларнинг харидор бюджетидаги улуши. Неъматлар қиймати харидор бюджетида қанчалик катта ўрин тутса, унга талабнинг эгилувчанлиги шунчалик юқори бўлади. Агар қаламнинг нархи 10% кўтарилса, унга талаб сезиларли даражада пасаймаслиги мумкин: қаламнинг нархи шу қадар кичикки, харидор бу товар нархи ошганини пайқамаслиги ҳам мумкин. Лекин автомобилнинг нархи 10% ошса, талаб анча-мунча камайиб кетиши аниқ: нархнинг мутлақ ўсиши харидорнинг "ҳамёни" учун ҳаддан зиёд катта бўлади.

3. Товарнинг фойдалилик даражаси. Кундалик эҳтиёж товарларига талаб одатда эгилувчан булмайди; зийнат буюмларига талаб эса эгилувчандир. Масалан, нон, гугурт, тузга талаб анъанавий эгилувчан булмайди. Аксинча, қимматбахо, кигилочар ва шу каби бошқа буюмларга талаб бир мунча эгилувчан блади.

4. Вақт омили. Харид қилиш хусусидаги қарорга келиш учун муддат қанча кўп бўлса, талаб ҳам шу қадар эгилувчан тус олади. Харидорларнинг янги нархга мослашишлари учун вақт керак: уларнинг диди ва истеъмол технологияси аста-секин ўзгариб боради. Масалан, қимматлашган мол гўшти ўрнига маълум муддат мобайнида емиш сифатида балиқ ва паррандалардан фойдаланилади. 70-йилларда

Ғарб давлатларида нефть нархи кўтарилиши сабабли эски технологияларни энергияни тежайдиган янги технологияларга алмаштириш жараёни бир неча йил давом этди, оқибат-натижада нефть маҳсулотларига бўлган талаб кескин камайиб кетди.

**Солиқ юкининг эгилувчан ва эгилмайдиган талабли бозорларда тақсимланиши**




<u>Таклифнинг эгилувчанлиги</u> сотиш шароити ўзгарганда таклиф этилаётган товарларнинг миқдорини сотувчиларнинг кўпайтириш ёки камайтириш имкониятларини белгилаб беради. Сотувчилар келишувга қанчалик кўп интилсалар, бозор таклифи шунчалик кам эгилувчан бўлади. Таклиф эгилувчан бўлмаганида солиқ юкини маълум даражада ишлаб чиқарувчилар ўз зиммаларига олишга "рози" бўладилар.

**Таклифлар эгилувчан (а) ва ноэгилувчан (в) бўлган вазиятда солиқ юкининг тақсимланиши**




а) Солиқлар ва эгилувчан таклиф, в)Солиқлар ва ноэгилувчан таклиф.

Таклифлар эгилувчанлигининг асосий омили товар сотиш шароити ўзгаришига муносабат билдириш учун ишлаб чиқарувчи ихтиёрида мавжуд бўлган вақт миқдоридир. Иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида ресурсларни (ишчи кучи, ускуналар, хом-ашё) қайта тақсимлаш маълум муддатни талаб этади. Бинобарин, тадбиркорлар ихтиёридаги вақт қанча кўп бўлса, улар ишлаб

чиқаришнинг тузилишини ўзгарган бозор шароитига мослаштириш учун шунчалик катта имкониятга эга бўладилар ҳамда таклифнинг эгилувчанлиги ҳам ортади.

Эгилувчан таклифли вазиятда (а-расм) билвосита солиқ жорий этилганда ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрлаш ҳажмини осонгина қисқартириб, шу ҳисобдан бозорда нархни кўтаришлари кўрсатилган.

Бундай ҳолатда солиқ юкининг катта қисми харидор зиммасига тушади. Аксинча, таклиф эгилувчан бўлмаганида (в-расм) ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кескин даражада қисқартира олмайдилар ва бозорда нарх деярли ўзгармайди. Бундай ҳолатда солиқ тўловларининг асосий қисмини тадбиркорларнинг ўзлари қоплайдилар.

## 2.3. Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий самараси

Солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши бевосита талаблар йиғиндисига таъсир қилади. Истеъмолнинг щам, инвестицияларнинг ҳам ҳажми солиқларнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади. Тахмин қилайлик: бюджетга солиқ тушуми камайиб, давлат харажатлари аввалгича қолди. Бундай ҳолат истеъмол ва инвестиция харажатларининг ўсишини рағбатлантиради. Натижада давлатнинг барча харажатлари катталашиб кетади ҳамда AD ялпи талабнинг эгри чизиғи ўнга қараб силжийди (а-расмда АД).

Жами талабнинг ўсиши реал ялпи миллий маҳсулот ва нархларнинг умумий даражаси ўсишига олиб келади. Бюджетга солиқлар тушумининг кўпайиши натижасида бунга тескари бўлган жараёнлар рўй беради: жами талаб, реал ялпи маҳсулот ҳажми ва нархларнинг умумий даражаси пасаяди.

Солиқларни пасайтириш билан иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Аммо бу шунчаки бўлмайди.

Биринчидан ялпи талабни кўпайиши иқтисодиётни ишлаб чиқариш имкониятлари доирасидан ташқарига силжитишга қодир эмас. Ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасига яқинлашиши билан ялпи талабнинг ўсиши асосан ишлаб чиқаришнинг эмас, балки нархларнинг кўтарилиши ҳисобига рўй беради (AS эгри чизиғи янада тиккароқ бўлиб қолади). Бинобарин, рағбатлантирувчи солиқ - бюджет сиёсати иқтисодиёт пасайиши вазиятида бўлгандагина ижобий самара беради.

Иккинчидан, солиқ сиёсати ўтказилаётганда сиқиб чиқариш деган вазият билан тўқнашув рўй беради. Тахмин қилайлик: давлат

харажатлари ўзгармай турган шароитда солиқ тушумлари камайди (ёки аксинча, давлат харажатлари кўпайиб, солиқ тушумлари эса аввалгидай қолди). Давлат харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқнинг ортишини (бюджет камомадининг ўсишини) давлат қарзлари ҳисобига қоплашга мажбур. Масалан, Давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариши мумкин, бу облигацияларининг сотилиши молия бозори маблағларидан фойдаланиш имконини беради. Бу ҳаракат молия бозорида миллий жамғармалар таклифи камайишига олиб келади. Натижада фоиз ставкалари кўтарилади ва хусусий инвестициялар ҳажми тушиб кетади.




а) Солиқларининг қисқариши, в) Солиқларининг ўсиши.

Y-реал ЯММ ҳажми

Р-нархларнинг умумий даражаси

AD-жами талаб

AS-жами таклиф

<u>Учинчидан,</u> солиқ сиёсатининг самарадорлиги соф экспорт самараси билан чекланади. Солиқларнинг камайтирилиши миллий жамғармалар миқдорини камайтиради ҳамда ички фоиз ставкаларини катталаштиради. Бундай вазият оқибатда фақат ички инвестицияларнинг қисқаришигагина эмас, балки мамлакатга чет эл капиталининг оқиб киришининг тезлашишига ҳам олиб келади. Мазкур ҳолатда хориж инвестициялари ўсиб бораётган ички фоизли ставкалар билан рағбатлантирилади. Чет эл капиталининг оқиб келиши миллий валютага талабни оширади. Натижада валюта курси кўтарилади, соф экспорт миқдори (экспорт билан импорт орасидаги фарқ) қисқаради. Гап шундаки, валюта курси кўтарилганда ватан товарлари жаҳон бозорида анча қимматлашади, хориж товарлари

эса ички бозорда арзонлашади. Шундай қилиб, солиқларни камайтириш туфайли жамият харажатларининг кенгайиб кетиши экспортнинг қисқариши ва импортнинг ўсиши билан боғлиқ ялпи талабнинг пасайиши хисобидан қисман текисланади. Бундай самара қайд этилган валюта курслари шароитида амал қилмайди: солиқлар камайтирилганида валюта курси аввалги даражасида қолади хамда соф экспорт тегишли равишда ўзгармайди.

Юқорида айтиб ўтилганлардан чиқадиган хулоса: рағбатлантирувчи солиқ сиёсати фақат қисқа муддатли туркумий тебранишлар оқибати бўлган иқтисодий пасайиш бўлган шароитда, фақат қайд этилган валюта курси пайтида сезиларли макроиқтисодий самара беради. Вақтнинг узоқ оралиқларида эса у таъсирли бўлмайди.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Мамлакат бюджетининг мохияти нимадан иборат?
2. Солиқларнинг тақсимланишида бюджетнинг роли қандай?
3. Солиқ юки нима? Солиқ юкининг хусусияти нимага боғлиқ?
4. Талабнинг нарх эгилувчанлиги ва ноэгилувчанлиги нима? Уларнинг асосий омилларига нималар киради?
5. Солиқ юки эгилувчан талабли ва эгилмайдиган талабли бозорларда қандай тақсимланади?
6. Солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши истеъмол ва инвестицияга таъсири қандай?
7. Солиқларни пасайтириш билан иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкинми?

## III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ СИЁСАТИ

### 3.1. Солиқ сиёсатини хуқуқий асослари ва тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг хуқуқий асослари давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб яратила бошлаган. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистон Республикаси бундан буён ўзининг **мустақил молия-солиқ сиёсатини** олиб боришни кўрсатиб ўтилди. Қолаверса давлатнинг солиқ сиёсати асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хам ўз ифодасини топган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб солиқлар соҳасида ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинган эди. Шулардан энг асосийлари 1992 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалар солиқлари тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларнинг солиғи тўғрисида"ги Қонунлари, уларга киритилган ўзгартиришлар, тўлдиришлар ҳамда қонунлар асосида ишлаб чиқилган йўриқномалар ва тартиблар бўлди. Бу икки қонунда 8 та умумдавлат солиқлари кўрсатилган. 1993 йил 7 майда эса "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида" деган қонун қабул қилиниши солиқларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади.

Аммо солиқларнинг ҳуқуқий асосини жамлаб кўрсатувчи ҳужжат 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси қабул қилган Солиқ Кодекси бўлди. Бу Кодекснинг қабул қилиниши солиқ сиёсатини давлат томонидан амалга оширишда катта йиғма ҳуқуқий асос бўлди. Шу билан бирга солиқ сиёсатига боғлиқ бошқа қонунлар ҳам қабул қилинди. 1997 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуни шулар жумласидандир. Бу қонунда солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ундиришни ташкил қилишдаги солиқ идораларининг ҳуқуқ, вазифа ва мажбуриятлари баён этилган.

Умуман сиёсат деганда давлатнинг илгаридан режалаштирилиб, аниқлаб ва ҳуқуқий меъёрлар асосида амалга ошириладиган чора тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Солиқ бўйича ишларни ташкил қилиш ҳам шу тўғрисидаги давлат сиёсати билан юритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлатнинг солиқ сиёсати унинг иқтисодий - молия сиёсатининг ажралмас таркибий қисмдир ва унга боғлиқ ҳолда олиб борилади, чунки солиқ муносабатлари молия муносабатларининг муҳим таркибий қисмидир.

Солиқ сиёсати нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин?
Солиқ сиёсати давлатнинг солиқ соҳасидаги барча тадбирларини режалаштириш, қонун, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилишдаги ишлаб чиқилган чора - тадбирлар йиғиндисидир.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия-иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади. Давлат солиқ сиёсати республика иқтисодиётини барқарорлаштириш, ижтимоий ҳимояланган, эркин бозор иқтисодиётини бошқаришга ҳар томонлама таъсир кўрсатади.

Солиқлар пул муносабатларини ифода этиб, иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми, бозор иқтисодиётининг зарурий қисмидир. Солиқ сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши

учун у илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Бунинг учун солиқ муносабатлари чуқур ўрганилиб, ундан илмий хулосалар чиқаришимиз лозим. Бу соҳада Олмониянинг солиқ сиёсати борасидаги тажрибаси эътиборга лойиқдир. Бу ерда ҳар бир янги солиқни жорий этишдан аввал унинг лойиҳасини тайёрлаш учун солиқ соҳасида ишловчи 5 та олимга 5-6 ой муддат берилар экан. Тайёрланган солиқ лойиҳаларини кўриб чиқиб, ягона лойиҳа танлаш учун 5 кишидан иборат экспертлар гуруҳи ишлаб, маъқул бўлган энг яхши лойиҳа парламентга ўтказилади ва у томондан тасдиқланади. Хулоса шуки, лойиҳанинг илмий асосланганлиги ва тўғрилигига жавобгар шахс бор, керак бўлса, лойиҳа муаллифи ҳамма жойда шу солиқ бўйича маслаҳатлар беради, жавоб беради ҳамда тушунчалар беради.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қуйидаги йўналишларига катта эътибор берилади:

1.Ҳар хил мулк шаклларига мосланган корхона ва ташкилотларнинг хўжалик юритишига мумкин қадар иқтисодий шароит яратиш, уларни ҳар томонлама бозор муносабатларига кириб боришига ёрдамлашиш;

2. Умумдавлат ижтимоий зарурий вазифаларни бажариш учун давлатни зарур бўлган молиявий манбалар, маблағлар билан таъминлаш;

3. Бозор иқтисодиёти шароитида янги ижтимоий иқтисодий омилларни ташкил қилишда қатнашиш, ишсизликни бартараф этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, иқтисодий почорларга ёрдам бериш;

4. Аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёрда сақлаб туриш имконини излаш ва таъминлаш.

Солиқлардан комплекс фойдаланиш халқ хўжалиги тармоқларини қайта қуришга, ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратишга, хўжаликлар ва аҳолини товар сотиб олиш қобилиятини бошқариб туришига ва пулнинг қадрсизланиш жараёнини жиловлаб туришига имкон беради. Пулнинг қадрсизланишига қарши чоралар кўриш кам сарфлаб, топилган даромадларга солиқ прогрессиясини ошириш билан ҳам амалга оширилади.

## 3.2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда давлатнинг роли ва ҳозирги даврнинг солиқ сиёсати

Давлат ўзининг функциясини - ижтимоий, иқтисодий, харбий-ҳимоя, хуқуқни ҳимоя қилувчи, илмий фундаментал

ривожлантириш каби вазифаларини бажариш учун зарур блган молиявий муносабатларни ўзида намоён этади.

Ўтиш даврида иқтисодиёт ва бюджетни ўзаро таъсири ишлаб чиқаришнинг пасайишида инфляциянинг кучайиши ёки иқтисодиётнинг ривожланишида дефляция асосида намоён бўлади. Бу эса бюджетнинг даромад ва харажатлар =исмларининг қандай ташкил этилганлигига боғлиқ.

Экс социалистик европа мамлакатларининг, иқтисодиётни ислоҳотлаштириш бирмунча илгарироқ бўлиб ўтган мамлакатлар тажрибаларидан дефляцион йўллари қуйидагиларга асосланади:

1. Бюджет дефицити ҳажми қаттиқ қонуний чегараланган бўлади. Дефицит давлат қимматли қоғозларини чиқариш орқали ёпилади. Марказий банк кредитларидан фойдаланиш чекланиб, тижорат асосида ўтказилади.

2. Бюджетнинг харажат қисми структураси қайта кўриб чиқилади. Унда хўжаликка йўналтириладиган харажатлар қисқариб, ижтимоий тўловлар улуши кўпаяди. Зарарига ишлаётган давлат корхоналарига дотациялар (70-80%га ва юқори) пасаяди, тўловга лаёқатсиз корхоналар ликвидацияланади ёки банкрот бўлганидан кейин соғломлаштириш механизми киритилади.

3. Бюджетнинг даромад қисми структураси қайта кўриб чиқилади. Солиқ юки ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига ва истеъмолга ўтказилади (масалан, Венгриядаги 1988-1990 й ислоҳот). Бу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш рағбатлантирилади – солиққа тортиладиган база, мулк ва даромад ўсиши кузатилади. Антиинфляцион йўналишдаги солиқлардан фойдаланилади (меҳнат ҳақи ҳажмининг ошган қисмига солиқ, монополист корхоналарнинг даромадига қўшимча солиқ, шахсий даромадларни прогрессив солиққа тортиш).

Шундай қилиб, қаттиқ қўлли бюджет сиёсати ўтиш даври шароитида объектив заруратга айланади. Усиз иқтисодиётда ва молияда барқарорликка эришиш мумкин эмас.

Демак, давлат солиқ сиёсатини тайёрловчи ва уни тўлиқ ҳаётга тадбиқ қилишнинг ташкилотчилик ва бошқарувчилик ролини бажаради. Давлатнинг солиқ сиёсатини фаол юритиш бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтиш ва унинг муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Ҳозирги даврнинг солиқ сиёсати республика иқтисодий ривожланишининг беш тамойилларидан келиб чиқиб солиқ соҳасидаги чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Солиқ сиёсатининг 2 йўналиши мавжуд:

1. Корхона ва ташкилотларга нисбатан солиқ сиёсати. Энг аввало, корхона ва ташкилотларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги эркинлигини ҳисобга олиш. Уларнинг молиявий мустақиллиги, эркин баҳо белгилашларига тўсқинлик қилмаслик ва бюджетга солиқ тўловлари белгиланаётганда фақат демократик асосда яъни Олий Мажлис тасдиқлаб берган солиқларни ундиришни ташкил қилиш зарурдир. Ҳозирги вақтда солиқлар бир томондан корхоналарда тақчил, экспортбоп, рақобатга бардош бера оладиган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, иккинчи томондан товар баҳосини ошириб сотган ҳолда меҳнатсиз ёки кам меҳнат билан топилган даромадларни чеклашга қаратилмоғи лозим.

2. Солиқ сиёсатида аҳолининг турли хил гуруҳларига нисбатан хилма-хил ёндошиш зарурдир. Ночор кам таъминланганларга иложи борича солиқдан кўпроқ имтиёзлар бериш ва кам куч сарфлаб кўп даромад олувчи ёки бошқа енгил даромад топувчиларга нисбатан юқори прогрессияли солиқ ставкаларини қўллашдан иборатдир.

Мустақиллик даврида солиқ сиёсатига эътибор берсак, давлат, **биринчидан**, солиқ тушумларининг умумий суммасида эгри солиқлар салмоғини ошириб борянти. У 1991 йил 0,7% ни ташкил этган бўлса, 1995 йил 49,3% ни, 2002 йилдан бошлаб 59,2% ни ташкил этади.

**Иккинчидан**, ресурслар солиқлари салмоғини ошириб бориш.

**Учинчидан**, бутун республика солиқ идораларини юқори даражали компъютерлар билан таъминлади. **Тўртинчидан** солиқ оғирлигини пасайтириб бориш сиёсати. Бугунги кунда Республика бирлашган бюджетига ана шундай тўловлар улуши ЯИМ ҳажмида амалда 35% дан зиёдни ташкил этмоқда.

Ҳолбуки, дунё тажрибасида бюджетга тўланадиган солиқ тўловларининг мақбул нормалари аллақачон шаклланиб бўлган. Масалан, бундай нормалар АҚШда 26,1%ни, Японияда 22,6%ни, Германияда эса 29,2%ни ташкил этади.

**Бешинчидан**, давлатимиз солиқ сиёсатида юридик шахсларни экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш ва ЭАВ га сотиши рағбатлантирилади.

**Олтинчидан**, юридик шахсларнинг меҳр шафқат фондларига харажатлари ва homийлиги pulини ишга жойлаштиришлари ҳар томонлама рағбатлантирилади.

**Еттинчидан**, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ихчамлаштирилган солиқ тизими жорий этилиб уларнинг фаолиятидан манфаатдор бўлишлик қизиқтирилади. Солиқ

сиёсатини фаоллаштириш мақсадида қуйидагиларга эътиборни кўпроқ қаратиш лозим:

1.Солиқ соҳасида давлат йўл қўйган баъзи хатоларни такрорламаслик учун солиқ тарихини пухта ўрганиш лозим.

2.Солиққа тортиш ва уни ундириш ишларини арзонга тушишлигига эришиш.

3.Солиқ объекти аниқ, ихчам, тўловчиларга ва солиқ идоралари ходимларига солиқни ҳисоблаш учун осон ва қулай бўлиши зарур. Солиқ тўғрисидаги маълумотлар ойдин, рост кўрсатилиши солиқ тушумини кўпайтиради.

4.Бюджетга солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида тушишини қизиқтириш мақсадида бюджетга кўп, салмоқли солиқ тўловчиларига солиқдан маълум қисмини қолдириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

5. Солиқларнинг хазинавий самарадорлигини ошириш лозим.

## 3.3. Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати тарихи

1991 йилдан бошланган республика солиқлар тизимини ислох қилиш каби давлат солиқ сиёсатини уч босқичга бўлиб кўрсатса бўлади.

**Биринчи босқич. 1991-1994 йиллар - Ўзбекистон солиқ тизимининг ташкил этилиши, бюджетнинг даромад қисмини солиқлар йиғими билан таъминлаш.**

1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги қонун республика солиқ тизимига асос солган дастлабки қонун бўлди. Бошланғич босқичда солиқ идоралари фискал масалаларни ҳал этиш, яъни бюджетнинг янада мувозанатга эришувини таъминлашга йўналтирилган эди. Солиққа тортиладиган базани тараққиётини рағбатлантириш учун қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Оборот солиғи ва савдодан олинадиган солиқ ўрнига 1992 йилдан бошлаб республикада қўшилган қиймат солиғи амал қилмоқда.

Корхоналардан ундириладиган ўрмондан олинадиган даромад солиғи ва бир қатор бошқа солиқлар бекор қилинди. Даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; мол-мулк солиғи; республикадан ташқарига олиб чиқиладиган маҳсулотлар ва хом-ашё ресурсларига солиқ жорий этилди.

1993 йилда ишлаб чиқилган тартибга кўра асосий воситалар ҳисобланган амортизациянинг 30% бюджетга ўтказилади.

Хазинани тўлдириш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида 6%ли ресурслар солиғи жорий этилди. 1991 йил 15 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги булмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги қонунга бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

1993 йил 7 майда "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди ва ушбу қонунда уларга таъриф берилди. Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи, курорт зоналаридаги ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар қурилишига солинадиган солиқ, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ, уларнинг эгаларидан олинадиган солиқ - жами 19 турдаги ҳар хил солиқлар ва йиғимлар маҳаллий солиқлар гуруҳига киритилди.

**Иккинчи босқич. 1995 - 1997 йиллар — иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши.**

Халқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштириш ва тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш солиқ тизимини ислоҳ қилишни талаб этди. Кўплаб корхоналар ва ташкилотларнинг фойда солиғини даромад солиғи тўлашга ўтиши амалга оширилди. Унинг ўртача ставкаси 37% этиб белгиланди. Солиқ тўловчилар учун имтиёзлар кўзда тутилади. 1995 йилдан бошлаб солиқ тизимини бирхиллаштириш бошланди. Бир қатор кам самарали солиқлар: республика ташқарисига олиб чиқиладиган хом-ашё ресурслари учун солиқ, ҳисоблаб ёзилган амортизациядан бюджетга 30% ундириш ва бошқалар бекор этилди. Жамоа хўжалиги аъзолари ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлаётганлар учун солиққа тортишнинг ягона тартиби ўрнатилди. Яъни жамоа хўжалиги аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини солиққа тортиш бекор қилинди ва уларга нисбатан фуқаролар даромад солиғи тўғрисидаги қонунчилик тадбиқ этилди. Фуқаролар даромадига солинадиган солиқ шкаласи ўзгартирилди.

**Учинчи босқич. 1997 йилдан хозиргача бўлган давр.**

1997 йил апрелида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг тасдиқланиши солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирга қадар амалга оширилаётган учинчи босқичининг бошланиши ифодаси эканлиги тамоман қонуний ҳолдир. Биринчи навбатда кичик ва ўрта корхоналар учун солиққа тортиш, ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг соддалаштирилган тизими барпо этилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий асосда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар жамланмаси ўрнига ягона солиқ тўлай

бошладилар. Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори билан Кичик корхоналар учун соликка тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби тасдиқланди.

Ягона солиқнинг соликқа тортиладиган оборотларга нисбатан фоизларда қуйидаги ставкалари белгиланди:

- савдо (харид, воситачи, улгуржи сотиш, таъминот корхоналари)- 25%;
- қишлок хўжалиги корхоналари - 5%;
- халк хўжалигининг бошқа соҳалари корхоналари - 10%.

Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 10 апрелдаги 153 -сон қарори билан тасдиқланган Савдо ва умумий овкатланиш корхоналарини соликқа тортиш тартибига мувофиқ ялпи даромад савдо корхоналари учун ягона соликқа тортиш объекти бўлди.

1999 йилдан бошлаб қишлок хўжалик кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалик махсулотларининг бошқа ишлаб чиқарувчилари "Кишлок хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини амалга киритиш тўгрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539- сон қарори асосида ишлаб чиқилган бюджет билан ҳисоб - китоблар механизмига кўра ягона ер солиғи тўловчилари бўлдилар.

2003йилдан бошлаб давлат самарасиз, бюджетга тушишини қийинлаштирадиган қуйидаги солиқлар ва тўловлар бекор қилинди. Булар: реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотиш солиги, меъёридан ортиқ сотилмаган тайёр махсулот колдиғи учун 2%ли ҳақ, ҳамда табиатни ифлослантирувчи чиқиндиларни жойлаштириш учун хаклардир.

## IV БОБ. СОЛИҚ ТИЗИМИ

### 4.1. Ўзбекистонда ҳозирги замон соликлар тизимининг таркиби

Бир хил моҳиятга эга бўлган ва ўзаро муносабатда боғлиқ бўлиб марказлашган пул фондини ва давлатнинг бошқа фондларини мажбурий ташкил этадиган солиқ ва йиғимлар турларининг йиғиндисига **солиқлар тизими** дейилади. Бу таърифда солиқ ва йиғимлар ягона моҳият, яъни " мажбурий характерга эга бўлган муносабат" ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва ниҳоят бюджетга тушишлигини кўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси мазмунига мос келади. Ўзбекистон Республикаси

Солиқ Кодексининг 5-8- моддаларига биноан солиқлар тизими қуйидаги таркибга эга унга кейинги ўзгартиришлар ҳам киритилган.

**Ўзбекистонда солиқлар тизими таркиби**

| Умумдавлат солиқлари | Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар |
|---|---|
| 1.Ҳуқуқий шахслар даромадига солиқ. | 1.Мол-мулк солиғи. |
| 2.Жисмоний шахслар даромадига солиқ. | 2.Ер солиғи. |
| 3. Қўшилган қиймат солиғи. | 3.Кичик бизнес учун ихчамлаштирилган солиқ. |
| 4. Акциз солиғи. | 4.Инфратузилмани ривожлантириш солиғи. |
| 5. Ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи. | 5. Жисмоний шахсларнинг транспорт ёқилғиси учун истеъмол солиғи. |
| 6. Экология солиғи. | 6.Чакана савдо учун микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг белгиланган даромадидан ягона солиқ. |
| 7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 7 Савдо ҳуқуқ йиғими, шу жумладан алоҳида товарларни сотиш лицензия йиғими. |
| 8.Савдо ташкилотларининг ялпи тушумидан ягона солиқ. | 8. Ишбилармонлик билан шуғулланувчи ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими. |
| 9. Божхона божи. | 9. Бошка тўловлар. (Тадбиркорлардан қатъий ставкадаги солиқ). |
| 10. Давлат божи. | |
| 11. Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йиғими. | |
| 12. Бошка даромадлар. | |
| 13.Жисмоний шахслар четдан товарлар олиб кирганда ги ягона божхона тўлови. | |

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда солиқлар кодексда 8 та умумдавлат солиқлари ва 5 та маҳаллий солиқлар кўрсатилган. Солиқ ва йиғимлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, оқибат натижасида улар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг пул даромадларидан олинади. Демак, солиқ ва йиғимларнинг жами йиғиндиси суммаси солиқ оғирлиги тушунчасини келтириб чиқаради.

## 4.2. Солиқлар объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гуруҳлаш

Солиқларни гуруҳлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсирларини ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб беш гуруҳга бўлинади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар.
2. Даромаддан олинадиган солиқлар.
3. Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқлар.
4. Ер майдонига қараб олинадиган солиқлар.
5. Харажатларга қараб олинадиган солиқлар.

Оборотдан олинадиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинадиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаригидек маҳсулот реализациясидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади (ҚҚСда). Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ ҳам оборотдан олинадиган солиқларига киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг белгиланган даромадидан солиқлари киради. Бу гуруҳ солиқларига инфраструктурани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи ва бошқалар киради.

Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлок хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг ягона ер солиғи ва юридик (қишлок хўжалик) ва жисмоний шахсларнинг ер солиқлари киради.

Харажатлардан олинадиган солиқларга эса экология солиғи киради.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тулайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри

солиқ юкини бошқаларга ортиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқларга хамма даромаддан тўланадиган ва барча мулк солиқлари киради.

Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари кўпайтирилса, бизнес имкониятлари камая бориб, иқтисодий ривожланишни сусайтиради. Демак бу гурух солиқларининг ставкалари тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Эгри солиқларни ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилардир. Лекин солиқ оғирлигини ҳақиқатан хам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизматни) истеъмол қилувчилардир, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширинган. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига устама равишда қўйилади.

Бу солиқларнинг ижобий томони Республикада ишлаб чиқарилган товарларни четга чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарлар кўп бўлишига ёрдам беради. Эгри солиқлар орқали товарлар қиймати оширилмаса, бозорларда унинг тақчиллиги ошади. Эгри солиқлар ставкасининг илмий оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан-тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси таҳлилсиз оша борса корхоналар сотиш қийинчилигига учраб фойда олишини ҳам бюджетга тўловларини ҳам камайтириши мумкин.

Бу солиқларнинг яна бир томони муомаладаги ортиқча пул массасини камайтириб, инқирозни жиловлаб боради. Бироқ бу солиқлар меҳнаткашлар реал даромадини пасайтиради. Корхоналарда тўғри солиқлар ставкасини камайтириш ҳисобига берилган имконият кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириб, товарлар мўл- кўллигини таъминлаши керак.

Жаҳон солиқ амалиётида тўғри ва эгри солиқлар нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётини ривожланиши ёки иқтисодий қийинчиликларини борлигини таҳлил қилиб бериш мумкин. Масалан, АҚШ да тўгри солиқлар салмоғининг бюджет даромадида 90% га яқин бўлиши бу ерда ривожланган бозор иқтисодиёти мавжудлигидан дарак беради.

Эгри солиқлар таркибига ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиқлари киради. Тўғри ва

эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб бир-бири билан ўзаро боғланган. Умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш иккинчисини ставкасини оширишни талаб этади.

Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши хукумат идораларининг республика хукумати ва маҳаллий хукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир хокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак. Республика хукумати умумдавлат масштабида жуда катта вазифаларни мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфраструктурасини яратиш, меҳнаткашларга ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор вазифаларни бажаради. Шунинг учун ҳам унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлиши шарт. ҚҚС, акциз, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушиши мумкин. Бордию, ажратма етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Агар келгуси йили маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари кўпайиб қолса, республика солиқлардан ажратма беришнинг ҳожати қолмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятга эга бўлиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган туловлардир.

Маҳаллий солиқлар хукуматлар бажарадиган вазифаларга қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб борилади. Маҳаллий хукуматлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет харажатларининг 30-40% ни қоплайди холос. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50-60%га етказиш каби хукумат қарорлари мавжуд.

Субвенция ёки субсидия услублари эга маҳаллий хукуматларнинг республика хукуматига мурожаат этиш лозимлигини билдириб, уларни ўз ҳудудларидаги солиқлар тўлиқ ундирилишини қизиқтирмайди, улардаги боқибеғамлик фазилатини кучайтиради. Маҳаллий хукуматлар ўз хоҳишларича солиқ ва йиғимлар киритиш ҳуқуқига эга эмас. Солиқ Кодексида кўрсатилган солиқларнинг ўз ҳудудларида қўллаш ёки қўлламаслик ҳуқуқи бор. Ундан ташқари маҳаллий солиқлар (мол-мулк ва ер солиғидан ташқари) ва

йиғимлардан бюджетга тушган сумма атрофида солиқ тўловчиларга имтиёзлар бериш ҳуқуқига эга. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга тўлиқ тушишини ташкил қилиш уларнинг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.

**Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар.**

Ўзбекистон солиқлар тизими манбаига қараб солиқлар юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратилади. Юридик шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхона даромадига солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, экология, савдо ташкилотларининг ялпи тушум солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни (ҚҚС, акциз) юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар ҳам тўлайдилар. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга даромадга солиқ, ер, мол-мулк солиқлари киради. Ҳуқуқий шахслардан олинадиган солиқлар давлат бюджет даромадларининг ҳал қилувчи қисмини 70-75% ташкил этади. Бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз корхоналар ҳисоб жорий счётларидан бюджет счётларига кўчириб қўйилади. Уни ундириш осон ва арзонга тушади. Жисмоний шахслардан олинадиган баъзи солиқлар нақд пулга ундирилганлиги учун уни тўлаш қийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол-мулк солиқлари ва қатор йиғимлар киради. Солиқ йиғиш харажати кўпайиб кетади. Чунки бу иш билан махсус тажрибага эга бўлган инспекторлар шуғулланади, хужжатлар (декларация, хабарномалар, чақириқлар ва бошқалар) кўп ёзилади.

Жисмоний шахслар солиқлари ичида энг йириги фуқароларнинг гуруҳлари даромадларини бошқариб бориш имкониятини яратилади.

**Божхона божи.**

Божхона назорати остида давлат томонидан мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган импорт товарлар, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлардан бож тарифида белгиланган ставкаларда ундириладиган эгри солиқ тури.

Ҳисоблаш усулига кўра божхона божлари адволор божлари (товар нархидан фоизда) ва специфик божлари (товар бирлигидан-литр, центнердан аниқ ставкада) ажратилади.

Ҳар бир давлат ташқи иқтисодий фаолиятини тариф ва нотариф усуллар билан бошқариб боради. Нотариф усуллар деганда лицензия бериш, квоталаш, декларациялаш, техбарьер ва эмбарголарни қўллаш тушунилади.

Лицензия - бу ваколатли давлат органлари ташқи савдо ҳаракатларини олиб бориш учун бериладиган рухсатнома. Экспорт ва импортни, валюта сарфларини назорат қилиш усулларидан биридир.

Квоталаш. Давлатлар аро шартномаларга кўра айрим ёки бир гурух товарлар юзасидан квота ўрнатиладики, унга мувофиқ мамлакатлар ёки мамлакатлар гурухи фақат белгиланган микдордаги товарларни ишлаб чиқариши ва четга сотиши мумкин. Бу давлатлар аро картель битимларида белгиланади. Квота ўрнатиш шартини бузган мамлакат ёки корхона иқтисодий жиҳатдан жазоланади.

Декларациялаш ёки божхона декларацияси бу миллий қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириладиган ҳужжат бўлиб унда чегара орқали ўтаётган юк (экспорт-импот товарлари, кишиларга тегишли юклар, қўлдаги анжомлар, валюта қимматбахо буюмлар ва бошқалар) ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

Эмбарго - бу давлат томонидан бирор товарлар, хизматлар, валюта ёки бошқа бойликларни мамлакатга келтириш ёки бошқа мамлакатларга олиб кетиш, четга чиқаришни тақиқлаб қўйишдир. Эмбарго бу айрим мамлакатлар ёки мамлакатлар гурухи билан савдо муносабатларини тўла тақиқлашдир. У иқтисодий, сиёсий, молиявий, илмий-техник тазйиқ воситаси бўлиб, хукумат томонидан жорий этилади.

Тарифли усул деганда асосан бож тарифи ёки бож тарифларининг тўплами тушунилади. Тариф бошқарув, ҳимоя қилиш хазина ва савдо-сиёсий вазифаларини бажаради. Бу усул билан энг аввало, давлат хазинаси бойитилади, экспорт ва импорт товарлари ҳаракати мувофиқлаштирилади, бозор структураси такомиллаштирилади.

Божхона божларининг иқтисодий функцияси:

- протекционистик- миллий ишлаб чиқаришни мамлакатга оқиб келаётган импорт товарларидан ҳимоя қилиш.
- преференциал – аниқ мамлакат ва районлардан товарларни импорт қилишни рағбатлантириш;
- статистик- ташқи савдо оборотини аниқ ҳисобга олиш;
- тенглаштирувчилик - импорт товарларининг нархи билан миллий ишлаб чиқарилган товарлар нархини тенглаштириш.

## 4.3. Солиққа тортиш тизими. Элементлари, усуллари

Жаҳон амалиётида солиқ тизими ҳамда солиққа тортиш тизими ажратилиб кўрсатилади. Солиқ тизими моҳияти жиҳатидан бир хил бўлган ва марказлашган пул фондига тушадиган солиқ турларининг йиғиндиси бўлса, солиққа тортиш тизими эса қонун чиқарувчи идоралар томонидан белгиланган ва ижрочи идоралар томонидан ундириладиган солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари мажмуига айтилади. Демак, бу ерда тизим иқтисодий категорияни ўрганишни ҳамда солиқлар ундиришни ташкил қилиш масалаларини ўз ичига олади. Бу тизимнинг роли ижтимоий-иқтисодий тузуми билан аниқланади.

Ўзбекистоннинг солиққа тортиш тизими ўз мазмунига кўра солиқ элементлари, уларни ташкил қилиш тамойиллари ва усулларини ўргатади. Солиқ элементларига солиқ субъекти, объекти, манбаи, ставкаси, солиқ бирлиги, солиқ юки каби тушунчалар киради.

Солиқ субъекти — солиқ муносабатларида қатнашувчи солиқ тўловчилардир. Улар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга бўлинади. Солиқ муносабатларида фақат солиқ тўловчиларгина эмас, солиқ ундирувчи ҳам қатнашади. Солиқни давлат ундиради, унинг номидан махсус ташкилот қатнашади, яъни бу ишни давлат солиқ хизмати идоралари бажаради. Солиқларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ тўлаш жавобгарлиги солиқ тўловчи субъектга юклатилган.

Солиқ объекти — солиқ солинадиган даромад, харажат, оборот ёки мулкдир. Унинг фойда, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ер, иморат, жами харажат каби турлари мавжуд. Объект доимо субъект билан боғлиқ, субъектники бўлади. Субъектсиз объект бўлмайди. Масалан, ҚҚСда объект ортилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) оборотидир, даромадга солинган солиқда - даромад (фойда), мол-мулк солиғида мулк қиймати, ер солиғида ер майдони ва бошқалар.

Солиқ манбаи - бу субъектнинг даромадидир. Баъзи солиқларда даромад ва фойда ҳам солиқ объекти, ҳам солиқ манбаи бўлади. Лекин бошқа солиқларда объектлар ҳар хил, манба эса даромад бўлади. Солиқларнинг шундай қонуни борки, улар ҳеч қачон манба миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда манба йўқолади. Тарихда ҳайвонларга пул солиғи бўлган. Бу солиқ моллар бошини кескин камайтириб юборган. Ҳар қандай солиқ оқибат натижада даромаддан олинади. Бу тўғри солиқларга тааллуқлидир.

Соликка тортиш бирлиги - бу объектнинг ўлчов бирлиги. Даромад солиғида сўм, ер солиғида кв.м., сув солиғида куб метр ва бошқалар.

Солик ставкаси - объектнинг хар бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёридир, яъни давлатнинг объектдаги улуши, хиссасидир.

Солиқ ставкаси 2 усулда: қатъий ставкаларда (сўмларда) ва нисбий ставкаларда - фоизларда белгиланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда бюджет инфляциядан кўп маблағ йўқотмайди. Агар ставка сўмларда ҳисобга олинса, солиқлардан тушган бюджет даромади йил охирига келиб хеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин.

Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича солиқларнинг 3 тури пропорционал, прогрессив ва нолли ставкаларига амал қилишмоқда, шунингдек, регрессив ставка хам 1995 йилдан бошлаб кучга кирган ва ўша йили тугаб кетган. 2002 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг даромадга солиғи, мол-мулк солигида пропорционал-регрессив ставкалар қўллана бошланди.

Пропорционал солик ставкасида объект қандай бўлишидан қатъий назар, бир хил улушдаги (пропорцияда) солиқ тўланади. Масалан, ҚҚС бўйича асосий махсулотлар (ишлар, хизматлар) га 20%ли ставка белгиланган бўлса, оборот 10 минг сўм бўлса хам 10%, 1млн. сўм бўлса хам 20% солиқ тўланади ёки экология солиғида тўлиқ таннарх харажати қандай бўлишидан қатъий назар бюджетга 1% солик тўланади. Бу ставка ҳамма солик тўловчилар учун бир хил бўлишини белгилайди, давлатнинг солиқ объектидаги хиссаси ўзгармайди.

Прогрессив солик ставкасида эса даромад , объект кўпайиб бориши билан солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Бу бизнинг қонунчилигимизда фақат фуқароларнинг даромад солиғида қўлланилади. Минимал иш ҳақининг 5 баробарига тенг қисмига 13%, ундан ошган 5 каррали қисмига 22%, ундан ошган 5 каррали қисмига 32% солиқ тўланади. Бу ставка қўлланилиши ходимларни кўпроқ даромад олишга, меҳнат унумдорлигини оширишга қизиқтирмайди. Бундай ставкани қўллашдан мақсад пул инфляциясини жиловлаб, пулни мустаҳкамлашни, бюджетга салмоқли даромад туширишни кўзда тутади.

1998 йилдан бошлаб солиқларни ташкил қилиш амалиётини чет эллардан ўрганиб, ҚҚС бўйича нолли ставка, яъни экспортга товарлар юборилганда, қишлок хўжалиги учун ёқилғи мойлаш ва

минерал ўғитлар ортганда ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга товарлар ортганда солиққа тортиш нолли ставкада белгиланади, бунда шу маҳсулотлар бўйича тамомила солиқ тўламаслик жорий этилди. Нолли ставкада уларга тўланган ҚҚС суммаси бошқа товарлар тушуми бўйича олинадиган ҚҚС суммасидан ҳисоблаб камайтирилади. Демак бу ерда ҚҚС эгри солиқлар сифатида ҳақиқатдан ҳам нейтрал солиқ бўлиб хизмат қилади ва иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётни ривожлантириш учун иложи борича кўплаб нолли ставкаларни қўллаш маъқул бўларди.

Регрессив солик ставкасида даромад (ёки бошка объекти) ошиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб бориб, даромад ёки маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришни талаб қилади. Четга экспорт товарлар ишлаб чиқариб, қаттъий валюталарда тушумга эришганлар иқтисодий қизиқтирилади, яъни солиқлари камайтирилган ставкада тўланади. 2002 йилдан бошлаб киритилган бу сиёсатни кенгайтириш иқтисодий ривожланишга катта наф келтиради.

Солик имтиёзлари деганда солиқ тўловчиларга солиқ ва йиғимларни тўлашдан қисман, вақтинчалик ва тўлик озод этиш ҳамда солиқ базасини камайтириш тушунилади. Имтиёзлар тўғридан-тўғри тўланадиган солиқ суммасидан берилиши мумкин. Айтайлик, корхона болалар кийим- кечакларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, фойдага солиқдан 20% ўрнига атиги 10% тўлайди. Бу кисман озод қилишга ҳам киради. Имтиёзлар вақтинчалик ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, деҳқон фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан 2 йилга ер солиғини тўлашдан озод этилади.

Бизнинг солиқ қонунчилигимизда солиқ тўлашдан тўла озод қилиш ҳоллари учрайди. Масалан, фойда солиғи бўйича агар корхонада жами ишловчи ходимлар сонидан 50% дан ортиғини ногиронлар, меҳнат фахрийлари ташкил этса тамомила соликдан озод этилади.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича хорижий мамлакатларнинг ваколатхоналарида ва элчихоналарида ишловчи чет эл ходимлари, мутахассислар солиқдан мутлақо озод этилади. Булардан ташқари, солиқ базасини камайтириш орқали бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қисқартириш ҳам имтиёзлар туркумига киради. Масалан, ҳуқуқий шахслар ўз даромадларидан инвестицияга сарфласа ёки унинг учун олган узоқ муддатли кредитларини қайтаришга сарфласа, 30% солиққа тортиладиган базадан камайтирилади. Умуман олганда имтиёзлар туркумига солиққа тортилмайдиган даромад гуруҳлари ҳам киради. Масалан,

фуқароларининг даромад солиғи бўйича бир қатор солиққа тортилмайдиган даромад мавжуд. Буларга пенсия, нафақа, алимент, қон топширилганда олинадиган даромад гуруҳлари ҳам киради. Бюджетга солиқ тўлашдаги имтиёзлар меҳнат унумдорлигини ошириб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига бюджетга тушадиган умумий даромадларини, айтайлик, ҚҚС ва акциз солиқлари орқали бўлса кўпайтиришни лозим. Лекин бюджет харажати даромадидан ортиқ бўлиб турган даврда (дефицит) солиқлардан имтиёз бериш қандай амалга ошади? Албатта бир корхонага берилган имтиёз суммаси бошқа корхоналар зиммасига юкланади. Демак, бюджет дефицити даврида бериладиган солиқ имтиёларидан самара катта бўлмайди, чунки солиқ юки бошқаларга тушиб, уларни ишлаб чиқариш натижаларидан кўрадиган манфаатдорлигини сусайтиради. Агар бюджет харажатларини кўпайтириш ҳисобига солиқлардан имтиёзлар берилса, унда ҳақиқатдан ҳам улар самара бериб, ишлаб чиқаришни ошириб, даромадлар олишни кўпайтириш ҳисобига берилган имтиёзлар бюджетга қайтиб келиши мумкин. Ҳақиқий имтиёз солиқ ставкасини камайтириш бўлиб, у ишлаб чиқариш учун ҳақиқий манфаатдорликни оширади. Солиқ қонунчилиги амалиётида имтиёзлар тури жуда кўп бўлгани билан улардан фойдаланиш анча мураккаб. Баъзан улар чеклаб қўйилади. Солиқ тўловчилар кўрсатилган ҳамма имтиёзлардан ҳар доим ҳам фойдалана олмайди, чунки шартлари кўп.

**Солиқ ундириш усуллари.** Солиқ амалиётида солиқни ундиришнинг 4та усули қўлланилади:

1. Кадастр усули. (Кадастр сўзидан олинган бўлиб- жадвал, справочник). Бу усул тўғри ҳақиқий солиқни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган объектлар (ер, қурилиш ва ҳоказо) ҳақида маълумотлар ёзилган кадастрдан фойдаланишни кўзда тутади. Солиқ объекти аниқ бир белгисига қараб гуруҳларга дифференциаллашганда қўлланилади. Бу гуруҳларнинг таркиби ва унинг белгиси махсус маълумотномаларга киргизилади. Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида солиқ ставкаси белгиланган. Бу усулнинг ўзига хос томони шундан иборатки, солиқ ҳажми объектнинг даромадлилигига боғлиқ эмас.

Мисол учун, транспорт воситаси эгаларига солиқ. У транспорт воситасининг от кучига қараб белгиланган ставкада, транспорт воситасидан фойдаланиляптими ёки йўқми, ундан қатъий назар ундирилади.

2. Аванслаштан усул ёки даромад олгунча солиқ ундириш усули. Бу усулда солиқ субъектига даромад тўловчи ҳуқуқий шахсни бухгалтерияси томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ушлаб қолинади. Ушбу усул билан ишчиларни маошидан даромад солиғи ушлаб қолинади. Солиқ ишчи даромад олгунча олинади. Объекти - ойлик иш ҳақи, мукофот, гонорар. Жавобгар шахс бўлиб ҳуқуқий шахс ҳисобланади.

3. Декларация бўйича ёки даромад олгандан кейин солиқ ундириш усули. Декларация — солиқ тўловчининг даромадлари ва тўлаган солиқлари кўрсатилган ҳужжат. Бу усулнинг характерли томони шундаки, солиқ тўлови даромад олингандан кейингина амалга оширилади.

4. Административ усул. Бу усул айрим мамлакатларда қўлланилади. Солиқ ҳукумати солиққа тортиладиган даромадни ҳажмини айрим билвосита белгиларига (мижозларнинг сони, бозор конъюнктурасига) қараб ўзлари белгилайдилар.

Жаҳонда солиқ тизимининг 2 хил кўриниши мавжуд:

1). Шедуляр солиқ тизими. Солиқ тўловчи олаётган бутун даромадини қисмларга яъни шедулаларга бўлиниши. Ҳар бир қисми ўзига хос йўллар билан солиққа тортилади. Турли хил шедулаларга турлича ставкалар, имтиёзлар ва бошқа солиқ элементлари белгиланиши мумкин. Кўпгина давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам шу тизимни қўллайди.

2). Глобал солиқ тизими. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳамма даромадлари бир хилда солиққа торитлади. Бу тизим солиқ ҳисобини енгиллаштиради ва тадбиркорларнинг молиявий натижаларини режалаштиришни соддалаштиради. Глобал солиқ тизими Ғарб мамлакатларида кенг қўлланилади.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Солиқ тизими тушунчаси нимани ифода этади ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимига нималар киради?
2. Солиқлар объекти ва иқтисодий моҳиятига қараб қандай гуруҳланади?
3. Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга ажратилишининг сабаби нимада ва улар қандай фарқланади?
4. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг солиқлари нимадан иборат?
5. Солиққа тортиш тизими тушунчаси нимани ифодалайди?
6. Тизимнинг қандай элементлари мавжуд?
7. Солиқ ставкаларининг қандай турлари мавжуд?

8. Солиқ имтиёзлари тушунчаси нимани ифодалайди? Бу масалада қандай муаммолар мавжуд?

# V БОБ. СОЛИҚЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА СОЛИҚ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

## 5.1. Иқтисодиётда қўлланиладиган солиқ турлари ва уларнинг аҳамияти

Ўзбекистон солиқлар тизими манбаига қараб солиқлар юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратилади. Юридик шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхона даромадига солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, экология, савдо ташкилотларини ялпи тушум солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни (ҚҚС, акциз) юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар ҳам тўлайдилар. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга даромадга солиқ, ер, мол-мулк солиқлари киради. Ҳуқуқий шахслардан олинадиган солиқлар давлат бюджет даромадларининг хал қилувчи қисмини (70, 75 фоизини) ташкил этади. бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз корхоналар ҳисоб (жорий) счётларидан бюджет счётларига кўчириб қўйилади. Уни ундириш осон ва арзонга тушади. Жисмоний шахслардан олинадиган баъзи солиқлар нақд пулда ундирилганлиги учун уни тўлаш қийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол-мулк солиқлари ва катор йиғимлар киради. Солиқ йиғиш харажати кўпайиб кетади. Чунки бу иш билан махсус тажрибага эга бўлган инспекторлар шуғулланади, хужжатлар (декларация, хабарномалар, чақириқлар ва бошқалар) кўп ёзилади.

Жисмоний шахслар солиқлари ичида энг йириги фуқаролар жами даромадига солиқлардир. Бу солиқ орқали фуқароларнинг гуруҳлари даромадларини бошқариб бориш имконияти яратилади.

Республикамизда Халқаро "Экосан", "Устоз", "Нуроний", "Камолот" ва бошқа хил жамғармалар ташкил этилган. Бу жамғармалар ихтиёрий равишда тузилади. Лекин шундай жамғармалар борки улар давлатнинг иштироки билан мажбурий равишда хар хил ажратма ва бадаллар ҳисобига тузилади. Бу жамғармаларга маблағ бермасликнинг иложи йўқ. Чунки булар ҳам қонун ва қонун ости хужжатлари ва солиқлар сингари мажбурийлик

асосида ташкил топади. Бундай жамғармаларга пенсион жамғармага ажратма (меҳнат ҳақи жамғармаси ҳисобидан 35%, сотилган маҳсулот хажмидан 0,7%), бандлик фонди (МХЖдан 1,5%), касаба уюшмалари федерацияси (МХЖдан 0,7%) миқдорида ҳуқуқий шахслар тўлайди. Бу жамғармаларга Давлат мулки қўмитасига, йўл жамғармасига ажратмалар ҳам киради. Бу жамғармаларни бюджетдан ташқари жамғармалар деб ҳам аталади. Бюджетга солиқлар тушиши ва жамғармаларга ажратмалар тўлаш моҳияти жиҳатидан ягонадир, яъни мажбурий тўловлар ҳисобланиб айнан бу тўловларни ҳам солиқли тўловлар таркибига киритиш тўғри келади.

Юқоридаги жамғармаларни бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан ихтиёрий асосида ўтказилса ҳуқуқий шахслар учун солиқ оғирлиги анча камайиб уларни иқтисодиёти анча ривожланиб бориши мумкин.

Ўзбекистонда қуйидаги солиқ турлари мавжуд:

- Юридик шахслар даромадига солиқ;
- Жисмоний шахслар даромадига солиқ;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;
- Ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи;
- Экология солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Савдо ташкилотларининг ялпи тушумидан ягона солиқ;
- Божхона божи;
- Давлат божи;
- Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йиғими;
- Мол-мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Кичик бизнес учун ихчамлаштирилган солиқ;
- Инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- Жисмоний шахсларни транспорт ёқилғиси учун истеъмол солиғи;
- Чакана савдо учун микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг белгиланган даромадидан ягона солиқ;
- Савдо ҳуқуқ йиғими, шу жумладан алоҳида товарларни турларини сотиш лицензия йиғими;
- Ишбилармонлик билан шуғулланувчи ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими.

## 5.2. Юридик шахслар солиқлари. Юридик шахсларнинг даромадига солиқ

Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизимида солиқ тўловчиларни икки гуруҳга бўлинади: юридик шахслар ва жисмоний шахслар. Иқтисодий моҳиятига қараб: тўғри солиқлар ва эгри солиқларга. Бюджет звеноларига тушишига қараб: умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексида (13 модда) хилма-хил мулк шаклидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар қисқача юридик шахслар деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг аста секин ижтимоий ҳимояланган эркин бозор иқтисодиётига ўта боришш Республикада ўрта ва кичик бизнес фаолиятига қулай шароитлар яратилаётганлиги хилма-хил мулк шаклидаги, хусусий, кооператив, ширкат, акционер ва қўшма корхоналар орқали тадбиркорликни ривожлантиришга кенг шароит яратилмоқда. Бунинг ҳаммаси солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар сонини кўпайишига олиб келмоқда. 2002 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўсиб 24,5% ташкил этди. Жами 250 мингдан ортиқ юридик шахслар мавжуд, шу жумладан 200 мингдан ортиғи кичик корхоналар ва фирмалардир.

Юридик шахс деб ўзининг ихтиёрида, қарамоғида, фойдаланишида мулкка эга бўлган ўзининг мажбуриятларини шу мулк билан қайтара оладиган, бухгалтерия баланси ҳамда банкда ҳисоб счётига эга бўлган шахсларга айтилади. Юридик шахсларнинг статистика ўрганларида ўз фаолият кодлари кўрсатилган бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва йиғимларнинг ҳал қилувчи қисмини юридик шахс солиқлари ва бонқа тўловлари ташкил этади. Юридик шахслар республика бюджетига қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тўлайдилар:

- Юридик шахсларнинг даромадига солиқ;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Экология солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Савдо ташкилотларининг ялпи тушумидан ягона солиқ;
- Божхона божи;
- Давлат божи;

- ДАН йиғими;
- Жарималар;
- Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йиғими;

Юридик шахслар маҳаллий бюджетларга қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тўлайди:
- Мол-мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Кичик бизнес учун ихчамлаштирилган солиқ;
- Инфротузилмани ривожлантириш солиғи;
- транспорт солиғи;
- Чакана совдо учун микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг белгиланган даромадидан ягона солиқ;
- Савдо ҳуқуқ йиғими, шу жумладан алоҳида товарларни турларини сотиш лицензия йиғими;
- Ишбилармонлик билан шуғулланувчи ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими;
- Бошқа тўловлар.

Юридик шахслар солиқ тўловчи бўлиши учун юридик шахс мақомини олганидан ташқари, албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад олган бўлишлари зарур. Ёки товарлар (иш, хизматлар) сотишдан оборотга эга бўлишлар ҳнамда статистика идораларида, ҳокимиятлардан рўйхатдан ўтган (кодга эга) бўлишлари шарт. Ҳар бир юридик шахсга идентификацион рақам берилади.

Юридик шахс бўлиб мулкка эга бўлишлик, бордию солиқдан ёки бошқа субъектлардан карздор бўлиб қолса, бошқа чоралар кўрилганда етарли бўлмаса, ана шу мулкларини сотиб (суд қарорига асосан) солиқдан қутулиш имконияти яратилади.

Илгари айтганимиздек юридик шахсларнинг бюджетларга тўлайдиган солиқлари тўғри ва эгри солиқларга бўлинади.

Тўғри солиқлар даромад солиқлари ва ресурслар солиқларидан ташкил топади. Эгри солиқлар эса қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божидан иборатдир. Юридик шахсларнинг бу солиқлари бюджет даромадларини асосий қисмини ташкил этиши қуйидаги жадвал маълумотларида кўринади.

Жадвалдаги маълумотлар кўрсатадики, юридик шахслар солиқлари ичида эгри солиқлар салмоғи ортиб бориш тенденциясига эга, тўғри солиқлар салмоги эса пасайиб бориш йўналишидадир. Бундай ҳолат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг хиссасига тушадиган солиқ юкини камайтириб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиради. Шу билан бирга тўғри ва эгри

солиқлар бюджетнинг мустаҳкам манбасига айланиб унинг ўта ижтимоий зарур бўлган харажатларини ўз вақтида ва узлуксиз молиялаштириш имконини яратади. Буларнинг аҳамияти беқиёс каттадир. Бу солиқларсиз бюджетларни режали молиялаштиришнинг иложи йўқ.

**Бюджет даромадлари жамига нисбатан юридик шахслар солиқлари салмоғи (%)**

| Солиқлар номи | 1996 й. | 1997 й. | 1998 й. | 2000 й. | 2001 й. | 2002 й. | 2003 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.Юридик шахслар даромадига солиқ | 25,8 | 23,9 | 21,8 | 13,5 | 10,5 | 9,3 | 8,6 |
| 2. Кичик бизнеснинг ягона солиғи | - | - | | - | 2,2 | 2,2 | 3 |
| 3.Мол-мулк солиғи | 1,5 | 2,3 | 3.0 | 2,8 | 3,0 | 3,1 | 2,3 |
| 4. Ер солиғи | 3,5 | 3,6 | 4,0 | 4,0 | 3,9 | 2,8 | 2,6 |
| 5. Ер ости бойликлари учун солиқ | 0,6 | 1,3 | 2,1 | 1,2 | 1.0 | 0.9 | 1 |
| 6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | - | - | - | | 0.4 | 0.4 | 0.3 |
| 7. Акциз солиғи | 20.0 | 14.4 | 13.4 | 18.6 | 24.5 | 26.9 | 26.4 |
| 8. Қўшилган қиймат солиғи | 17.7 | 25.1 | 25.3 | 29.7 | 24.6 | 28.6 | 27.9 |
| 9. Божхона божи | 1.6 | 1.5 | 2.1 | 1.3 | 1.6 | 1.7 | 1.9 |
| 10. Бошқа солиқлар ва йиғимлар (инфраструктура солиғи) | - | - | - | - | - | - | 2.0 |
| Жами: | 80 | 81 | 83 | 75 | 75 | 75.5 | 76 |

Юридик шахслар солиқлари пул муомаласини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Тўғри солиқлар юридик шахсларнинг харажатларга мўлжалланган маблағларини қисқартириб муомалага оз пулларни чиқаришга олиб келади. Эгри солиқлар эса товарлар (ишлар, хизматлар) таркибида бўлиб, баҳо ҳисобига муомиладаги ортиқча пулларни муомаладан олади. Шундай қилиб солиқлар пул муомаласини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Солиқларнинг ошиши товар (хизмат, иш) таклифини оширади, талабни камайтиради. Бу эса пул эмиссиясини камайтиради. Аммо таклифда реал қиймати паст бўлганлигидан инфляцияни пайдо қилиши мумкин.

Юридик шахслар ўзларига юклатилган солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.

Юридик шахслар ўзларига юклатилган солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўз вақтида, тўлиқ тўлаш жавобгарлигини олганлар.

Уларнинг тўлайдиган солиқлари асосан нақд пулсиз, яъни корхона, ташкилот, бирлашманинг банкдаги ҳисоб счётларидан маблағни республика ёки маҳаллий бюджет счётларига ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Қоида бўйича ҳар қандай юридик шахс ўз солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган вақтда бюджетга тўлиқ ўтказишга мажбурдирлар. Бунинг учун улар солиқ ва бошқа тўловларнинг муддати келган кунгача пулларни ўтказиш хужжатлари бўлмиш тўлов топшириғи, чекларни ёзиб банкларга топширган бўлишлари керак.

Агар тўлов топшириқлари ўз муддатида ёзилиб банкларга топширилмаган бўлса солиқ идоралари ўзларининг инкассо- тўлов талабномалари орқали ундириб оладилар.

Ҳар бир ўз вақтида бюджетга ўказилмаган кун учун ўтказилиши керак бўлган солиқ суммаси ҳисобидан 0,07% пеня ҳисобланиб, солиққа қўшимча равишда бюджетга мажбурий ундирилади. Албатта пеня суммасининг кўпайиши корхонанинг молиявий холатига салбий таъсир кўрсатади. Пеня корхона учун қўшимча солиқдир.

Шунинг учун ҳар қандай хўжалик субъеклари ҳисобчилари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларда белгиланган тўлов муддатигача ўз вақтида тўлаб боришлари шарт. Бунда айниқса аванс тўловларга кўпроқ эътибор бериш лозим, чунки ҚҚС, даромадга солиқ ва бошқаларда аванс тўловлар сони кўп бўлганлигидан боқимандалинг кўпайишига олиб келади. Ҳозирги кунда бу боқиманда билан кураш иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим давлат тадбирларига айланмоқда.

Юридик шахсларнинг ҳамма солиқлари нақд пулсиз тўланади. Бироқ айрим йиғимлар (давлат ва божхона божлари) нақд пулли бўлиши мумкин.

Юридик шахслар солиқларини нақд пулсиз тўланиши жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Пул ўтказишлар тезлашади, ижтимоий харажатлар тежалади.

Юридик шахсларнинг тўлайдиган солиқлари ичида уларнинг даромадига солиқ бюджет даромадлари таркибида катта ўрин эгаллайди. Бу солиқ тўғри солиқ бўлганлиги учун хўжалик субъектларининг тўғридан-тўғри молиявий аҳволи билан боғлиқ. Шунинг учун бу солиқ салмоғини давлат йилдан-йилга камайтириш сиёсатини олиб бормоқда. Масалан, 1996-1998 йилларда 21-25% ни ташкил этган бўлса, 2002 йилдан бошлаб 8-9%ни ташкил этмоқда.

Юридик шахсларнинг даромадига солиқ- бу корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар даромадининг бир қисмини бюджетга мажбурий тўлов муносабатини билдиради.

Солиқ кодекси бўйича даромадга эга бўлган юридик шахсларгина бу солиқни тўловчилари бўлади. Аммо, жами даромад, улардан чегириб ташланадиган чиқимлар солиқ кодексига киритилган бўлса ҳам, уларни аниқлашни Вазирлар Маҳкамасига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 1999 йил 5 февраль 54-сон қарори билан "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳисоботи" тўғрисидаги Низомни қабул қилган. Жами даромад ва солиққа тортиладигин даромад ҳам шу низом билан белгиланади.

Даромадга солиқ тўловчилари бўлиб, молия йилида солиққа тортиладиган даромадга эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади. Молия йили бизнинг республикамизда календарь йилига мос тушади. Аммо ҳамма юридик шахслар ҳам бу солиқни тўлавермайди. Кичик корхоналар, савдо ташкилотлари, грампластинкалар ишлаб чиқиб сотувчи ташкилотлар, ягона солиқ тўловчи чакана савдо корхоналари (кичик ва микро фирмалар), ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилар бу солиқни тўламайдилар. Улар ўзлари учун ихчамлаштирилган солиқни тўлайдилар. Булардан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг фақат алоҳида турларига қатъий ставкада солиқ тўловчилар ҳам бу солиқни тўламайдилар.

Солиққа тортиш мақсадида даромад солиғи тўловчиларни резидентлар ва норезидентларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтган ҳамда бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ҳисобланади. Рўйхатдан ўтган юридик шахсларга идентификацион номер берилади. Унинг мазмуни тартиб рақамига мос келади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари эса фақат Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатишдан олган даромадлари бўйича солиққа тортиладилар.

Резидентлар доимий фаолият кўсатувчилар бўлса, норезидентлар фаолияти Республикада ўткинчи ёки вақтинчалик характерга эга.

Даромадга солиқ тўловчиларни тўлиқ тушуниш учун уларни иқтисодиёт соҳалари бўйича ҳм солиқ тўловчилар бўлишлигини инобатга олиш зарур. Масалан, саноат, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги ва бошқалар киради. Юридик шахсларнинг даромадга солиғи бўйича солиқни тўғри аниқлаш учун уларнинг жами даромадларига нималар киришини мукаммал ўрганиш зарур бўлади. Юридик шахсларнинг жами даромади таркибига улар томонидан олиниши лозим бўлган ортилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳақлари каби пул ва бепул қайтармаслик шарти билан олинган маблағлар киради. Олинган кредитлар жами даромадга кирмайди.

Жами даромадга қуйидагилар киради:

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум. Унга ортилган маҳсулот қийматини тўлаш учун ҳисоблашиш ҳужжатларида кўрсатилган сумма; буюртмачи томонидан тасдиқланган, бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар; кўрсатилган хизматни бажарилганлигини тасдиқловчи суммалар киради. Воситачилик фаолиятида даромад олувчи ташкилотлар учун тушум битимлар бўйича комиссион тақдирлаш (фондлар суммалари) ҳисобланади.

2. Асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активлар сотишдан даромадлар киради.

Солиққа тортиш мақсадида асосий фондлар ва бошқа мулкларни сотишдан даромадни аниқлашда шу фондлар мулкларини сотиш баҳоси ва қолдиқ суммаси ўртасидаги фарқ ҳисобга олинади. Бу ерда қолдиқ қиймат ҳамма асосий фондлар, моддий активлар, кам қийматли ва тез бузиладиган предметларга ҳам қўлланилади. Асосий фондлар бепул берилганда бераётган шахснинг активлар

қиймати ўша вақтдаги ташкил топган харажатлар билан, мулкларни олувчининг даромади эса кирим қилинган қолдиқ қиймат билан, лекин берган шахснинг таннарх қийматидан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

3. Фоизлар, дивидентлар турида олинган даромадлар.

4. Бепул олинган мулклар. Лекин бепул олиш бир тизим ичига кирувчи корхоналар томонидан бўлса даромад бўлмайди. Тизим дейилганда вазирликлар, концернлар, трестлар ичидаги ҳаракатлар тушунилади.

5. Мулкларни ижарага беришдан даромадлар. Аммо амортизация қилинадиган асосий воситалар лизинг шартномаси бўйича ижарага берилса, солиққа тортиш мақсадида мулкни сотиб олган ҳисобланади.

6. Роялти-интеллектуал мулкларнинг ҳуқуқидан даромадлар, муаллифлик ҳақлари, потентлари, чизмалар, товар белгилари, янги моделлардан даромадлар.

7. Бепул молиявий ёрдам.

8. Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, агар сўров муддати тугаган бўлса. Умумий сўров муддати юридик шахслар учун 3 йил қилиб белгиланган.

9. Илгари чегирма қилинган қарзлар, зарарлар ва умидсиз қарзларни тушишидан олинган суммалар.

10. Валюта счёти бўйича ижобий курс фарқлари.

11. Фавқулотда даромадлар.

12. Ҳар хил даромадлар.

13. Товар моддий бойликларни қайта баҳолашдан қўшимча суммалар солиқ тортиладиган даромадга шу товарлар сотиш билан қўшиб берилади.

Корхоналар маҳсулотларини ҳақиқий таннарх баҳосидан сотгандаги зарарлар солиққа тортиладиган даромадни камайтирмайди.

Ички бозордан паст баҳода ўз маҳсулотларини эркин алмаштириладиган валютада сотувчи корхоналар учун солиққа тортиладиган база экспот маҳсулотини сотишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиқиб ҳисобга олинади.

Умумий вазифаларни хал қилиш учун Устав фондига бадаллар, пайлар ва бошқа мақсадли қўйилмалар юридик шахснинг даромадига кирмайди ва солиққа тортилмайди.

Корхоналарнинг чет эл валютасида олган даромадлари ҳам умумий даромадларга қўшилиб солиққа тортилади. Бунда чет эл

валютасида олинган даромад ўша кундаги Марказий банк белгилаган курс билан даромадга олинади.

Юқорида айтилган даромадлар таркиби "Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом билан аниқланади ва қуйидаги кўрсатгичлар билан ифодаланади:

- махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда.

ЯФ+ССТ-ИТ, яъни ЯФ-ялпи фойда, ССТ-сотишдан олинган соф тушум, ИТ-сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

- асосий фаолиятдан олинган фойда.

АФФ+ЯФ-ДХҚБД-БЗ, бунда АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда,' ДХ-давр харажатлари, БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

- умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар).

УФ+АФФҚМД-МХ, бунда УФ-умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда, МД-молиявий фаолиятдан даромадлар, МХ-молиявий фаолият харажатлари.

- солик тўлангунча олинган фойда.

СТФ+УФҚФП-ФЗ, бунда СТФ-солиқ тўлагунча олинган фойда; ФП-фавкулодда вазиятдан олинган фойда; ФЗ-фавкулодда вазиятдан кўрилган зарар.

- йилнинг соф фойдаси, у корхона даромадга солиқ тўлангандан сўнг колади. У ўзида соф даромаддан ижтимоий инфратузилма солиғини тўлагандан сўнг қолади.

- демак, солиққа тортиладиган даромат СТФга Низом бўйича унинг биринчи ва иккинчи иловаларидаги харажатларни қайта қўшиш билан аниқланади.

Жами даромаддан чегирмаларга қуйидагилар киради ва солиққа тортиладиган даромаддан чегирилади:

- қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол мулк солиғи ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, божхона божлари суммалари,

- банкларнинг ва бошқа молия кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлари суммалари, тўлов муддати ўтган ва тўлов муддати ўзгартирилган ссудалар бўйича фоизлар бундан мустасно;

- ходимларги иш хақи тўлаш бўйича харажатлар (банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар ва бошқа оммавий томоша ташкилотлари бундан мустасно).

- белгиланган тартибда киритилган рента тўловлари суммаси;
- ижара ҳақи (лизинг тўлови);
- чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматлар қиймати;
- мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақига ҳисобланган суммалар;
- маҳсулотларни сертификациялаш ишларига ҳақ тўлаш суммалари;
- нормалар бўйича хизмат сафари, вакиллик мақсадлари, реклама, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари суммалари;
- маҳаллий ҳокимият тасдиқлаган нормада солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия муассасалари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълим муассасалари, уй жой фондини соқлашга ҳаражатлар суммалари, юқоридаги мақсадларга улуш қўшиб қилинган ҳаражатлар камайтирилади;
- қонун бўйича бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланади.

Солиқ тўловчилар (банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари) сўров муддати тамом бўлиши билан умидсиз қарзларни чегириш ҳуқуқига эга, агар улар товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш билан боғлиқ бўлиб илгари жами даромадга олинган бўлса.

Тадбиркорлик фаолиятида 3 йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситалар реализация қилинганда вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегирилади.

Молиявий жазо чоралари ва ҳисобланган пеня суммаси жами даромаддан чегирилмайди.

Қимматли қоғозлар реализиция қилинганда вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегирилмайди. Асосий воситаларнинг солиқ солинадиган давр мобайнида Солиқ кодексида белгиланган нормалар доирасида ҳисобланган амортизация ажратмалари суммалари жами даромаддан чегириб ташланади.

Номоддий активларга қилинган ҳаражатлар жами даромаддан эскириш тарзида ҳар ойда уларнинг бошланғич қиймати асосида ҳисобланган нормалар бўйича чегирилади.

Геологик тадқиқотлар ва шунга ўхшаш ҳаражатлар амортизация нормаси бўйича 15% миқдорида чегирилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳамда ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар жами даромаддан чегирилмайди.

Юридик шахсларнинг даромад солиғи ставкалари ҳар йили Олий Мажлис томонидан Вазирлар Маҳкамасининг янги йилги бюджет параметрларини кўриб чиққанда тасдиқланади. У ставкаларин юқори чегара ставкаси 1998 йилда 36%, 2001 йилда 24% тушган, 2002 йилга эса 24%, 2003 йилдан бошлаб 20%, 2004 йилда 18%, 2005 йилда эса 15% белгиланган.

**2004 йилнинг юридик шахслар даромадига солиқ ставкалари**

| № | Тўловчилар | Солиқ тортиладиган даромадга, % |
|---|---|---|
| 1. | Юридик шахслар (2-4 пунктлардагидан ташқари) | 15 |
| 2. | Лотерея ўйинлари ўтказиш, аукционлар ва ўйин уйлари, оммавий-томоша тадбирлари, гастрол концерт фаолиятига лицензияси борларнинг олган даромадлари бўйича юридик шахслар, норезедентларни ҳам қўшиб | 35 |
| 3. | Устав фондида 50% ва ундан кўп ҳиссаси бор чет эл инвестицияси билан бирга ишловчи ишлаб чиқариш корхоналари устав фондининг миқдори қуйидаги эквивалентга мос келса:<br>1 млн.АҚШ доллари ва ошиғи | 15 |
| 4. | Болалар ассортименти товарлари, аёллар гигиенаси маҳсулотлари, бадиий ҳунармандчилик буюмлари ва болалар қўғирчоқлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар | 10 |
| 5. | Эркин алмаштириладиган валютада ўзининг товар (иш, хизматлар) экспорт қилиш ҳиссаси экспот қилувчи корхоналар учун қуйидагича бўлса:<br>Сотиш хажмининг 15%дан -30%гача<br><br>30% ва ундан юқори | <br><br><br><br>Ставка 30%га пасайтирилади<br><br>Ставка 2 марта пасайтирилади |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 13 ноябр 390 сон Қарори билан:

- истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар учун шу товарларни ишлаб чиқаришдан олган даромаддан фойдага солиқ ставкасини 20% камайтириб тўлайди.

- болалар ассортименти товарлари ишлаб чиқарувчилар, шу товарлар ишлаб чақариб олган даромадларидан 7% ставкада солиқ тўлайдилар.

Истемол товарлари ишлаб чиқаришнинг физик ҳажмини оширишдан олган даромадлар солиқ тўлашдан озод этилади.

Ўз фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган солиқ тўловчи норезедент Ўзбекистонда олган даромадларидан солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади. Уларнинг солиқ тўлаш тартиби умумий қоидага тушади.

Норезедент солиқ тўловчининг даромадини чет элга ўтказилаётганда 10% миқдорида даромадга солиқ ундирилади.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борган норезедентнинг даромади ҳеч қандай чегирмасиз даромад манбаида қўйидаги ставкаларда солиққа тортилади:

| | Фоиз |
|---|---|
| Дивидентлар ва фоизлардан | 15 |
| Суғурта мукофотлари, суғурталаш хавф хатари тўловлари | 10 |
| Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар билан Халқаро алоқа учун телекоммуникация ва транспорт хизмати (фрахта даромади) | 6 |
| Роялъти, ижара даромадлари, хизмат кўрсатиш, шу жумладан бошқарув хизмати, маслаҳатлар ва бошқа даромадлар | 20 |

Юридик шахсларга тўланадиган дивидентлар ва фоизлар тўлов манбаида 15% ставка билан солиққа тортилади. Манбаида солиққа тортилган ва дивидент фоиз олган норезедент жами даромадидан тегишли тартибда ҳужжатлар тақдим этса чегирма олиш ҳуқуқига эга.

Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивидентлар ва фоизлар солиқ солишдан озод этилган.

Резидентлар бўлмиш банклар ва бошқа молия кредит ташкилотларига тўланадиган фоизлардан тўлов манбаида солиққа тортилмайди балки банклар ва молия ташкилотларида солиққа тортилади. Ушбу солиқдан қуйидагилар тўлиқ озод этилади:

1. Протез ортопедия маҳсулотлари, инвентарлар ҳамда ногиронлар учун хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар;

2. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси, "Ўзбекистон Чернобилчилар" Ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилар умумий сонининг камида 50% ногиронлар ташкил этса;

3. Даволаш муассасалари қошидаги даволаш ишлаб чиқариш устахоналари;

4. Жазони ижро этувчи муассасалар;

5. Нотижорат юридик шахслар.

## 5.3. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)

ҚҚС товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, сотиш ва Ўзбекистон худудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишни билдиради. Аммо бу умумий ҳолдир. Амалиётда бизда шундай ҳоллар бўладики ҚҚС қўшилган қийматни эмас балки бутун қийматдан, обороотдан олинади. Масалан ҚҚС, ни тўламайдиган бўлсалар: қишлок хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғи тўлашга ўтган, чакана савдо ташкилотлари, ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар. Бундай ҳолларда ҚҚС оборот солигининг ўзи бўлиб қолади. У Республика солиғи бўлиб республика бюджетига тушади. ҚҚСда юридик шахслар бир вақтнинг ўзида солиқ йиғувчи - ўзлари товар сотганда, солиқни маҳсулот етказувчига тўловчи - товарлар сотиб олганда ва ниҳоят бюджетга солиқ тўловчи бўлади.

Моҳияти жиҳатидан ҚҚС эгри солиқ бўлганлиги учун корхонанинг молиявий якунига нисбатан бетараф бўлади. Бу умумий қоида. Аммо солиққа тортиш амалиётида шундай ҳоллар учрайдики, ҚҚС тўғридан тўғри корхонанинг маҳсулот қийматига таъсир қилади. Масалан, корхона ишлаб чиқарган товарлари бўйича солиқ тўлашдан озод этилган бўлса маҳсулот етказувчига тўлаган ҚҚС суммаси тўлиқ шу сотиб олинган маҳсулот қийматига ёки хизмат харажатларига киритилади. Европа амалиётида ҚҚС ҳисоблашнинг 3 услуби мавжуддир:

1. Чегириш усули. Бу усулда сотилган товарлар қийматидан сотиб олинган товарлар ёки хизматлар қийматини чегириб ташлаб солиқ объекти аниқланади шу объектга солиқ ставкасини қўллаб солиқ суммаси топилади.

Мисол, сотилган товарлар қиймати 500 минг сум;

Сотиб олинган товарлар қиймати 200 минг сум;

Қўшилган қиймат 300 минг сум;

20%ли ҚҚС бюджетга ўтказилади 60 минг сум

2. Ҳисобга олиш усули (ёки счет-фактура усули)

Корхоналар бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқни сотилган товарлар бўйича олинган солиқ суммасидан счет-фактура бўйича маҳсулот етказувчига тўланган ҚҚС суммасини фарқи суммасида аниқлайдилар.

Масалан,

Сотилган товарлар қиймати 500 минг сум;

Сотилган товарлардан ҳисобланган

ҚҚС суммаси 20% ставкада 100 минг сум;

Сотиб олинган товарлар қиймати 200 минг сум;

Сотиб олинган товарлар бўйича

20%ли ставкада тўланган ҚҚС суммаси 40 минг сум;

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС

суммаси 60 минг сум.

Европа мамлакатлари ва баъзи мамлакатлар шу усулни қўллайдилар. Бизнинг республикамизда ҳам ўзига хос қилиб шу усулда ҚҚС ҳисобланади. Хусусияти шундаки, бизда ҳар доим ҳам махсулот етказувчига тўланган счет-фактура бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайди, фақат солиқ тортиладиган оборотга тегишлиси ҳисобга олинади.

3. Қўшиш усули. Бу усулда бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун қўшилган қиймат таркибига кирувчи харажатларни қўшиб чиқиб ундан солиқ ҳисобланади. Масалан,

Иш хаки 200 минг сум;

Ижара ҳақи 50 минг сўм;

Амортизация 10 минг сўм;

Фоизлар 15 минг сўм;

Фойда 25 минг сўм;

Жами 300 минг сўм;

ҚҚС суммаси

20%ли ставкада 60 минг сўмни ташкил этади.

ҚҚС тўловчилари бўлиб (СК 66м) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар, товарлар импорти бўйича юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Солиқ тўловчи деб, ўз маҳсулотига ҚҚСолиқ ҳисобловчилар ҳисобланади. Бошқа корхоналарга тўланган солиқ бўйича солиқ тўловчи ҳисобланмайди.

Бу қоидадан ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи савдо ташкилотлари, ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар истиснодир.

ҚҚС объекти бўлиб товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ва импорт товарлар обороти ҳисобланади.

Солиққа тортиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) суммаси ҚҚС ни қушмасдан товарларга қулланиладиган бахоси ва тариф қиймати билан аниқланади. Аммо акцизости товарлари бўйича солиққа тортиладиган оборотни аниқлашда акциз суммаси ҳам қўшилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) қўлдан қўлга бепул берилганда солиққа тортиладиган оборот суммаси корхонада карор топган баҳо ва тариф (ҚҚС сиз) даражасида аниқланади, бироқ товарларнинг ишлаб чиқариш (сотиб олиш) харажатидан кам бўлмаган миқдорда асосий воситалар бўйича ҳақиқий сотиш баҳоси билан уларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ миқдорида аниқланади. Товарлар (ишлар, хизматлар) текинга берилаётганда ҚҚС тўловчиси бўлиб уларни бериб юбораётган корхоналар ҳисобланади. Асосий воситалар корхоналар тизимининг ичида текинга берилса солиққа тортиладиган оборотга қўшилмайди, яъни юқори ташкилотнинг буйруғи билан тақсимланса.

Махсулот (иш, хизматларни) ҳақиқий таннарх баҳосидан паст сотувчи корхоналардан солиққа тортиш мақсадида маҳсулот сотилаётганда қарор топган баҳо қабул қилинади, лекин шу товарларнинг ишлаб чиқариш ҳақиқий харажатидан кам бўлмаслиги шартдир.

Ўз кучи билан ўз мақсади учун бажарилган қурилиш монтаж ишлари солиққа тортилмайди.

2000 йилдан ҚҚС дан солиқ ставкаси солиқ кодексида кўрсатилган 20%дир.

2000 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида бюджет ташкилотларнинг буюртмаси ва маблағи ҳисобига келтириладиган асбоб ускуналар товарлар (ишлар, хизматлар) ҚҚС дан озод этилган.

Белгиланган солиқ ставкасига қараб ҚҚС суммаси икки усулда аниқланади:

1. Ист.ҚҚС *СО *Н:100 бу ерда Ист.ҚҚС - истеъмолчилардан ундириладиган қўшилган қиймат солиғи, СО — солиққа тортиладиган оборот, Н — солиқ ставкаси. Бу тартиб деярли ҳамма маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) оборотига қўлланилади.

2. Ўз ичига ҚҚС суммаси қўшилган баҳо ва тарифларда сотилган тарифлар (ишлар, хизматлар) сотилганда солиқ қуйидаги шаклда аниқланади: Ист.ҚҚС *ТКҚҚС *Н:(Н +100). Бу холат асосан асосий воситаларни ва номоддий активларни сотганда қўлланилади. ТКҚҚС - ҚҚСни ўз ичига олувчи товарлар қиймати. ҚҚСдан озод бўлган корхоналар ёки товарлар бўйича ҚҚСдан озод бўлган юридик шахслар эркин шартномавий баҳо ва тарифларга ҚҚС суммасини қўшмайдилар.

Иккинчи гурух ставка ноллик ставкадир. Ноллик ставкада қуйидагилар солиққа тортилади:

1. Мустақил хамдўстлик давлатларини ўз ичига олиб экспортга эркин алмаштириладиган валюталарда товарлар (ишлар, хизматлар) сотилса агар хукуматлараро тузилган шартномаларда бошқача шартлар белгиланмаган бўлса;

2. Қишлок хўжалик корхоналарига ишлаб чиқариш мақсадларига минерал ўғитлар ва ёғ мойлаш материаллари ортилса;

3. Чет эл дипломатик ва унга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланишга товарлар (ишлар, хизматлар) сотилганда шу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий техник ходимларнинг шахсий истеъмоли учун, улар билан бирга яшовчи оила аъзоларининг хам қўшиб улар Ўзбекистонда доимо яшамаса чет эл мамлакати ҳам шундай принцип қўлласа ноллик ставка қўлланилади.

ҚҚСдан имтиёзлар:

1. Протез ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар махсулоти, ногиронлар учун инвентарлар ва уларга ортопедия протез хизматлари кўрсатиш, даволаш муассасалари қошидаги даволаш ишлаб чиқариш устахоналарининг махсулотлари;

2. Қўриклаш бўйича давлат ваколатчиси томонидан сотиладиган нодир металлар обороти;

3. Нашриёт, газета ва журналларнинг матбаа корхоналарининг асосий фаолияти маҳсулотлари ва хизматлари;

4. Республикада ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари, якка тартибдаги курувчиларга сотилганда;

5. Хусусийлаштирилган мулклар қиймати, табиий офатлар, қуролли тўқнашувлар, бахтсиз ҳодисалар рўй берганда ёрдам кўрсатиш тариқасида олиб келинган мулклар, гуманитар ёрдам кўрсатишга мўлжаллаб келтирилган товарлар.

## 5.4. Юридик шахсларнинг ер солиғи

1. Ер солиғини тўловчилар ва солиққа тортиш объекти.

Ер солиғининг жорий этилиши ерлардан самарали фойдаланишни назорат қилиш ва энг муҳими бюджетга молиявий ресурслар туширишдир.

Ер солиғини тўловчилар бўлиб ўзининг мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар , савдо ташкилотлари ер солиғи тўловчилар бўлмайдилар. қатъий ставкада солиқ тўловчи юридик шахслар ҳам бу солиқни тўламайди.

Юридик шахслар Ўз. Республика Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий ҳокимият идораларининг қарори билан ижарага олинган ерлар учун ер солиғи урнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи томонларнинг келишуви асосида ер солиғининг бир ставкасидан кам бўлмаган, уч ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ерни ижарга олганлар ҳисоби, ижара тўлови ҳисобини тақдим қилиш, ижара тўловини ҳисоблаш ва тўлаш ер солиғи бўйича белгиланган тартиб билан амалга оширилади.

Юридик шахсларга ажратиб берилган ерлар учун ер солиғи ердан фойдаланиш ва фойдаланилмаган қатъий назар солиқ тўлайдилар.

Юридик шахслар учун ер солиғи объекти бўлиб қуйидаги ер участкалари ҳисобланади.

1. Қонунда белгиланган тартиб бўйича ўз мулки қилиб олинган ер участкалари;
2. Ўрмон хўжалиги учун эгалик қилишга берилган ерлар;
3. Корхона қуришга иморатлар, иншоатлар қуришга ёки бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлар учун фойдаланишгага берилган ерлар;
4. Эгалик қишлоқ ва фойдаланиш хуқуқи корхонага, иморат ва иншоотларга мулкчилик хуқуқи ўтиши Билан олинган ерлар;

Юридик шахслар учун фойдаланилмаган ер участкалари учун ер солиғи ставкаси 2 коэффицентини қўллаб ундирилади.

## 2. Ер солиғи ставкалари ва юридик шахсларга ер солиғида имтиёзлар.

Ер солиғи ставкалари Ўз. Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, солиқ қўмитаси ва молия вазирлиги томонидан солиқ тўловчиларига етказилади. 2003 йилдан бошлаб ер солиғи ҳисоблаш механизми Сақланиб қолинди солиқ ставкаси эса 1,2 марта оширилди.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ёмонлашса (бонитет пасайса), ер участкасининг эгасининг айби Билан ер солиғи ернинг сифати пасайганидан аввалги ер солиғи ставкасида солиқ солинади.Шаҳар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегарасида жойлашган қишлоқ хўжалик ерлари учун белгиланган солиқ ставкасининг икки карра миқдорида тўлайдилар.

Давлат органлари томонидан белгиланган майдондан ортиқ ер эгалари юридик шахслар имтиёзли ерларни кўпиб иккига кўпайтирилган коэффицент Билан солиқ тўлайди. Ортиқча фойдаланилган ер учун солиқ тўланмаса солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ кодексида белгиланган молиявий жазо қўлланилади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар 2003-2005 йилларда ер солиғни шаҳар ва қўрғонларнинг ўрта зонаси учун белгиланган ставкаларда тўлайдилар («Халқ сўзи» газетаси 14.11. 2002 йил. Ўз. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 13 ноябр 390-сон қарори.

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан учун солиғи ер участкаларининг жойлашган жойига қараб Қишлоқ хўжалик ерлари учун белгиланган ставкага ўсиб борувчи коэффициентлар қуйидагича қабул қилинади;

-Радиуси 20 км.даги Тошкент шаҳар атрофида - 1,3 ;

-Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлари маркази атрофидаги радиуси 15 км. Гача бўлса — 1,2 ва

-туман марказлари атрофида радиуси 10 км.гача бўлса — 1,15 ва бошқа шаҳарлар атрофида радиуси 5 км. гача бўлса — 1,1 коэффициент қўлланилади.

Ер участкаларининг узоқлиги шаҳар ва туман марказларининг автомабил йўллари ўтган маъмурий чегараларигача белгиланади. Ер майдони икки шаҳар ўртасида жойлашган бўлса юқори функционал белгиланишга эга бўлган шаҳарнинг энг катта коэффициенти ҳисобланади.

Шаҳар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегарасида жойлашган рудник ва карьерлар бино қилган ер майдонлари учун ер со-

лиғи шаҳар ва шаҳар қўрғонлари юридик шахслар белгиланган ставкаларга 0,1 коэффициент қўлланиб ундирилади.

Ер солиғи имтиёзлари икки хил бўлади.

1. Ер участкалари озод этилади.
2. Юридик шахслари озод этилади.

1. Шаҳар ва шаҳар қўрғонлари Қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар ўтиш жойлари, ариқ ёқалари арик , мозорлар ва бошқалар)
2. Коллектив боғдорчилик, узумчилик, экинчилик, коллектив гаражлар учун умумий фойдаланишга берилган ерлар (кириш йўллари, суғориш шохобчалари ва бошқалар)
3. Табиатни муҳофазалашга мўлжалланган ерлар (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендропарклар, ботаника боғлари)
4. Тарихий маданий аҳамиятга эга бўлган ерлар (меъморил парклар, кўмиш жойлар тарихий ва маданият ёдгорликлари.)
5. Сув фонди ерлари (дарёлар. Кўллар, сув сақлаш омборлар, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари )
6. Электр ўтказувчи лениялар, подстанциялар,ва умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари жойлашган ерлар.
7. Умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари ва уларнинг иншоотлар жойлашган ерлари.
8. Темир йўл умумий тармоқлари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Саноат ва бошқа корхоналарнинг темир йўл излари киритилган жойлар учун ер солиғи умумий тартиб бўйича тўланади.
9. Шаҳар умумий фойдаланишдаги электр транспорти ва метрополитен линиялари ва уларнинг иншоотлари жойлашган ерлари.
10. Спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдонлари, бассейнлар. оналар ва болаларнинг дам олиш жойлари, санатория – курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув ва машғулот базалари.
11. Магистрал газ йўналтириш, магистрал канализацион коллекторлар ва уларнинг иншоотлари, сув йиғув ва сув тозалов иншоотлари ва бошқалар эгаллаган ерлар.
12. Магистрал газ йўналтириш ва нефть йўналтириш ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.
13. Самолётларнинг учиш-тушиш полосалари, бошқариш йўллари ва туриш жойлари, радионавигацион ва электр ёруғ бериш асбоб ускуналари жойлашган фуқаро авиацияси аэропорти эгалари ерлар.
14. Ишлаб чиқариш объектлари қуриш учун ажратилган ва ҳукумат юқори Билан мудлатилган иншоотлар эгалланган ерлар, ҳукумат-

нинг инвестпрограммасига биноан амалга оширилаётган қурилишлар жойлашган жойлар.

15. Гидрометрология ва гидрогеология станциялари ва пастлар эгаллаган ерлар.

16. Тўғридан тўғри илмий ёки ўқув мақсадларига ажратилган ўрмон хўжалиги илмий ташкилотлари, тажриба, экспериментал ва ўқув тажрибавий ва қишлоқ-ўрмон хўжалиги ўқув юртлари фойдаланишидаги ерлар.

17. Янги ишга тушириладиган ва мелеоратив холатини яхшилаш муддатига илгари суғориладиган ерлар лойиҳада кўрсатилган муддати, лекин иш бошлангандан сўнг 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга фойдаланилмаган ерлар.

18. Захира ерлари

19. Рекцион белгиланишига эга бўлган ерлар (аҳолининг фаол дам олиши ва туризм учун; ўрмон парклари, парклар бульварлар, хиёбонлар ва б.)

20. Соғломлаштирилган қаратилган ерлар (кишиларни соғломлаштириш ва даволашни мўлжаллаштирилган ерлар)

21. Инновацион қурилиш ва шахсий томорқа хўжалиги учун белгиланган меъёда ажратиб берилган ерлар икки йил муддатга озод этилган ерлар.

22. Ўрмон хўжалиги ташкилотларининг химоя ўсимликларини, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари, ҳамда спорт иншоотлари ерлари.

23. Янги ўтказилган боғлар ва узумзорлари бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналар ерлари ҳосил бериш даврига киргунга қадар озод этилади.

24. Янги тутзорлар 3 йил солиқдан озод этилади. Ерлар тўғри белгиланишига қараб фодаланилмаса юқорида белгиланган имтиёзлар берилмйди.

25. Фуқаро Мудофааси учун ажратилган солиқ тўловчиларнинг балансида бўлган ерлар.

Ер солиғидан озод этилувчи юридик шахслар.

1. Нотижорат ташкилотлари, тижорат мақсадида фойдаланган ерлардан ташқари.

2. Маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот муассасалари, уларга юклатилган вазифаларини бажариш учун ажратилган ерлар. Тадбиркорлик қилиб даромад топишни кўзламаса озод этилади.

3. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи қўшма кохоналар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

4. Ишловчиларнинг умумий сони 50 % дан кам бўлмаган қисмини ногиронлар жамияти аъзолари, «Нуроний» фонди ва Ўзбекистон чернобльчилари ассоциацияси мулкидаги корхоналарнинг ходимлари ташкил этса.

5. Деҳқон хўжаликлари икки йилгача рўйхатдан ўтгандан бошлаб озод этилади, деҳқон хўжаликлари ва қўшма корхоналар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб уч йил ичида бекитиб юборилса ҳисоланган солиқ тўлиқ ундирилади.

6. Марказий банк, Халқ банки ва уларнинг муассасалари;

Юридик шахсларга томонидан ер солиғини ҳисоблаш тартиби.

Ер солиғи тўловчилари томонидан мустақил равишда ҳар йили 1 январ ҳолатига ҳисоблаб чиқилади ва ер солиғи ҳисоби ер участкаси жойлашган солиқ инспекциясига жорий йилнинг биринчи февралига қадар топширилади.Ноқишлоқ хўжалигига алоҳида ва қишлоқ хўжалик ерлари учун алиҳида солиғи ҳисоби топширилади.

Ноқишлоқ хўжалик белгиланишига эга бўлган ерлар учун ер солиғи ҳисоби қуйидагича тузилади: Масалан: Чилонзор Давлат солиқ инспекцияга "А" хусусий корхона индектификацион номери жавобгар шахснинг

Тўловчининг манзили

Банкнинг № ҳисоби Рақами

2003 йил 1 январ ҳолатига ноқишлоқ хўжалик ерлари учун ер солиғи ҳисоби.

| Кўрсаткичлар | Ер участкасининг жойлашган жойи | Ўлчов бирлиги | Ҳажми |
|---|---|---|---|
| Шаҳар ҳокимининг қарори. Ҳужжатга асосан берилган участкаси. Ҳақиқий фойдаланишдаги ер участкаси аниқланган Соликқа тортиладиган майдон | 6 зона Тошкент шаҳри | Га<br>Га<br>Га | 0,5<br>0,5<br>0,5 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 га ер солиғи ставкаси<br>Солиқнинг умумий суммаси<br>Тўлов муддатлари 1 чорак<br>учун - 15- февралгача 2 чорак<br>учун - 15- майгача 3 чорак<br>учун - 15- августгача 4 чорак<br>учун - 15- ноябргача | | | 3708667<br>1859334<br><br>464834<br>464834<br>464833<br>464833 |

Агар ер сотилса, олиб қўйилса (камайса) солиқни ундириш ер олиб қўйилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади). Масалан, корхонадан ер участкасининг бир қисми тегишли давлат хокимияти идоралари томонидан 25 августдан бошлаб олиб қўйилди, унда корхона шу ер учун солиқ 1 августидан тўлайди.

Ер солиғидан имтиёз белгилангандан улар шу хуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқ тўламайдилар. Ер солиғидан имтиёз тўхтатилган холларда шу имтиёз тўхтатилган ойдан сўнг бошлаб ер солиғи тўланади.

Ер майдони бир қанча юридик шахсларнинг мулкида бўлган қурилишига тегишли бўлса, хар бир мулкдор умумий майдонидаги хиссасига қараб ер солиғи тўлайди.

Кўп қаватли турар жойларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар турар жойнинг умумий майдонини эгаллаган қисми учун ер солиғи тўлайдилар ёки юридик шахс фойдаланаётган ишлаб чиқариш иморатнинг фойдаланиши хисобига қараб солиқ тўлайдилар.

Солиққа тортиш мақсадида ўрмон ва овчилик корхоналари хамда машина – трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарига тенглаштирилади.

Солиқдан олган имтиёзларни маълум мақсадларга фойдаланувчи юридик шахслар хам ер солиғининг хисобини солиқ тўловчилар белгиланган муддатда ва шаклда топширадилар.

Ер солиғини хисоблаш хақиқий эгалланган ер майдонига қараб амалга оширилади. Умумий майдонига ер участкалари маълумотлари шахар ва туман ижроя хокимиятлари томонидан эгалик ёки фойдаланиш хуқуқи борлиги давлат хужжати билан тасдиланиши керак. Ердан фойдаланишига давлат хужжатлари берилгунга қадар ваколатли хокимият идораларининг қарорлари ер баланси маълумоти, қурилишининг бош режаси ёки бошқа хужжатлар (текширув далолатномаси, ер инвентаризацияси) ер тузилиши хизмати ёки архитектура идоралар хизмати билан келишилган бўлса хизмат қилади.

Йил мобайнида ердан фойдаланишда ўзгаришлар содир бўлса (кўпайиши, камайиши) юридик солиқ инспекциясига бир ой кечиктирмасдан ўзгарган солиқ хисобини такдим этишлари шарт.

Ер участкаси йил ичида ажратилиб берилса, ер участкаси ажратилган сўнгги ойдан бошлаб ер солиғи тўлайди. Масалан, корхонага ер тегишли идораларининг қарори асосида 15 августдан берилди янги солиқни корхона 1 сентябрдан бошлаб тўлайди.

### 4. Юридик шахсларга томонидан ер солиғини тўлаш ва уни ҳисобга олиш тартиби.

Юридик шахслар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) ер солигини ҳар чоракда иккинчи ойнинг 15 санасига қадар тўлаб борадилар. (15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябр).

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги солиқ тўлаш муддатидан сўнг олсалар, унга ер солиғини тўлаш муддати бўлиб келгуси чоракнинг солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Бошқа солиқ ва йиғимлардан қарзи бўлмаган холда юридик шахслар солиқ кўп тўлаб юборган бўлсалар. Бу сумма солиқ тўловчиларга уларнинг аризаларига биноан ўттиз кун ичида қайтарилади ёки келгуси тўловларга ўтказилади.

Солиқ ер майдони қайси туманда жойлашган бўлса шу туман маҳаллий бюджетига ўтқазилади.

Солиқ ҳисоби ҳисобланганда 68 счётнинг кредити ва 26 счётнинг «Давр харажати» дебитида олиб борилади.

Солиқ бюджетга ўтказилганда 68 счёт дебитланади субсчёт «Ер солиғи» 51 Ҳисобот счёт кредитланади.

Ер солиги тўловчилари солиқ идоралари га ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Ер солиғини тўловчилар қандай юридик шахслар киради?
2. Ер солиғи объекти қандай ерлар киради?
3. Ер солиғи ставкалари Ким томонидан белгиланади ва ер солиғидан юридик шахслар қандай имтиёзларга эга?
4. Ер солиғидан юридик шахслар қандай ҳисоблайдилар?
5. Ер солиғидан юридик шахслар қандай қандай муддатларда тўлайдилар?

## 5.5. Экология солиғи

Экология солиғи тўловчилари бўлиб товарлар ишлаб чиқарувчи, хизматлар кўрсатувчи ишлар бажарувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик товарлар ишлаб чиқарувчилари ягона солиғини тўловчи кичик бизнес ва савдо, умумий овқатлашиш ҳамда грампластинкалар (видеокассеталар, лазер дисклари) ишлаб чиқарувчи корхоналар бу солиқни тўлайдилар. Қатъий ставкада солиқ тўлаш белгиланган фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар тўламайдилар.

Экология солиғи бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб маҳсулот (ишлари, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи (муомила харажатлари, давр харажатлари) ҳисобланади. Банклар васуғурта идоралари эса жами харажатлар солиққа тортиш мақсадида ишлаб чиқариш таннархи деб аталади.

Муомала харажатлари солиққа тортиш объекти бўлиб воситачилик, таъминловчи, тайёрлов ташкилотларида ишлатилади.

Солиққа тортиш мақсадида муомала харажатларига қуйидагилар киради.

А) Сотиш харажатлари (мулк солиғи, Республика йўл фондига ажратма ва 0,7 фоиз пенсия фондига ажратмалардан ташқари.

Б) маъмурий бошқарув харажатлари.

В) бошқа операцион харажатлар киради.

Бу харажатлар 26-счёт «Давр харажатлари»да олиб борилади.

Солиққа тортиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) нинг тўлиқ таннархи тушунчасига хўжалик ички оборотидан ташқари ишлаб чиқариш сарфиётлари ҳисобини олиб берувчи счётлар («Асосий ишлаб чиқариш »23 счётининг четга хизмат кўрсатиш қисми) да ҳисобга олинувчи ялпи сарфиётлар суммаси олинади.

Банклар ва суғурта ташкилотларининг ялпи харажатлари бўйича ҳисоблайдилар.

(Асос: Ўз. Республикаси Марказий банки тасдиқлаган «Тижорат банклари счёт режасидаги сметанинг 5-бўлими», «Фоиз харажатлари» 1996 йил, 13 ноябр, 290 сонли хати).

Экология солиғини ишлаб чиқариш таннархи ва муомала харажатлари ҳамда давр харажатларига нисбатан 1 фоизда белгиланади. Бу ерда объекдан бюджетга солиқ тўловлари давлат мақсадли фондларига ажратмалар суммаси чегириб ташланади.

Солиқдан қуйидагилар озод этилади.

1. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари «Нуроний жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилари ассоциацияси мулкида бўлган ишловчиларнинг умумий сонининг 50 фоизини ногиронлар ташкил этилган юридик шахслар. Савдо, воситачилик, таъминот сотиш ва тайёрлов билан шуғулланувчи юридик шахсларга имтиёз тегишли эмас.

2. Мактабгача таълим нодавлат муассасалари рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни – техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб ускуна, жиҳозлар дидактик материал, болалар ва адабиёт олишга сарфласа;

3. Гастроль-концерт тўловлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар.

2. Экология солиғи ҳисоблаш, солиқ ҳисобини тақдим этиш ва тўлаш тартиби.

Солиқ тўловчилари экология солиқ объекти ва ставкасидан келиб чиқиб мустақил ҳисоблаб чиқадилар.

Экология солиғи бўйича солиқ ҳисоби йил чораклари ва йилга ўсиб борувчи якун билан тузилади ва шу даврлардаги молиявий ҳисоботлар тақдим этилган пайтдан кечиктирмай солиқ идораларига топширилади.

Мисол учун 2003 йил «А» корхонанинг 2-чорак учун экология солиғи ҳисобини кўрсатамиз.

| № | Кўрсаткич | Ўлчов бирлиги | Сумма |
|---|---|---|---|
| 1 | Маҳсулот (иш, хизмат)нинг ҳисобот давридаги хақиқиё ишлаб чиқариш (муомила харажатлари ва давр харажатлари) | м.сўм | 500 |
| 2 | Солиқ ставкаси. | % | 1 |
| 3 | Солик суммаси. | м.сўм | 5 |
| 4 | Ўтган даврдаги (1чор) ҳисобланган солиқ суммаси | м. сўм | 2 |
| 5 | Ҳисобот давридаги бюджетга тўлаш лозим бўлган солиқ суммаси | м. сўм | 3 |

Ҳисобланган солиқ суммаси солиқ ҳисоби тақдим этилган кундан кечиктирмай ҳар чоракда тўланади.

Корхоналар ҳар хил турдаги фаолиятлар, яъни ишлаб чиқариш, савдо ва умумий овқатланиш, таъминлов, воситачилик, тайёрлов билан шуғулланишлар, ҳамма турдаги фаолият тўлайдилар.

Улар фаолият турлари бўйича алохида харажатлар ҳисобини олиб боришлари шарт. Корхона бўйича умумий харажатлар фаолият турларига қараб пропорционал равишда тақсимланади.

Экология солиғи давр харажатларида ҳисобот ойда олиб ҳисобга олиб борилади.

Солиқ тортиш объекти моумала ҳаражатлари бўлган корхоналарда ҳисобот даврда солиқ суммасини ҳисобот давридан кейинги ойнинг давр ҳаражатларига киритадилар ва солиққа тортиладиган база киритилмайди.

Ҳисобланган солиқ суммаси 68 счётнинг кредитида «экология солиги ҳисоби» ва 26 счёт «давр харажати» дебети счётида олиб борилади. Бюджетга солиқ ўтказилганда 68 счёт дебетланади ва 51- «Ҳисоб счёт» кредитланади.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Экология солиғини кимлар тўлайди ва солиқ объекти нима?
2. Экология солиғидан қандай имтиёзлар бор?
3. Экология солиғини ҳисоблашни ким ва қандай амалга оширади?
4. Экология солиғини тўлаш муддатлари қандай?

## 5.7. Кичик корхоналарнинг ихчамлаштирилган солиғи

1. Кичик корхоналар учун ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтишнинг аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси олдида турган қатор иқтисодий ижтимоий масалаларни ечишда, шу жумладан бозорларни товарлар ва хизматлар Билан таъминлашда, аҳолини иш Билан бандлигини ташкил этишда бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиш кичик бизнеснинг аҳамияти беқиёсдир. Ҳозирга келиб кичик корхоналар ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини бермоқдалар.

Ўзбеaнстон кичик бизнесни ривожлантиришда давлатнинг давлатнинг катта кафолатлари ва ёрдами туфайли иқтисодиётда катта имкониятларни нига солиш мумкин. Уларга давлат ёрдамини бериш, кафолатлардан ташқари ихчамланган солиқ тизимига ўтишга рухсат беришлик уларни ташкил қилиш ва молия хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ихчамланган солиқ тизимининг аҳамияти каттадир. Булар биринчидан, бозорни тезда товарлар ва хизматлар билан бойитиш имконини беради.

Иккинчидан, ишсизликни камайтириш, янги иш ўринлари очишга ёрдам беради.

Учинчидан, улар фаолиятини ташкил қилишни ихчамлаштиради.

Тўртинчидан, солиқ ҳисоблари ва ҳисоботлари сонини камайтиради, солиқ ҳисоблаш ходимлари ишини осонлаштиради, чунки илгари кўп солиқ ҳисоблари ва далолатномалари ўрнига ягона солиқ (акциз ости товарлари бўлса акциз) солиқ тўлайди. Кўп марталик бўнак тўловлари умуман бўлмайди. Демак боқиманда ҳам бўлмаслиги лозим.

Агар кичик корхоналар акциз ости товарлари ишлаб чиқарсалар, унда акциз солиғини ҳам тўлайдилар. Солиқ ҳисоби оддий бўлиб, атига 6 кўрсаткичдан иборат. Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлашга ўтишлик ихтиёридир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар учун ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтишни қўллаш» тўғрисидаги қароридан келиб чиқилади.(1998 йил 15 апрель 159-сон)

Ихчамлаштирилган солиқ тўлашга тартиби сақланиб қолган;

-Акциз солиғи;

-Божхона тўловлари;

-Давлат божи;

-Бюджетдан ташқари фондларига тўловлар: пенсия фонди, бандлик, йўл фондлари ва бош.

-Биржа битимлари йиғими;

-Махсус товарларни сотиш ҳуқуқини олиш лицензия йиғими;

-Савдо қилиш ҳуқуқини олиш йиғими;

Кичик бизнес корхоналари қаторига ўтишнинг ягона мезони бор. У ҳам бўлса улардаги ишловчилар сонидир. 2002 йилдан бошлаб, филиал ва бўлинмаларда ишловчилар ҳам ишловчилар сонига қўшиладиган бўлди.

Кичик бизнес мақомини олишнинг қуйидаги меъёлари белгиланган:

Микрофирмаларда:

-Ишлаб чиқариш соҳалари учун -10 кишигача;

-Харид қилиш, таъминлаш сотиш корхоналари, хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳалари учун -5 кишигача;

Кичик корхоналарда:

-Саноатда -40 кишигача;

-қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида -20 кишигача;

-фан, илмий хизмат қилиш, чакана савдо ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида — 10 кишигача ишловчиси бўлиши шарт.

2. Ягона солиқ тўловчилари, солиққа тортиш объекти ва ставкалари.

Ягона солиқ тўловчилари бўлиб, корхонада ишловчилар сони чекланган меъёридан ошмаган юридик шахслар ҳисобланади. Бунга ҳамма соҳаларда фаолият кўрсатувчи ҳар хил мулк шаклидаги корхоналар киради. Демак, кичик корхона меъёри фақат ишловчилар сонигагина қаралиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва даромат олиш даражаси эътиборга олинмаган. Шу ердан кўриниб турибдики, давлат кўп маҳсулот ва ишлаб чиқарувчи ишлар, хизматлар бажарувчи кичик корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантиришни мўлжаллайди. Фаолият тури хилма-хил бўлса ҳам ягона солиқ тўлайдилар.

Ягона солиқ тўловчи корхоналар сотиб олган товарлар ва хом ашёлар таркибида тўланган ҚҚС суммасини шу товарлар ва хом ашёлар таркибига киритади (консигнацион товарлар бўйича давр харажатига олиб боради). Маҳсулот етказувчиларга иш ва хизмат билан бирга тўланган ҚҚС суммаси шу ишлар, хизматлар қийматига киритилади.

Ягона солиқ тўловчилар, бордию асосий воситалар ва номоддий активларини ижарага берсалар, унда шу активлар қийматидан мол-мулк солиғини умумий тартибда тўлайдилар.

Корхонада ишловчилар сони шартнома бўйича ишловчилар фуқаро-ҳуқуқий шартнома бўйича ишловчилар, ҳамда юридик шахс мақомини олмаган филал ва ваколатхоналарида ишловчилар сони ҳам қўшилади.

Рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтишни қарор қилган янги корхоналар рўйхатдан ўтган жойдан солиқ инспекциясига ёзма ариза берадилар. Бу ерда ихчамлаштирилган солиққа ўтишга рухсат олиш керак бўлмайди.

Корхонада ишловчилар сонидан 50 фоизини 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ниваллидлар бирлашмаси «Нуроний» ва Ўзбекистон Чернобилчилар ассациацияси мулкида бўлган ногиронлар ташкил этса ягона солиқ тўлашдан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сони қарорига асосан микрофирмалар ва кичик корхоналар тушуми:

-истъемол товарлар ишлаб чиқаришдан олинса солиқ ставкаси йигирма беш фоиз камайтирилади.

- истемол товарлар ишлаб чиқариш физик ҳажми ўсиш ҳисобига олинса ягона солиқдан озод этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширганлари тақдирда, солиқнинг қатъий белгиланган суммасини олдиндан тўлаб борадилар.

Ягона солиқ объекти икки турдан иборат:

1. Харид қилувчи, воситачилик улгуржи таъминлов, таъминлов учун ялпи даромад.

2. Иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун—ялпи тушум ҳисобланади.

Ялпи тушум таркибига қуйидагилар киради.

1. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган тушум суммаси;

2. Бошқа сотишлардан даромадлар;

3. Молиявий фаолиятдан даромадлар. Бу ерда баланснинг валюта моддалари даромадига ижобий ва салбий курс фарқи қолдиғи киради. Солиқ ҳисобланаётган бордию салбий курс фарқ чиқса ошган суммаси солиққа тортиладиган базани камайтирмайди.

4. Солиқ Кодексида белгиланган бошқа даромадлар.

Ялпи даромадлар фаолияти таркибига қуйидагилар киради;

1. Товарларни сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги фарқ.

2. Молиявий фаолиятдан даромадлар. Бу ерда баланснинг валюта моддалари даромадига ижобий ва салбий курс фарқи қолдиғи киради. Солиқ ҳисобланаётганда бордию салбий курс фарқ чиқса ошган суммаси солиққа тортиладиган базани камайтирмайди.

3 Бошқа сотишлардан даромадлар

4. Солиқ Кодексида белгиланган бошқа даромадлар

Ягона солиқ объектига қуйидагилар киритилмайди.

- Давлат облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларидан даромадлар;

- Солиқни манбаида тўлганлиги тўғрисида ҳужжати бўлса дивидендлар ва фоиз даромадлар.

Ягона солиқ тўлаш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2003 йил учун мирофирмалар ва кичик корхоналарга қуйидаги ягона солиқ ставкалари белгиланган:

| Кўрсаткичлар | Товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмига нисбатан фоизларда 30(ялпи даромад) |
|---|---|
| 1. Харид, таъминот-сотув корхоналари, брокерлик фирмалари - ялпи даромад | 30 |
| 2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи, нотариуслар-ялпи тушумидан. | 50 |
| 3. Гастрол-концерт билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи корхоналар. | 35 |
| 4. Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари. | 6 |
| 5. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги корхоналар. | 12 |
| 6. Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин ташкил этувчи юридик шахслар. | 20% ялпи тушумдан |

1) Лизинг компаниялари лизинг берувчининг даромадига нисбатан фоизда солиқ тўлайдилар.

Ягона солиқ тўлашга ўтишни истаган корхоналар чорак бошланишидан бир ой олдин рўйхатдан ўтган солиқ идораларига ёзма равишда ариза беришлари керак.

Корхоналарни ягона солиққа ўтказиш тўғрисида ёки асосланган тарзда уни рад этиш тўғрисидаги қарор солиқ идоралари томонидан ариза берилган кундан эътиборан 15 кун ичида амалга оширилади. Янги тузилган корхоналар учун рухсат олиш талаб этилади.

3. Ягона солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.

Кичик корхоналарнинг ягона солиғи юридик шахс томонидан ҳар чоракда қуйидаги оддий шаклда тузилади.

Масалан, 2003 йил I ва II чорак солиқ ҳисоби:

| Кўрсаткичлар | Ялпи тушум | |
|---|---|---|
| | I I чорак | I I чорак |
| Ялпи тушум жами (м.сўм) | 900 | 1400 |
| Ягона солиқ ставкаси (%) | 12 | 12 |

| | | |
|---|---|---|
| Ягона солиқ суммаси (м.сўм) | 108 | 164 |
| Илгариги давр учун ҳисобланган (м.сўм) | - | 108 |
| Қўшимча ҳисобланди. | 108 | 56 |
| Камайтиришга тегишли | - | - |

Микро фирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиғи ҳар чоракда чораклик молиявий ҳисоботлар топшириш учун белгиланган муддатда тўланади. Бўнак тўловлар бўлмайди.

Солиқ тўловчилар ягона солиқни тўғри, тўлиқ ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш жавобгарлигини солиқ қонунчилиги бўйича оладилар.

Ялпи даромадни ёки тушумни камайтириш солиқ объектини яшириш (камайтириш) деб қаралади ва тегишли молиявий жазоларга тортилади.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Ягона солиққа ўтишнинг аҳамияти қандай? Қандай корхоналарни ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин?
2. Қандай корхоналарни ягона солиқ тўловчилари бўла олади? Солиқ тортиш объекти нималардан иборат?
3. Солиқ ставкаларини ким белгилайди, нималарга боғлиқ? Солиқ қайси бюджетга тушади?
4. Ягона солиқни ҳисоблаш учун қандай кўрсаткичлар керак? Солиқ қайси давр учун ҳисобланади?
5. Ягона солиқ қайси муддатда бюджетга ўтказилади.

## 5.7. Акциз солиғи

Акциз солиғи йўриқномада кўрсатилишича (1106 сон 11 март 2002 йилда Адлия Вазирлиги тасдиқлаган) эгри солиқ сифатида соф даромаднинг бир қисмидир ва у баҳо ичида ҳамда ҚҚС базасида ҳисобланади дейилган. Бу тушунча бизнинг фикримизча тўлиқ эмас, чунки у бутун маҳсулотларнинг сотиш обороти суммасидан ҳисобланади ва бюджетга мажбуран ўтказилади. Бу солиқ ҳам республика бюджети даромадлари таркибига киради. Бу эгри солиқдир, лекин унинг ҳақиқий оғирлиги истеъмолчилар устига тушади. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эса акциз солиғини йиғиб бюджетга тўловчилар бўлиб чиқади. Акциз солиғи фақат алоҳида

товар турлари бўйича ҳисобланади холос ва товарлар қийматига ҳисобланадиган ҚҚСдан тубдан фарқ қилади.

Акциз ости товарлари бўйича солиқ ставкаси ва товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб Солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан солиқ тўловчиларга етказиб берилади. Масалан 2003 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455 сон қарори билан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 6 турдаги спирт ичимликларига акциз солиғи ставкаси бир ўлчов бирлигига литрига сўмларда белгиланган, қолган 20 тур маҳсулотларига акциз солиғини ўз ичига олган сотиш нархларида товарлар қийматига нисбатан фоизларда белгиланган.

Четдан келтирилган 96 гуруҳ товарларга солиқ ставкалари божхона қийматига нисбатан фоизларда ёки АҚШ долларида, баъзи товарларга акциз солиғини ўз ичига олган божхона қийматида ҳисобланади.

Акциз ости товарлари учун солиққа тортиш объекти бўлиб шартномавий эркин баҳоларда (ўз ичига акциз солиғи қўшилган) ҚҚСсиз ортилган товарлар қиймати ҳисобланади. Шу жумладан, маҳсулот етказувчининг хом ашёси ҳисобга ишлаб чиқарилган товарлар киради.

Бу ерда солиққа торитиш объекти бўлиб солиқ тўловчида товарни бераётганда ташкил топган ҳисобли баҳодаги қиймат, лекин ушбу акциз ости товарини қиймати ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатидан кам бўлмаслиги керак. Ўсимлик ёғи ва алкогол маҳсулотларини қадоқлаш ва ташқи кўринишини кўрсатиш қийматлари солиқ объектига киритилмайди.

Акциз солиғини ҳисоблаш қуйидаги шакл билан амалга оширилади:

ОхА:100, яъни О-ўз ичига акциз солиғини олган, ҚҚСсиз шартномавий баҳо, А-акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғини ҳисоблаш учун зарур бўлган шартномавий баҳо (акциз қўшилган) қуйидагича амалга оширилади:

О=(Сх100):100-А, бу ерда О-уз ичига акциз солиғини олган ҚҚСсиз шартномавий баҳо, С-корхонанинг ҳисобли баҳоси (меъёрий харажатлари ва фойда меъёри), А-акциз солиғи ставкаси.

Мисол:

Маҳсулот бирлиги сўмда

1. Ҳисобли баҳо 45-50
2. Акциз солиғи ставкаси % 65
3. Акциз солиғини ҳисобга олиб

ҚҚСсиз шартномавий баҳо, сўмда
(45-50х100):(100-65) 130
4. Акциз солиғи суммаси
ОхА:100 ёки (3қат-1қат) 84-50

Буюртмачининг хом ашёси ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан ташқарида ҳисобга олинади. Буюртмачи хом ашёсидан маҳсулот ишлаб чиқилганда акциз солиғи учун акциз солиғига тортиладиган маҳсулот обороти шу товарларни ишлаб чиқариш ишининг қиймати ва берилган буюртмачи хом ашёси қиймати билан аниқланади. Акциз солиғидан имтиёзлар:

а) товарлар экспортга ортилса ва қатъий эркин алмаштириладиган валютада пул тушса;

б) четдан олиб кирилган товарлар гуманитар мақсадларга қаратилган бўлса.

в) "Ўзвинмёсаноат" уюшмаси корхоналари томонидан алкоголлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун "Узмевасабзавотузумсаноат холдинг" ХК ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарига спирт сотилса.

г) вино ишлаб чиқариш учун «Узмевасабзавотузумсаноат» холдинг ХК ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарига винобоп материаллари сотилса.

д) нооэиқовқат истеъмол товарлари (тамаки, заргарлик буюмлари, бензин, кир совунидан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар бўш қолган маблағларини ишлаб чиқаришни ўстириш, ассортиментини кенгайтиришга сарфласа акциз солиғи тўлашдан озод этилади.

## 5.8. Юридик шахслар мол-мулк солиғи

Мол-мулк солиғини тўловчилари бўлиб солиқ солинадиган ўз мулкига эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар, микрофирмалар мол-мулк солиғини тўламайдилар.

Корхона балансида бўлган ўртача йиллик асосий воситалар, номоддий активлар ҳамда муддатида ишга туширилмаган мулкларнинг қолдиқ баланс қиймати солликқа тортиш объекти бўлади.

Корхона мулкларининг ўртача қийматларининг йил боши ва йил охиридаги қийматларининг ярим ва йил ичидаги ҳар бир ойнинг бошига бўлган қийматларини қўшиб 12 га бўлиш билан аниқланади.

Ўрт. Йиллик қолдиқ қиймат= (1янв\2+1фев +1март+.....+1янв\2)\12

Агар корхона мулки ойнинг биринчи ярмида ишга туширилса, ўртача йиллик қолдиқ қиймати белгиланаётганда тўлиқ ой деб қабул қилинади, агар мулк ойнинг иккинчи ярмида ишга туширилса унинг қолдиқ қиймати кейинги ойнинг бошига бўлган мулкларнинг қийматига қўшилиб ўртача йиллик қолдиқ қиймат аниқланади.

Масалан, корхона 2003 йил 20 октябрда ишга туширилди. Корхона 2003 йил учун ўртача мулклари қолдиқ қиймати ҳисоби:

| Баланс моддалар сони Баланс сумма | Катор коди | Баланс сумма | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 01,01 | 01,11 | 01,12 | 01,01 |
| Асосий воситалар 01,03 | 010 | | 845 | 845 | 835 |
| Номоддий активлар 04 | - | - | - | - | - |
| Асосий воситалар эскириши | | | 100 | 100 | 100 |
| Солиққа тортиладиган қиймат | | | 745 | 745 | 735 |

Ўртача қолдиқ қиймат (745:2+745+735:2)\12=122.08

Ҳисобот даври учун мулкнинг ўртача қолдиқ қийматини аниқлаш лозим бўлса (чорак, ярим йиллик, 9 ойлик) ҳисобот давридаги ой боши ва ҳисобот даврининг охиридаги қийматларини 2га бўлиб, ҳар ойнинг бошидаги қийматни қўшиб 12га бўлиш билан аниқланади.

Юридик шахслар мол-мулк солиғи ставкасини ҳар йили янги бюджет тасдиқланаётганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади 2003 йил учун бу ставка 3% қилиб белгиланган.

Юридик шахсларнинг асосий воситалари ва номоддий активлардан яхши фойдаланиш мақсадида ҳар йили уларни қайта баҳолаб бориш ва балансдаги қолдиқ қийматдан солиқ ҳисоблаш тартиби 2002 йил 1 январдан бошлаб жорий этилди. Бу тартиб 2005 йилда ҳам сақланиб қолинди.

2003-2005 йилларда истеъмол товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар асбоб ускуналарни кредитга сотиб олган бўлса, уларнинг қиймати солиқ солинадиган қийматдан камайтирилган ҳолда ҳисобланади.

Демак, 2002 йилдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга чиқариш бу солиқ ставкалари орқали ҳам рағбатлантирилади.

**Юридик шахсларнинг молк мол-мулк солиги ставкалари**

| № | Тўловчилар | Солиққа тортиладиган базага нисбатан фоизларда |
|---|---|---|
| 1. | Юридик шахслар | 3 |
| 2. | Экспортер корхоналарнинг ўзи ишлаб чиққан товар (хизмат, иш)ини эркин валютада сотиш хиссасига қараб, сотиш хажмидан | |
| 3. | 15 фоиздан 25 фоизгача бўлса | Ставка 30 фоиз камайтирилади |
| 4. | 25 фоиздан 50 фоизгача бўлса | Ставка 50 фоиз камайтирилади |
| 5. | 50 фоиз ва ундан ортик бўлса | Солиқ олинмайди |

Асосий иш жойидан олинадиган даромаддан ташқари бошқа тадбиркорлик ёки ишбилармонлик йўли билан топган даромад тўгрисида хар бир хукукий ва жисмоний шахслар солиқ қонунчилигида кўрсатилгандек ахборотнома ёзиши лозим. Бу ахборотнома солиқ декларацияси деб юритилади. Декларацияда хукукий ёки жисмоний шахсларнинг йил давомида килган харажати ва даромади кўрсатилади.

Солиқ декларациясини талаб қилишидан мақсад хукукий ва жисмоний шахсларнинг олган соф даромадини аниқлаш ва уни соликка тортишдир. Солик декларациясини ёзиб топширши жарёнида жуда катта қийинчиликларга дуч келинади. Хусусан, бу ўринда ишбилармонлар даромади ва харажатлари ифодаловчи аниқ меъёрий муқобил ўлчамларининг йўқлигини айтиш мумкин. Натижада ишбилармонлар томонидан берилган ахборотномага, яъни декларацияда кўрсатилган маълумотларга, кўрсаткичларга ишонишдан бошқа илож йўқ.

Бундан ташқари, ишбилармон-тадбиркорларнинг хаммаси хам ўзларида юргизиладиган кирим ва чиқим дафтарини тўлиқ хужжатлар асосида тўлдириш тартиби билан таниш эмас ва нихоят, солиқ декларацияси турларини камайтириш, уларни ихчамлаштириш хам ўз ечимини кутиб турган муаммолардандир, чунки хозирги вақтда 7 шаклда ва 2 турда (дастлабки ва хисоботли) солиқ декларацияси мавжуд.

Белгиланган муддатларда ишга туширилмаган ва фойдаланилмаган асбоб – ускуналар учун мол – мулк солиғини ставкасини икки баробар кўпайтириб тўлайдилар.

Қурилишдан тақдиқланган корхонани қуриш муддати меъёри ҳар бир объект бўйича технологик ва бошқа асбоб-ускуналарни ишга тушириш ва монтаж қилиш графиги бўлиши шарт. Шунга қараб ўз вақтида ишга туширилмаган мулклар аниқланади.

Ўзимизнинг ва импорт қилинган асбоб-ускуналарнинг етказиб бериш ва мотаж қилиниш графиги қуйидаги ишга тушириш муддатларини эътиборга олади:

1. Номли рўйхат ва етказиб бериш графиги бўйича режа бўйича монтаж қилишга қадар йирик технологик ва электроэнергия асбоб-ускуналари.

2. 6 ойдан ортиқ бўлмасдан технологик линиялар, бошқа умумзавод асбоб ускуналари.

3. Бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда режали ишга туширишга қараб комплект импорт асбоб-ускуналарни монтаж қилиш.

4. Тарқоқ импорт асбоб-ускуналар ва кабель махсулотлари режали муддатда, лекин 6 ойдан ошиқ бўлмаган даврга монтаж қилиш керак.

Монтаж қилиш меъёри ва графиги йўқ бўлса асбоб-ускуналар учун қуйидаги муддатлар белгиланилади.

- Ишлаб чиқариш объектлари белгиланишига қараб ўзимизнинг ва импорт қилинган асбоб-ускуналар ишга туширилмаса сотиб олинган ойдан сўнг бир йил муддат ўтиши билан.

- Йошилаб чиқариш белгиланишига қараб объектлар бўйича сотиб олинган кундан этиборан 6 ой ўтса.

- Монтаж қилиш талаб этувчи хўжалик инвентарлари ва асбоб-ускуналар бўйича сотиб олинган кундан бошланади.

- Ана шу муддатлардан сўнг асбоб-ускуналар монтаж қилинмаса ёки фойданилмаса ставкаси икки марта кўпайтирилиб солиқ тўланилади.

Мол – мулк солиғи бўйича имтиёзларни икки гурухга бўлиб ўрганиш тўғри бўлади:

1. Солиқдан тўлиқ озод бўладиган юридик шахслар.

2. Солиққа тортиладиган базанинг камайтирилиши.

Биринчи гурух имтиёзларига қуйдагилар киради:

а) Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланувчи мулклардан ташқари, нотижорат ташкилотлар учун;

б) Халқ маорифи ва маданияти муассасалари мақсади учун фойдаланиладиган мулклар;

в) Уй-жой комунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мулкларига;

г) Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, уларнинг селекцияси ва уларни сақлаш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига.

д) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолият билан шуғулланадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига ташкил этилгандан фойда олгунга қадар. Юридик шахслар имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунга қадар тугатилса солиқ суммаси бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

е) Янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган найтдан эътиборан 2 йилга. Мазкур имтиёз тугатилган корхоналар (қайта ташкил қилиш), уларнинг филиаллари ва бўлимларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизидан ташкил этилган, ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлса қўлланилмайди.

ж) Чет эл кредити ҳисобига олинган асбоб-ускуналар кредитни қайтаргунча, 5 йилдан ошган муддатга;

з) Маҳсулотни экспортга чиқарувчи ва мустақил сотувчи ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалар, экспортнинг солиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлса.

и) Мактабгача таълим нодавлат муассасаларининг мол-мулки рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, улар бўшатиб олинган маблағларни моддий техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб-ускуна, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиётлар олишга сарфласа озод этилади.

Солиқ солинаётган база қуйидаги мулклар қийматига камайтирилади.

1. Солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектлари;

2. Табиатни муҳофаза қилиш, санитария – тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хафсизлик учун фойдаланиладиган объектларнинг

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш уларнинг селекцияси балиқ овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланадиган объектларнинг;

4. Маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (автомобиль йўллари) алоқа ва энергия узатиш линияларининг шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоатларнинг;

5. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондларнинг;
6. Шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчи ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг :
7. Йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситаларининг;
8. Давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун кадирлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситаларининг:
9. Спутник алоқаси.

***3 Мол-мулк солиғини хисоблаш такдим этиш ва солиқни тўлаш.***

Солиқни хисобини солиқ тўловчилар тузадилар ва солиқ идоралари хисоботлари ва баланслар топшириш кунида топширадилар.

Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаши билан солиқ тўловчилар хисобот давридаги мулкларнинг хақиқий ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб йил бошидан ошиб борувчи хисоботни тузадилар.

Шартли мисол;

Корхоналарнинг 2003 йил 1- чорвак учун мол-мулк солиғи ҳисоби
26 апрель 2003 йил.

| № | Кўрсаткичлар | Тўловчи маълумоти бўйича |
|---|---|---|
| 1 | Ҳисобат даврида солиққа тортиладиган мулкларнинг ўртача йиллик қиймати (м.сўм) | 200 |
| 2 | Солиқ ставкаси | 3 |
| 3 | Ҳисобат даври учун тўланиши лозим бўлган соиқ(м. сўм) | 6 |
| 4 | Ҳисобат даврида хисобланган бўнак (м.сўм) | 3 |
| 5 | Кушимча хисобланган | 3 |
| 6 | Камайтирилган | - |

Солиқ хисоботига албатта мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати хисоби ва солиқ тортилмайдиган мулклар қолдиқ қиймати рўйхати илова қилинади.

Корхоналарни жорий тўловлари суммасини мустақил равишда ўзлари ҳисобот даврининг мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ва солиқ ставкасига қараб белгилайдилар ва 10 январгача солиқ

идораларига топширадилар. Солиқ суммаси давр харажати суммаси таркибига киради.

**Мулк солиғига тортилмайдиган мулклар рўйхати**

| № | Кўрсаткичлар | Ўртача қиймат |
|---|---|---|
| 1 | Уй жой, коммунал ва ижтимоий- маданий сфера | 1 |
| 2 | Табиатни муҳофаза қилиш, санитария тозалаш ва ўт учириш хафсизлиги | 0,5 |
| 3 | Йўллар (автомобиль ҳам) , алоқа лениялари, энергия узатиш ва иншоатлар | 1 |
| 4 | Чет эл кредити хисобига олинган | 0,5 |
| 5 | Вазирлар Маҳкамси музлатган фондлар | |
| 6 | Шаҳар пассажир транспорти | |
| 7 | Автомобиль йўлларини саклаш ва таъмирлаш хўжалиги транспот воситалари. | |
| 8 | Спутник алоқаси | |
| 9 | Мудофа учун кадрлар тайёрлаш транспот воситалари. | |
| | Жами | 3 |

Бюджет жорий тўловлар суммасини ҳар йил ойнинг 20 санасидан кечиктирмай йиллик сумманинг 12 бир қисми сифатида тўланади.

Ортиқча тўланган сумма келгуси давр тўловларига ётиқизилади ёки бошқа тўловлардан қарзи бўлмаса корхонанинг ёзма аризаси билан 30 кун ичида қайтарилади.

## 5.9. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги фармони. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539- сон қарорига муофиқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бюджетга тўловлари ихчамлаштирилди ва ягона ер солиғи тўлаш улар учун жорий этилди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилиши билан улар қуйидаги солиқ ва йиғимларни тўлашдан озод этилади:

- Даромад (фойдага) солиғи:
- қўшилган қиймат солиғи:
- алкоголсиз ичимлар ва мева шарбатларга акциз солиғи:
- экология солиғи:
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ:

- ер солиғи;
- ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи ;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун бож тўлов, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар, шунингдек, алкаголли маҳсулотларга акциз солиғини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Ягона ер солиғини жорий қилишдан мақсад қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг меҳнатнинг пировард натижаларидан иқтисодий манфатдорлигини кучайтириш, уларнинг солиқ тизимини соддалаштиришдир.

Ушбу тадбирнинг ишга солиниши хўжаликларни ёрдамчи касбкорлари ва ишлаб чиқишларини ривожлатиришга ундаши керак, чунки бундай фаолият натижасида олинган даромадлар солиққа тортилмайди.

Ягона ер солиғи тўлаш тартиби қуйидагиларга тегишли бўлмайди:

1. Ўрмончилик, овчилик хўжаликларига;
2. Илмий тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларининг тажриба, экспериментл ва ўқув тажриба хўжаликларига;
3. Мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига;
4. Деҳқон хўжаликларига;

Ягона ер солиғи тўловчилар бўлиб қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Бу юридик шахслар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланишидан қатъи назар, ягона ер солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ўз ихтиёрига кўра бюджетга кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқни ёки қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган ягона ер солиғи тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солиғига тортиш

объекти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ерлари майдонлари, уларнинг сифати ва жойлашган жойи бўйича ер баланси, ер хариталари, текширув материаллари ва бошқа ер кадастр ҳужжатлари бўйича қабул қилинади.

Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тўловчилар қаторига шакли ва ихтисосланишига кўра кўп сонли шахс ҳуқуқига эга хўжаликлар;

Акциядорлик ҳўжаликлари, фермер хўжаликлари ва ширкатлари уюшмалари, паррандачилик хўжаликлари, турли тизимдаги бўрдоқичилик хўжаликлари, юридик шахс бўлмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари киради.

Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган хўжаликлар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади, яъни улар олдингидек барча белгиланган солиқларини, шу жумладан ер солиғини тўлашади. Улар учун ер солиғини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қароридаги солиқ ставкалари тасдиқланган. Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдан ташқари бошқа фаолият тури билан шуғуллансалар шу фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисобот юритадилар ва улар учун қонунларда белгиланган ҳамма солиқларни тўлайдилар.

Ягона ер солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар.

Бу солиқдан имтиёзлар ҳам икки турли бўлади.

А) солиқ солинмайдиган ер участкалари.

Б) солиқ тўлашдан озод этилган юридик шахслар;

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига:

1. Қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари.

Булар аҳоли пунктлари ҳудудидаги майдонлар, кўчалар, ўтиш йўллари, йўллар, суғориш тармоғи ва у каби объектлар, шунингдек, хўжаликдаги қабристонлар:

2. Ирода дарахтлари экилган майдонлар:

3. Спорт иншоотлари , стадионлар, спорт майдончалари, сув ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия — соғломлаштириш мажмуалари ҳамда халқ таълими, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари банд қилган ерлар:

4.Янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолати яхшиланиши жараёнидаги суғориладиган ерлар, лойиҳада назарда тутилган муддатда, лекин ишлар бошланганда эътиборан беш йилга:

5. Янги ўтқазилган боғлар ва токзорлар банд қилган майдонлар, улар мева бера бошлайдиган муддатгача, уларнинг майдонлари ана

шу боғлар ва токзорлар ўтқазилган ойдан бошлаб солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

6. Янгидан тут дарахтлари ўтқазилган майдонлар, уларнинг майдонлари тутлар ўтқазилган ойдан бошлаб ун йиллик муддатга солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига муофик солиқ солинмайдиган бошқа ерлар.

1. Янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, фермер хўжаликлари, давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

2. Даромад (фойда) солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинган бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари.

Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Ягона ер солиғи унинг тўловчилари томонидан мустақил равишда ерларнинг майдони, базавий стафкалари ва тузатиш коэффициентлари асосида хисоблаб чиқилади. Қишоқ хўжалик аҳамиятга эга ерлардаги ер майдонлари ер тузиш хизмати ўтказадиган ер хисоби маълумотлари, ерларни рўйхатдан ўтказиш ва қишлоқ қўжалик экинлари ҳамда ерларни махсус асбоблар ёрдамида ўлчаш материаллари асосида тасдиқланган бўлиши лозим.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ер солиғи суммаси қуйдаги формулага кўра белгиланади:

Н = Sзу·Сб·Кп бунда Н - Ягона ер солиғининг суммаси, сўмларда; Sзу- ер участкасининг майдонига: Сб — 1 гектар учун солиқнинг базавий ставкаси, сўмларда; Кп- тузатиш коэффициенти.

Ерларнинг ҳар бири (суғориладиган ерлар, лалми ерлар, пичанзорлар, яйловлар ва) учун тегишли базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари қўлланилади, улар ЎзР Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тўловчилар еткизилади. Солиқни ҳисоблаш 2003 йилда ҳам сақлаган солиқ ставкаси 1,2 фоизга оширилган.

Суғориладиган қишлоқ хўжаликлари ерлари бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шахар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Ижтимоий иморатлар. Сув хавзалари. Каналлар, коллекторлар ва йўллар банд қилган ерлар, шунингдек қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган бошқа ерлар бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шахарларнинг суғориладиган ерлари бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тарзда солиқнинг ундирилиши ер участкаси тортиб олинган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтиб олинган сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилган).

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланганда улар бундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб тўламайдилар.

Имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқи тўхтатилганда, бундай ҳуқуқи тўхтатилгандан кейинги ойдан бошлаб ер солиғи тўлашни бошлайдилар.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига ягона ер солиги суммасини Вазирлар Маҳкамаси белгиланган ставкаларда ҳисоблаб чиқадилар ва ўзлари жойлашган солиқ инспекцияларига (аксарият) солиқ ҳисобини жорий йилнинг 1 февралига қадар тақдим этадилар.

Ягона ер солиғи бир йилда уч марта тўланадиган бўлади.

- 1 июлгача йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи миқдорида
- 1 сентябргача йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи миқдорида
- 1 декабригача қолган солиқ суммаси тўланади.

Ягона ер солигининг ҳисобланган суммаси корхонанинг давр харажатларига киритилади.

Ҳисобланган солиқ 68 счётнинг «Ер солиғи ҳисоби вароғи» кредитида 26 счётнинг «Давр харажати» дебетида кўрсатилади. Солиқ бюджетга ўтказилганда 68 счётнинг дебетланади ва 51 «Ҳисоб-китоб вароғи» кредитланади.

Баъзавий ставкаларини ва тузатиш коэффициентларини қўллаган ҳолда ягона ер солиғи суммасини ҳисоблаб чиқиш учун мисол тариқасида Жиззах тумани хўжаликларидан бири мисол кўриб чиқамиз.

Ягона ер солигини кўрсатилган муддатларда тўлаб борган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳар қандай молиявий жазолардан холи бўлади.

Белгилаб берилган майдондан ортиқча ери бўлган юридик шахслар 2 коэффициентга кўпайтириб ер солиғи тўлайдилар.

| № | Ер турлари | Майдон | Базавий ставка | Тузатиш коэфф. | Солиқ суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Суғориладиган ерлар | | | | |
| | 4 класс (31-40балл) | 16 | 12001,8 | 3,29 | 63262 |
| | 5 класс (41-50балл) | 180,7 | 12001,8 | 4,67 | 1014161 |
| | 7 класс (61-70балл) | 145 | 12001,8 | 9 | 1568349 |
| | 8 класс (71-80балл) | 443 | 12001,8 | 11,68 | 6218402 |
| | 9 класс (81-90балл) | 100 | 12001,8 | 14,55 | 1746619 |
| | Жами | 2516 | | | 10610793 |
| 2 | Лалми, бўз ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзор (текислик зонаси) | 234 | 153,6 | 1,19 | 42772 |
| 3 | Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар"Чўл минтақасида" | 82 | 31,6 | - | 2591 |
| 4 | Сув хавзалари, каналлар, колек-торлар, йўллар остидаги ерлар | 316 | 12001,8 | 0,004 | 1519 |
| 5 | Жамоат иморатлари ваховлилари | 98 | 12001,8 | 20,44 | 2407350 |
| 6 | Бошқа ерлар (фойдаланилмайдиган) | 483 | 12001,8 | 0,004 | 2322 |
| | Жами | 3408 | | | 13067347 |
| | Тўлаш муддати | | | | |
| | 1 июлгача 20 % | | | | 2613470 |
| | 1 сентябргача 30 % | | | | 3920204 |
| | 1 декабргача 50 % | | | | 6533673 |

# VI БОБ. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА ХАЛҚАРО СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

## 6.1. Ривожланган мамлакатларда солиқ тизими ва уларнинг умумий жиҳатлари

Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпгина давлатлар АҚШдан ташқари юттан ҳамда юткизган мамлакатлар жуда оғир аҳволда қолган эди. Ишлаб чиқариш, саноат, молия соҳаси янгиланишни талаб этарди. Инфляция, валюталарнинг барқарорсизлиги иқтисодиётнинг аграр секторлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қизиқишни пасайтирарди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги нархлари ўртасидаги диспаритет, Европа давлатлари билан ички ва ташқи савдонинг ягона тизимининг бузилиши, туризм, банк ва бошқа операциялар, хизматлар орқали тушадиган хорижий валюталар ғарб давлатлари

миллий молия тизимини мустаҳкамлашни тезлантиришни олдига қўйди.

Қисқа муддатда лекин самарали ўтказилган нархларни ҳамда иш ҳақини тартибга солиш бўйича чора - тадбирлар ва пул ислоҳотидан кейин ғарб давлатлари ўзларининг солиқ тизимини ислоҳотини амалга оширишга ўтдилар. Солиқ тизими орқали етакчи ғарб мамлакатлари ЯММни қайта тақсимлаб давлат томонидан саноатнинг устивор тармоқларини, илмий - техник изланишлар, экспортни қўллаш, инвестициялар, капитал қўйилмаларни молиялаштиришни фаол амалга оширишга муваффақ бўлдилар. Шунда бюджет харажатларининг иқтисодиётни молиялаштириш олдинги йилларга нисбатан АҚШда -2,7; Англияда -2; Францияда -3; Германияда -8,5; Япония -11; Италия -4,3 мартага ошди.

Европа ҳамжамияти аъзолари бўлган кўпгина мамлакатлар солиқлар фақатгина фискал вазифасини эмас, балки қуйидаги вазифаларни бажариши кераклигини қонунийлаштиради:

- ишлаб чиқариш саноат тармоқларини ривожлантириш ва илмий - техник фаолиятини ривожлантириш;
- хусусий тадбиркорлик ҳамда йирик корпорациялар учун шароитлар яратиб бериш;
- циклик пасайиш даврида чора-тадбирлар кўриш ва ишлаб чиқариш ўсишини барқарорлаштириш;
- ташқи иқтисодий ва ташқи савдо муносабатларини тартибга солиш, жаҳон бозорида миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- миллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш;
- жамиятда мўътадил ижтимоий муҳит яратиш.

Шуни айтиб ўтиш керакки, етакчи индустриал мамлакатларда солиққа тортиш бирданига амалга оширилмаган, ўзининг миллий иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда жуда аста-секинлик билан босқичма-босқич қайта кўрилган. Биринчи бўлиб солиқ ислоҳотини Буюк Британия ва АҚШ бошлаб берган. Буюк Британияда 1979 йилдан Маргарет Тетчер Парламент биринчи чақириқ сессиясида бошлаб, босқичма –босқич 10 йил давом этган. АҚШда - 1981йилдан 1986 йилгача ўтказилди. Францияда 80 йиллардан бошланиб то ҳозиргача босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Германияда - 1986, 1988 ва 1990 йилларда бўлиб ўтган. Япония - 15 йиллик назарий тайёргарликдан сўнг 1988 йилда умумий солиқларіни қисқартиришга ва ички талабни оширишга

йўналтирилган солиқ ислоҳотини ўтказди. Швецияда - янги солиқ тизими тўлиқ ҳажмда 1 январь 1991 йилда киритилди.

Ривожланган мамлакатларда солиқ ислоҳотини ўтказишда 2та устивор йўналишни ажратиш мумкин:

1) Тадбиркорларни ишлаб чиқаришда ва илмий-техник муҳитида инвестицион фаолиятини рағбатлантириш;

2) Истеъмолга солиқни бюджетни тўлдирувчи манба сифатида кенгайтириш.

Солиқ сиёсатида ишлаб чиқаришни, илмий-техникани ривожлантириш мақсадида ривожланган мамлакатларда корпорацион солиқни бюджет даромадлари таркибида пасайтиришга интилган, ҳукумат бу йўқотишни ўрнини қоплаш учун эса эгри солиққа тортиш ва қўшилган қиймат солиғини қўллашга тўғри келган.

Ривожланган мамлакатларда солиққа тортишнинг тузилиши (Франциядан ташқари) бугунги кунда кўпроқ ҳажмни тўғри солиққа тортиш эгаллаб келмоқда. Даромад солиғи энг йирик фискал йиғим ҳисобланиб келмоқда. Биринчи ўринда турувчи мамлакатнинг давлат арбоблари ва иқтисодчилари фикрича, айнан шунинг ҳисобига иқтисодий ўсиш рўй берган.

Иқтисодиётнинг либерализациялашуви натижасида янги молиявий бозорлар пайдо бўлди. Турли хил молиявий активлар билан операциялардан процентлар, кредит муносабатлари асосида кўрадиган даромадлар пайдо бўлди. Натижада солиқ ислоҳотида процентдан даромад ҳисобига солиққа тортиш базаси кенгайди. Масалан, Францияда - 1979 йилдан ссудага солиқ, ҳамма кредитларга ва суғурталарга солиқ бор. Англияда - 1981 йилдан ссудага солиқ, инвестициядан кўрган даромадга солиқ -солиқ ундирувчининг ойлигига қўшилади. Германияда- 25% дан 35% гача ставкада процентдан даромадга солиқ белгиланган. АҚШда - акцияга солиқ даромад солиғининг ставкаси бўйича тортилади. Италияда - капиталдан даромад, банкдаги ҳисоби, облигация ва қимматли қоғозлар ҳам солиққа тортилади. Ставкаси 6,25% дан 30% гача. Японияда - ҳамма процентларга ягона 20% ли солиқ бор.

Буюк Британияда акцияни ушловчиларни жалб этиш мақсадида бир қатор имтиёзлар берилган: жисмоний шахслар ўзининг компаниясининг фойдасида иштирок этганда; яқинда ташкил этилган ва кичик компанияга инвестиция қилганлар учун имтиёзлар. Масалан, акция эгаси камида 5 йилга қўйилма қўйиб, унинг суммаси 500 дан кам бўлмаган ва 40000 ф.ст. дан юқори

бўлмаганлар шу компаниядан олган даромадларидан солиқ тўламайдилар.

Ривожланган мамлакатларда 100 дан ортиқ солиқлар мавжуд. Ўзбекистонда ундириладиган солиқлардан ташқари яна:

- кўчмас мулкларга солик, ер участкалари, курилишлардан ундирилади. Солиқ ставкаси мулкининг қийматига қараб 1 - 3%.

Айрим мамлакатларда мол-мулк солиғидан ташкари умумий мулк қийматига солик хам бор. Унда фақатгина йирик, катта бойликлар солиққа тортилади. Бу солиқ учун юқори солиққа тортилмайдиган минимум мавжуд, унга ердан ташқари компания акция пакетлари, активлар, индивидуал тадбиркорларнинг товар запаслари киради, солиқ ставкаси 1 - 2%.

Мерос ва хадя солиғи, эгри солиқ таркибига киради, чунки тўғри солиққа ўхшаб узлуксиз характерга эга эмас.

Францияда ва Японияда халигача жон солиғи бор. Бу солиқ хар бир яшовчидан қанча даромад олишидан катъий назар бир хил ставкада тўлайди.

Келишув солиғи (сделка) - бож кўринишида бўлиб, белгиланган тартибда регистрация қилинадиган, келишувлардан ундириладиган эгри солиқ. Келишув солиғининг бир неча тури бор:

1) Герб солиғи мулк берилаётганлиги ҳақидаги далолатнома, жавобгарлик мажбуриятлари, эгаликка ишончнома ёки мулкни қарамоғига олишда, квитанция, распискаларни регистрация қилинаётганда ундирилади. Герб солиғи аник ставка бўйича ёки келишув суммасидан фоиз кўринишида ўтказилади.

2) Трансферт солиғи - акция ва облигация сотувидаги келишув, хусусий ер сотувидаги келишувдан ундирилади.

Солиқлар билан биргаликда мажбурий ажратмалар ҳам мавжуд. Шулардан энг йириги ижтимоий суғуртага ажратмалардир. Ижтимоий суғуртага ажратмалар-кўпгина мамлакатларда мажбурий характерга эга, у меҳнатга ёлланганлан ҳам, тадбиркордан ҳам ундирилади. Тадбиркорлар иш ҳақи фондидан фоизда тўлайдилар. Айрим мамлакатларда ставкалар 15-24% гача бўлади, бу эса инфляция ва нархларнинг ўсиш темпининг тезлашишига олиб келади.

## 6.2. АҚШ ҳамда Россия Федерциясининг солиқ тизими

Америка Қўшма Штатлари 200 йилдан зиёд тараққиёт йўлини босиб ўтган. Бутун дунё мамлакатлари умумий ишлаб чиқаришининг учдан бир қисми ёки дунё капитали бозорининг асосий капитали

айнан шу давлатга тўғри келади. Хўш, мазкур давлатнинг шу даражада юксалишига нима сабаб бўлди? Албатта, бунинг сабаблари кўп. Энг асосийларидан бири эса солиқ сиёсатидир. Қатор ислоҳотларни бошидан кечиргач Америка солиқ тизими иқтисодиётни эркинлаштиришга ва тўйинган бозорни вужудга келтиришга мослаштирилди.

АҚШда жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғи 18 аср охирларидан мавжуд. Ўша даврда ойига 600 доллардан зиёд даромад олган шахсларгина солиқ тўлаб, солиқ ставкаси 10% ни ташкил қилган. 20 асрга келиб эса, фуқароларнинг умумий даромадидан 25% солиқ олинадиган бўлди.

АҚШда доимий солиқ тушумларининг асосий қисми Федерал бюджетга ўтказилиб, солиқ тизими хусусий капитални иқтисодиётга йўналтиради. Солиқ сиёсатида мавжуд бўлган имтиёзлар тадбиркорликни ривожлантириш учун ишлатилади. Аҳолидан олинадиган даромад солиғининг нисбати катта бўлиб, у ўсиб борувчи шкала бўйича белгиланади. Ижтимоий суғуртага ажратмалар федерал бюджетда ҳажми бўйича 2-модда бўлиб, уни иш берувчи ёки ишчининг ўзи тўлайди. Тўлов ставкаси ҳар йили ўзгариб туради.

АҚШ давлат бюджетида йирик солиқлардан бири - корпорациялар даромад солиғи ҳисобланади. Барча корпорациялар дифференциаллашган ставкаларда солиқ тўлайди. Корпорацияларга солинадиган даромад солиғи 1909 йилда жорий қилинган бўлиб, ўша йили унинг қиймати атиги 1% ни ташкил қилган. 1979 йилда мазкур солиқ 46% қилиб белгиланди. Ҳозирги кунда ушбу солиқ ставкаси 34% ни ташкил қилмоқда. Мисол учун корпорация биринчи 50000 доллар даромадидан 15% ставкада, кейинги 250000 доллар даромадидан 25% ли ставкада солиқ тўлайди, қолган қисмига 34% ставка қўлланилади.

АҚШ давлат бюджетида жисмоний шахслар ва корпорациялардан олинадиган солиқ миқдори 60% дан юқори тушумни таъминлайди.

Федерал бюджетга солиқ тушумларидан асосийлари: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи умумий тушумда 48-49%ни, иш ҳақи фондидан солиқлар умумий тушумда 35% атрофини, корпорациялар даромадидан солиқ умумий тушумда 10% ни ташкил қилади.

Штатлар корпорациялар ва фуқаролардан даромад солиғини йиғиб олади. Сотувлардан олинадиган солиқ уларнинг даромад манбаи бўлиб, уни шаҳарлар бюджети билан баҳам кўришади.

АҚШнинг 50 та штатидан 44 тасида савдодан олинадиган солиқ қўлланилади. Махаллий солиқларнинг таркиби ва ставкалари 4 гурухга булинади:

1) Бевосита солиқлар (мол-мулк солиги, ер солиги, совгалар ва мерослардан олинадиган махаллий солиқлар) факат шу худудда йиғилади. Билвосита солиқка тортиш турлича булиб, асосан, савдо ва махсус акцизлардан иборат.

2) маҳаллий солиқлардан факат шаклан фарқ килувчи федерал солиқларига қўшимча бўлиб, унинг маълум фоизи маҳаллий бюджетга ажратилади.

3) транспорт воситаларига, коммунал хизматларига, мехмонхоналарга, мусика ва спорт тадбирларига солиқларни уз ичига олади. Истеъмол солиқларига автомашиналарни руйхатга олиш, автомашиналар турар жойига, ёнилгига солик, акциз солиги ва йуллар учун олинадиган солиқлар киради.

4) Маҳаллий солиқлар, мазкур худудни бошқариш органларининг сиёсатини англатади. Бунга экологик солиқлар кириб, улар атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва тозалашга сарфланади.

Республикамиз солиқ тизими умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлардан иборат. АҚШда эса бошқачароқ Федерал солиқлар, Штат солиқлари ва маҳаллий солиқлардан иборат.

**АҚШ давлат бюджети даромадларининг таркиби (% ҳисобида)**

| Солик турлари | 2002 й | 2003 й | 2004 й |
|---|---|---|---|
| Жисмоний шахслар даромад солиғи | 49,22 | 48,8 | 48,63 |
| Ижтимоий суғурта | 33,33 | 33,9 | 34,1 |
| Корпорациялар даромад солиғи | 10,38 | 9,34 | 9,6 |
| Акциз солиғи | 2,96 | 2,92 | 2,94 |
| Мерос ва совғаларга солиқ | 1,46 | 1,46 | 1,47 |
| Божхона тўловлари | 1,11 | 0,98 | 0,98 |
| Бошқа даромадлар | 1,54 | 2,6 | 2,28 |
| Жами | 100 | 100 | 100 |

Федерал бюджет солиқларида асосан бевосита солиқлар хиссаси кўпроқ. Бу жисмоний шахслар даромад солиғи, корпорациялар даромад солиғи ва бир неча солиқлардан иборат. Фарқли томони, АҚШ бюджетида салмоғи бўйича жисмоний

шахслар даромадидан олинадиган соликдан кейин иккинчи ўринда ижтимоий суғурта ажратмалари туради. Ундан кейин корпорациялар даромадига солиқ.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, катта еттилик давлатлари ичида Америка Қўшма Штатларида солиқ юки энг пастлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир Америка фуқароси солиқларини ўз вақтида тўлашни ўзининг фуқаролик бурчи деб билади.

Россия Федерациясининг солик тизими.

Россия солиқ тизими юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш уч даражалидир.

* Биринчи даража - бу Россиянинг федерал солиқлари. У бутун мамлакат территориясида ҳаракат қилади ва умумроссия қонунчилиги томонидан тартибга солиб турилади, федерал бюджетнинг асосий даромад қисмини шакллантиради, унинг ҳисобига федерал бюджет ва маҳаллий бюджет молиявий барқарорлиги таъминланиб турилади.

Федерал солиқларига қўшилган қиймат солғи, корхона ва ташкилотларининг фойдасига солик, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, акциз, божхона божлари киради.

* Иккинчи даража - Россия Федерацияси таркибидаги республика солиқлари ва ўлка солиқлари, область, автоном область, автоном округ солиқлари. Қисқача регионал солиқлари деб номланади. Регионал солиқлар Федерация субъекти органи томонидан белгиланади. Регионал ҳукумат уларнинг белгиланган чегарадаги ставкаларини, солиқ имтиёзларини ва ундириш тартибини назорат килади. Регионал бюджетларга кўпроқ юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи даромад келтиради.

* Учинчи даража - маҳаллий солиқлар, шаҳар, туман, қишлоқ солиқлари. Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларининг Ваколатли органлари (шахар Думаси) регионал ва маҳаллий солиқларини белгилаш ҳуқуқига эга. Маҳаллий солиқлар ичида йирик тушумни жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи, рекламага солиқ, уй-жой фондини ва ижтимоий - маданий муҳитни таъминлаш солиғи таъминлайди.

Бюджет тизими бюджетдан ташқари фондлари билан тўлдирилади. Бу ажратмаларнинг манбаси солиқлар каби ишлаб чиқарилган ЯММдир. Бу ажратмалар иш ҳақи фондидан ва товарлар (иш, хизматлар) нинг нархидан ўтказилади. Ҳар бир иш берувчи иш ҳақи фондидан Давлат пенсион фондига 28%, Ижтимоий суғурта фондига 5,4%, Бандлик фондига 1.5%,

Медицина суғурта фондига 3.6%, ҳар бир ишчи эса пенсион фондга 1% ажратилади.

Ҳозирги кунда солиқларнинг умумий миқдори 45та, шундан:
федерал солиқ ва йиғимлари - 15
регионал солиқлар - 7
маҳаллий солиқ ва йиғимлар - 23та.

## 6.3. Буюк Британия ва Германия давлатларининг солиқлари

Буюк Британия.

КҚС- 1998 йилдан бошлаб стандарт 17,5%, йиллик оборотида 45000 ф.ст. бўлган тадбиркорлардан олинади. Ноллн ставка истеъмол товарларига, нашрлар, дорилар, болалар кийимлари, олтин билан қимматли қоғозлар операциялари, энерго-сув таъминоти, коммунал тўловлар, уй-жой қурилиши ва реконструкцияси, пассажир транспорти, суғурта хизматлари.

Акциз - нефть маҳсулотларидан, табак маҳсулотлари, кучли спиртли ичимликлар, вино, пиво, қимор ўйинларидан олинади. Акциз ставкалари: бензин (1л) - 0,3314 ва 0,2832 ф.ст.; Сигаретларга чакана нархидан 20% плюс 1000 донага 52,33 ф.ст.; спиртли ичимликлар (1л тоза спирт) - 19,81 ф.ст.

Даромад солиғи - ставкалари 20, 25 ва 40% иш ҳақидан ва фойдадан олинади. Айрим категориядаги солиқ тўловчилар учун чегирмалар бор. Норезидентлар Англияда топган даромадидан солиқ тўлайдилар. Улар учун махсус чегирмалар бор.

Корпорация фойдасига солиқ - стандарт ставка 33%, йиллик фойдаси 1,25 млн ф.ст. дан кам бўлмаган компаниялар учун чегирмалар бор. Кичик корхоналар йиллик фойдаси 250 мингдан кам бўлганлари 25%. Асосий солиқ режими инвестицион, суғурта, қурилиш, саноат ва жамғарма компанияларда қўлланилади.

Капитал ўсишига солиқ - тижорат фаолият билан шуғулланувчи резидент ва норезидентлар, Англияда ваколатхонаси бўлган савдода, айирбошлашда ёки беғараз сармояли активлар берилаётганда ундирилади. Норезидент жисмоний шахслар мулкини Англияга олиб ўтаётганда тўлайдилар.

Герб солиғи — ҳуқуқий ва тижорат ҳужжатларини расмийлаштираётганда олинади, солиқ ставкаси ҳужжат характерига қараб белгиланади. Масалан, акция ва қимматли қоғозлар савдосида 0,5 - 1,5%, ер ижараси ва кўчмас мулклар ижараси муддати ва йиллик ижара қийматидан 1 - 24% гача.

Автомобилларни регистрация килишга солик - енгил автомобилни регистрация килинганда солик ставкаси 130 ф.ст.

Мулк солиғи - кўчмас мулкка эга бўлган мулкдорлар ва ижарачилар тўлайдилар. Солик ставкаси шаҳар ва графликларга қараб турлича.

Тадбиркорлик солиғи - тадбиркорлик мақсадида норезидентлардан, ер участкалари ва қурилишлар учун ижарачилардан олинади. Ставкаси ҳар йили маҳаллий бюджет эҳтиёжига қараб ўзгаради.

Давлат бюджетига тушадиган тўғри солиқлар ичида аҳолини даромад солиғи 64%, компанияларни даромад солиғи 19%, герб йиғими эса 2% ташкил этади.

Германия.

ҚҚС - стандарт ставкаси 15%, пасайтирилгани 7% (қишлоқ хўжалик товарларига, озиқ-овқат, медицина жиҳозлари, нашр қилиш, пассажир транспорти ва бошқалар). Озод қилинганлар: почта, банк, суғурта хизматлари, ижтимоий ва маданий ташкилотлар ҳамда йиллик оборотида 25000 нем.м. бўлган кичик корхоналар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги.

Акциз - нефть маҳсулотлари, табак, спиртли ичимликлар, вино, пиво, минерал сув, кофе, сугурта операциялар, томоша тадбирлари ва қимор бизнеси. Ставкаси: бензин (1000л) -980 ва 1080 нем.м.; Сигарета - чакана нархидан 24,8% плюс бир дона учун 8,3 пф.; Спиртли ичимликлар (1гл тоза спирт) - 2550 нем.м.; майдаланган кофе (1кг) 9,35 нем.м.

Даромад солиғи - жисмоний шахслардан прогрессив шкала асосида ундирилади. Ставкаси min - 19% (йиллик даромади 8153 нем.м.гача булса). max - 53%(120000 нем.м. дан юкори).
Солик суммасидан зарарлар ва алоҳида харажатлар чегириб ташланади. Болаларга имтиёзлар белгиланган, солик тўловчининг ёши ҳам ҳисобга олинади (касал бўлиши).

Корпорацияларни фойдасига солик - стандарт ставкаси 45%, айрим категориядаги корхоналар учун - 42%, дивидент кўринишидаги тақсимланадиган фойда - 30%. Германияда регистрация қилинган акционерлик компаниялари Германияда ва хорижда топган фойдаларидан солиқ тўлайдилар. Хорижий компаниялар эса фақат герман манбаларидан олган даромадларигина солиққа тортилади. Озод қилинганлар: қишлоқ хўжалик кооперативлари ва бир қатор ташкилотлар. Солиққа тортиладиган суммадан зарарлар ва айрим харажатлар чиқарилиши мумкин.

Тиришчиликка солик- юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдасидан ва айланма капиталидан олинади. Маъсулияти чекланган компанияларнинг базавий ставкалари: фойдадан - 5%, капиталидан 2 промилле (солиққа тортилмайдиган минимумдан юқори 48 ва 120 минг нем.м.). Базавий ставкалари муниципалитет томонидан 3 марта кўтарилиши мумкин.

Ер солиғи - юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларидан олинади; агар ер участкаси тадбиркорлик мақсадида фойдаланилса, у билан боғлиқ харажатларни чиқариб ташлашга рухсат берилади. Базавий ставкаси 0,20 дан 0,6% гача. Ер участкаси бир шахсдан бошқасига ўтказилса сотув нархидан 2% хажмда солиқ тўлайди.

Мол-мулкка солик. Жисмоний шахслар учун 1%, юридик шахслар учун 0,6% (қишлоқ ва ўрмон хўжалигида имтиёзлар бор). Солиққа тортилмайдиган минимум 120 ва 20 минг нем.м. Норезидентларга ҳам тааллуқли.

Автотранспорт солиғи. Автомобиль эгаларидан ҳамда хорижда регистрация қилингандан ҳам олинади. Солиқ ҳажми двигателни цилиндрига боғлиқ. Енгил автомобилнинг солиқ ставкаси - 13,2 нем.м. плюс 21,6 нем. ҳар бир 100см* учун.

Ҳозирги кунда Германияда иккита йирик солиқ - жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғидир. Давлат бюджети даромадлари ичида ҚҚС - 28% ни ташкил этади. Умумий бюджет даромадлари таркибида солиқлар 80% ни ташкил этади.

## 6.4. Франция, Италия солиқ тизими

Франция.

Франция солиқ тизимининг қизиқ жойи шундаки, асосан шу мамлакатда биринчи бўлиб 1954 йилда қўшилган қиймат солиғи киргизилган. Солиқ тизими асосан истеъмолга йўналтирилган.

ҚҚС - ставкаси 20,6%, пасайтирилгани - 5,5% (қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, озиқ-овқат, медицина жиҳозлари, китоблар, юк ва пассажир транспорти, меҳмонхона хизматлари, маданий чора-тадбирлар). Озод қилинганлар: йиллик оборотида 70000 фр. бўлган корхоналар, банк, молия, хусусий ўқитувчилик ва даволаш фаолияти, қишлоқ хўжалиги ва балиқ ови.

Акциз. Нефть маҳсулотлари, электр энергия, кучли спиртли ичимликлар, пиво, минерал сув, табак маҳсулотлар, ёғ, дон, шакар, кондитер маҳсулотлари, гугурт, зажигалкалар, қимматбахо

металлар, ювелир маҳсулотлари, санъат асарлари, антиквариат, суғурта ва биржа операциялари, телевизион рекламалар, оммавий томоша тадбирлари ва қимор ўйинларидан ундирилади.

Акциз ставкаси: бензинга (1гл) - 347,41 ф.фр.; вино (1гл тоза спирт) 350 - 9060 ф.фр; сигареталар 58,7 чакана нархидан; кунгабокар ёғи (1т) - 22,5 ф.фр.; теле рекламага 10 дан 420 ф.фр. эълон қийматига боғлиқ.

Даромад солиғи - прогрессив шкала асосида солиққа тортилади. Ставка: 0 дан 58% гача. Хамма резидентлардан олинади.

Франция солиқ тизимининг фарқли томони - ижтимоий йўналтирилган фондларга ажратмаларнинг (ИЙФ) юқорилигидир. Мажбурий ажратмалар ичида ИЙФ - 43,3% ни ташкил этади, хаттоки йирик ривожланган мамлакатлардан юқори. Масалан, Германияда - 37,4%, Буюк Британияда - 18,5%, АҚШда - 29,7%.

Франция марказий бюджети даромадига солиқдан тушумлар 93% ни ташкил этади.

Энг кўп тушумни берувчи солиқ асосан ҚҚСдан - 45% тушади.

Имтиёзли солиқлар марказий бюджетга тушадиган солиқ суммалари ичида учдан бирини ташкил этади.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий бошқарув органларининг даромад базасини 40% ини ташкил этади. Икки хил кўринишдаги маҳаллий солиқлар мавжуд: корхонага солиқ ва оилага солиқ. Мамлакатнинг солиқ тизими иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида такомиллашади ва амалга оширилади.

Италия.

ҚҚС - ставкаси 20% (1998й), пасайтирилган ставкаси 4% (озиқ-овқат товарларига, медицина жиҳозларига, китоб, газета); 10% - айрим қишлок хўжалик маҳсулотларига, сув таъминоти, умумий пассажир транспорти, меҳмонхона ва бошқа хизматларга.

Тўланмайдиганлар: кредит, суғурта ва ижара операциялари, почта хизмати, касалхоналар, таълим муассасалари, библиотека, музей, олтин ва хорижий валюта билан операциялар.

Акциз - нефть маҳсулотларидан, пасайтирилган газдан, электр энергия, қурилиш материаллари, табак маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, пиво, гугурт, пластик пакетлар, суғурта операциялари, томоша тадбирлари, чет элга чиқиш ва қимор ўйинлари солиққа тортилади.

Ставкалар: бензин (1000л) - 911 ва 1019 минг ит. л.; дизель ёқилғиси(1000л) - 670 минг ит.л.; электр энергия(1кВтҒс) - 4,1ит.л.; табак маҳсулотлари чакана нархидан -57%; спиртли ичимликлар(1л. тоза спирт) - 1146 минг ит.л.

Жисмоний шахслар даромад солиғи - прогрессив шкала асосида амалга оширилади, инфляцияни ҳисобга олиб хар йили ўзгариш киритилади. 1998 йилда min ставка-10%, max - 51% (даромади 300 млн ит.л.)

Юридик шахслар даромад солиғи - ставка 36%, компания ва ташкилотларнинг нетто даромадидан олинади. Норезидентлар Италиядаги топган даромадидан тўлайди.

Озод қилинганлар: қишлоқ хўжалик, айрим ишлаб чиқаришлар ва кичик балиқ овловчи кооперативлар.

Беш йиллик зарарлар фойдадан чиқариб ташлаш мумкин. Муниципал ва регионал корхоналар учун солиқ, савдо палатаси, коммунал, таълим муассасалари солиқлари ярмига қисқаради.

Давлат даромад солиғидан ташқари жисмоний ва юридик шахслар 16% ли махаллий даромад солиғини тўлайдилар.

Регистрация солиғи - контракт ва бошқа хужжатларни регистрация қилинаётганда олинади, келишув ва хужжатлар суммасига боғлиқ. Айрим холатларда герб йиғимлари (50000 дан 80000гача) тўлдирилади.

Автотранспорт воситаларига солиқ - енгил ва юк автомобилларидан ундирилади. Енгил автоларга ставка 20,5дан 1217,3 минг ит.л. Махаллий солиқлардан яна бири кўчмас мулкка солиқ - ставкаси 4 дан 6% гача. Кўчмас мулкка солинади.

# АДАБИЁТЛАР

1. Д.Г. Черник. Налоги. Москва. "Финансы и статистика" 1995 г.
2. Косим Яхёев. "Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти". Тошкент 2003 й.
3. Ш.К. Гатаулин. "Солиқлар ва солиққа тортиш" Тошкент 1996 й.
4. Д.Г. Черник. "Налоги в рыночной экономике". Москва "Финансы" 1997 г.
5.Д.Ю. Мельник. "Налоговый менеджмент". Москва,"Финансы и статистика" 1999 г.
6. А. Маманазаров "Солиқ сиёсати". Тошкент-"Молия"-2003й.
7. Русакова И.Г. Налоги и налогооблажение. М.1996.
8. Яхёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т. 2005.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги Қонуни

## МУНДАРИЖА


| | |
|---|---|
| **КИРИШ** | 3 |
| **I Боб. Солиқларнинг назарий асослари** | 4 |
| 1.1. Солиқлар ва унинг ривожланишидаги концепциялар | 4 |
| 1.2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва зарурлиги | 9 |
| 1.3. Солиққа тортиш тамойиллари | 11 |
| 1.4. Солиқларнинг функциялари | 14 |
| **II Боб. Солиқ солишнинг макро ва микро иқтисодий жиҳатлари** | 18 |
| 2.1. Давлат бюджетининг тузилиши, моҳияти ва аҳамияти | 18 |
| 2.2. Солиқ юкининг тақсимланиши | 24 |
| 2.3. Солиқларнинг макро иқтисодий самараси | 28 |
| **III Боб. Солиқ сиёсати** | 30 |
| 3.1. Солиқ сиёсатининг хуқуқий асослари ва тушунчаси | 30 |
| 3.2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқаришда давлатнинг роли ва ҳозирги даврнинг солиқ сиёсати | 32 |
| 3.3. Ўзбекистон солиқ сиёсати тарихи | 35 |
| **IV Боб. Солиқ тизими** | 37 |
| 4.1. Ўзбекистонда солиқлар тизимининг таркиби | 37 |
| 4.2. Солиқлар объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гуруҳлаш | 39 |
| 4.3. Солиққа тортиш тизими. Элементлари, усуллари | 44 |
| **V Боб. Солиқларнинг турлари ва солиқ декларацияси** | 49 |
| 5.1. Иқтисодиётда қўлланиладиган солиқ турлари ва уларнинг аҳамияти | 49 |
| 5.2. Юридик шахсларнинг солиқлари. Юридик шахсларнинг даромадига солиқ | 51 |
| 5.3. Қўшилган қиймат солиғи | 62 |
| 5.4. Юридик шахсларнинг ер солиғи | 66 |
| 5.5. Экология солиғи | 73 |
| 5.6. Кичик корхоналарнинг ихчамлаштирилган солиғи | 75 |
| 5.7. Акциз солиғи | 80 |
| 5.8. Юридик шахсларнинг солиғи | 82 |
| 5.9. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг ягона ер солиғи | 88 |
| **VI Боб. Хорижий мамлакатларда солиқ тизими ва ҳалқаро солиқ муносабатлари** | 93 |
| 6.1. Ривожланган мамлакатларда солиқ тизими ва уларнинг умумий жиҳатлари | 93 |
| 6.2. АҚШ ҳамда Россия Федерациясининг солиқ тизими | 96 |
| 6.3. Буюк Британия, Германия давлатларининг солиқлари | 100 |
| 6.4. Франция, Италия солиқ тизими | 102 |
| **АДАБИЁТЛАР** | 105 |

Босишга рухсат этилди 07.10.2005. Ҳажми 6,625 босма табоқ.
Бичими 60x84 1/16. Адади 100 нусха. Буюртма 134.
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
Иқтисодиёт факультети кичик босмахонасида чоп этилди.